



**ГУЛИСТОН**  
8  
1990

Каттақўрғон ноҳиясидаги Э. Телман номли хўжаликда гўза ҳосилдорлигини оширадиган «Т» ёрлиқли янгича ўғит қўлланмоқда.  
Суратда (чапдан ўнгга): бўлим бошқарувчиси Муртазо Туропов,  
инги озуқа-ўғит муаллифи профессор Тўлқин Бобоев

Сураткаш Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ)





# МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:*

*Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,*

*ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,*

*ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,*

*Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,*

*халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,*

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.*

*1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.*

*2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси даҳлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.*

*3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир.*

*4. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.*

*5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти*

*ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.*

*6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.*

*7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.*

*8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.*

*9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонунини ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.*

*10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.*

*11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.*

*12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.*

*Ўзбекистон ССР Олий Советининг  
иккинчи сессиясида қабул қилинди.  
Тошкент шаҳри, 1990 йил 20 июнь.*



№: 8 (486)

АВГУСТ

(СУНБУЛА)

1990

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган  
Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
нашриёти

Бош муҳаррир:

МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

Сарвар АЗИМОВ,

Баҳодир АМИНОВ,

Хуршид ДАВРОН,

Наримон ИБРОҲИМОВ,

Ҳамид ЗИЕЕВ,

ШУКРУЛЛО,

Иўлдош СУЛАЙМОН,

Дилфуза ҒУЛОМОВА,

Ўктам МИРЗАЁР

(масъул котиб),

Эргаш МУҲАММАД,

Абдураззоқ КАРИМ,

Саидмаҳмуд УСМОНОВ,

Азиз ҚАЮМОВ,

Оқилжон ҲУСАН

(бош муҳаррир ўринбосари).

Бош мусаввир

М. Абдуллаев.

Саҳифаловчи

Б. Тўхтабоев.

Мусаҳҳих

Ҳ. Абдиев

«Гулистон» — ежесечный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана.

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари — 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; мусаввирлар бўлими — 32-58-77.

Қашқадарё вилоятидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигида аҳолини фойдали меҳнат билан таъминлашга жиддий эътибор берилаяпти.

Суратда: хўжаликда яқинда фойдаланишга топширилган бадний пиша буюмлари ясайдиган корхонада иш жараёни.

Ш. Шарипов сурати  
(УзТАГ)



БУ СОНДА:

ЧУЛПОН:


— Мен новвой қиз эдим... Беш йилдан бери нон ёшиб, ўзим сотиб қари онамни боқар эдим... Бир кун... Бир кун...

У ёғини айта олмади. Нафаси оғзига тикилди, бўғилди, бадтар қалтиради. Сўнгра бирдан ёввойи бир «дод» чиқариб йиқилди.



Расулхон  
АБДУМАЖИТОВ:

Мамлакат иқтисодиётининг марказида тақчилликнинг турғун бўлиб қолиши, пул сиёсатининг кучайиши расмий иқтисодиётни ожизлантириб, махфий иқтисодиётни кучайтириб юборди.



Иўлдош ЭШБЕК:

Қатор-қатор норлар кетган, норлар кетган, Ситилишиб қаторлардан зўрлар кетган, Тоғдай буюк Туркистоннинг боши омон, Жангта кетган ўғлонларин кутар ҳамон.



# ЗАРМИШАНДА НИМА ГАП?

**Н**урота тизма тоғлари бошқа тоғларга ўхшамайди. Бу тоғда арча, дов-дарахт йўқ, ширланғоч. Бир қараганда шундай. Аммо... бу тоғнинг саховати, бутун бойлиги унинг остида...

V—VI асрларга оид Хитой солномаларида, X—XI аср араб ва эрон олимлари Абу Исҳоқ Истаҳрий ва Ҳамдуллоҳ Қазвин асарларида ҳам бу тоғ қўйнида олтин борлиги қайд этилган.

Бундан чорак аср муқаддам минг йиллар давомида сокинлик ҳукм сурган бу тоғ этаклари ларзага тушди. Шундан буён тоғ бағри нотинч бўлиб қолди: портлаш устига портлаш юз бераяпти... Қир ва адирлар оша Маржонбулоқдаги олтин саралаш фабрикаси томон юкчи машиналарнинг кети узилмайди. Тинч юртдан ҳаловат кетиб, барака учди.

Нурота тоғларининг бағри тилинган, ўнгирилган бегона харсанг ва тошлар уюлган, булоқларнинг кўзи, жилғаларнинг йўли тўсилган. Бир пайтлар минг дардга даво бўлган мусаффо ҳавода ва шаффоф сувда — оғу! Сўлим ва сокин қишлоқлар узра тош парчалари учади!

«Зармитандан олтин топилибди, энди бу ердан катта кон очилармиш», деган гап тарқалганида оёғини ёпса боши, бошини ёпса оёғини очилиб қолаётган ён-атрофдаги қишлоқлар аҳолиси нақадар суюнган эди. Дастлаб кон қурилиши муваффақиятли якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда олтин қазиб ишлари икки усулда олиб борилди бошланди. Биринчиси шахта усули бўлиб, бунда иш асосан ер остида амалга оширилади. Тўғри, бундай тартибда унум кам бўлади, кўп меҳнат сарфланади. Энг муҳими, бу йўсиндаги қазиб бехатар, безарардир. Табиатга, чор-атрофга озор етмайди, сув ва ҳаво заҳарланмайди, тоғ бағри ўйиб ташланмайди. Зармитанликлар маъдан қазиб олишнинг шу усулини маъқул кўришади. Чунки ишда юқори унум бўлмасда, лекин кўп йиллар (балки асрларга чўзилар) мобайнида ерли халқ иш билан таъминланишига кафолат бор. Келажақда фарзандлар, набиралар, ундан кейинги авлодлар ҳам бу ерда меҳнат қилиб, ризқ-рўзаларини топишсин, дейишади.

Лекин иккинчи усул, яъни қазибнинг очиқ усули ҳам қўлла-

нилаётгани кўпчиликни ажаблантираяпти. Гап шундаки, бундан беш-олти йил муқаддам Зармитанда тоғ бағрида мавжуд бўлган бойликларни тезроқ қазиб олиш ниятида «Қизилқум» ширкати тузилди. Ширкат аъзолари ҳеч кимдан сўрамай-нетмай бу ерда очиқ қазиб усулида иш бошлаб юборди.

«Қизилқум» ширкатининг фаолияти маҳаллий аҳоли учун сирли ва ажабланарли тарзда кечаёттир. Негаки, бу атрофда ишчи кучи, аниқроғи, ишсизлар ошиб-тошиб ётганига қарамай (Қўшрабод ноҳиясида 16 мингга яқин одам ишсиз) ширкат аъзолари сафида маҳаллий аҳолидан бирор киши йўқ. Ҳаммаси четдан, яъни Россиядан жалб қилинган.

«Ўзбек олтин» бирлашмаси директори Ҳасан Эгамбердиевнинг номзоди директорликка қўйилганида, — деб ҳикоя қилади коннинг ходимлар бўлими бошлиғи Абдуғафур Тиловов, — унга: «ширкат масаласига қандай қарайсиз?» деб савол берилган эди. «Агар мен директор бўлсам «Қизилқум» ширкатининг Зармитанда ишлашига йўл қўймайман, чунки бу ернинг шароитида ширкатнинг ишлашига ҳожат йўқ», деб жавоб берган эди ўшанда бўлғуси раҳбар. Амал курсиси ишғол қилинган:

— Ширкатчилар ишламаса жуда қийналиб қоламиз, озгина муддат ишлаб турсин, — деб тилёғламлиқ қилди.

10- ва 13-ҳавзалар ниҳоясига етказилгандан кейин бошқа ҳавза очилмайди, деб ваъда берганди у. Лекин бугунги кунда ўртоқ Эгамбердиевнинг шахсан ўзлари бош бўлиб, янги ҳавзаларни очиш тараддудида югуриб юрибдилар.

Коннинг бош мутахассиси Нуриддин Болиев ҳаммадан ҳам кўпроқ азият чекади. Чунки, у конларни режага олиш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича мутахассиси, муҳандиси сифатида бугунги кўр-кўрона, хўжасизликнинг хунук оқибати эрта-индин маҳаллий халқ зиммасига тушишини тушуниб турибди. Кейин кеч бўлишини ҳам англаб етган.

— Очиқ усулда қазиб олиш ҳаммамизни ғоятда ташвишлантираяпти, — дейди у. — Бу атрофдаги аҳоли асосан очиқ ҳавзалардан сув ичади. Портлатиш ишлари олиб борилганда меъёрдан кўп портлагув солинаяпти, чанг ва заҳар сув ҳавзаларини қоплайди. Бундай олиб қаралганда «жонкуяр»лар шу пайтгача учта саёз конни қазиб

олишди. Энди тўртинчисини ўзбошимчалик билан, бунинг устига лойиҳасиз қазибга киришишди. Биз мана шу коннинг очилмаслигини сўраб Самарқанд вилояти ижроия қўмитасига, вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитасига ва конларни назорат қилиш қўмитасига мурожаат қилдик. Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, очиқ усулда қазиб мумкин эмас, деб хат ёзиб қолдирди. Бироқ ширкат раҳбарлари ва бирлашмадагилар бу хатга парво ҳам қилишмади. Конларни назорат қилиш қўмитаси вакили эса, ҳадеб бораверишимиздан безор бўлиб, лойиҳа тайёр бўлгунга қадар ишни тўхтатди, холос.

Очиқ усулнинг яна бир ёмон томони, бу йўл билан олинганда пала-партиш иш юртилади, пастки қатламлардаги қимматли маъдан қолиб кетади.

«Қизилқум» раҳбарлари «Ўзбек олтин» бирлашмаси билан шартнома тузган. Фойда қандай тақсимланаяпти — бу ҳам сир. Эртаиндини ҳам ўйлаш керак. Давлатга олтин керак деб ҳамма бойликларимизни бугун қазиб тугатсак, бола-чақаларимизга, набираларимизга нимани мерос қилиб қолдирамиз? Ахир уларнинг ҳам насибалари ўзгаларга улашилмаяптими?!

**Х**ақ гап. Одамлар юртининг тақдирини, кишиларнинг келажагини ўйлаганлари учун ҳам мана шундай орани очиқ қилиб олишни исташади. Зеро, ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор. Аммо ширкат ва бирлашма раҳбарлари фақат бугунни ўйлашаяпти. Айниқса, «Қизилқум»нинг раҳбарлари тезроқ ва кўпроқ маъдан қазиб олишга шошилишаяпти. Уларни коннинг на келажаги, на атроф-муҳитнинг, на сувнинг заҳарланиши қизиқтиради. На ерлик аҳолининг тақдирини ташвишга солади. Ахир, улар эрта-индин қилғилиқни қилиб жуфтани ростлашади, қолганларнинг бошига қандай кун тушиши билан нима ишлари бор. Асосий мақсадлари — бу ердан қўйин-қўнжларини тўлдириб кетиш.

«Қизилқум» шайдоларининг Зармитандаги ғаламисларча фаолияти давом этмоқда. Портлатиш ишлари эса авжиди. Бунинг оқибатида кон яқинидаги уйлар дарз кетмоқда, баъзиларининг девор шиплари ёрилиб, яшаш хавфи бўлиб қолган. Ваҳоланки, худди шу ширкат

аъзоларининг, жумладан Пешков, Аксионов, Иглинов, Никулин, Бондаренко, Гаврилюк каби раҳбарларнинг Тошкент шаҳрида уй-жойлари, Бектемир қасабасида эса икки қаватли, пишиқ ғишдан қурилган, ҳашаматли дала ҳовлилари ҳам бор. Албатта бу дала ҳовлилар жойлашган қасаба тинч, сокин ва ҳар томонлама қулай. У ерда портлатиш ишлари олиб борилмайди! Суви ва ҳавоси ҳам тоза. Агар Бектемирдаги ва Зармитандаги уйларнинг ташқи кўринишини, жиҳозларини таққослайдиган бўлсангиз, табиий суратда оралиқда тенгсизлик борлигига амин бўласиз. Биров олтин конида яхши ишлаб, яхши топяпти, ер-мулк эгасига эса иш берилмай, ночор аҳволга солиб қўйилган. Уз юртида, бунинг устига бор бойлигини сув текинга бераётган халқнинг турмуш тарзини кўринг-у, вақтинча ишлаётган кишиларнинг шоҳона ҳаётини кўринг! Бундай тафовут ноҳуш ҳолларга, кўнгилсиз воқеаларга олиб келмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Кўз кўриб тургандан сўнг одамнинг нафсонияти оғрийди, ғурури, қадр-қиммати кўзғалиши ҳеч гапмас!

Нега? Бизнинг халқимиз яхши яшашни хоҳламайдими ёки абаду-абад итоат қилишга, «берсанг ейман — урсанг ўламан» деб қуллуқ қилиб тураверишга маҳкумми? Ёки жумҳуриятимиз мустамлакамми? Жумҳуриятимизда қачондир, кимдир ҳаммасининг ҳисоб-китобини қилиши керак-ку ахир! «Ўзбек олтин» бирлашмасидагилар эса «Қизилқум» маъдан қазиб олишда асосий куч эканлигини, бусиз топширик бажарилмаслигини, Маржонбулоқдаги олтин саралаш фабрикасига мўлжалдаги хомашё етказиб берилмаслигини рўқач қилмоқдалар. Қадимгилар «қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси» деган ҳикматли гапни айтишганда шунга ўхшаш ҳолларни назарда тутишган бўлса ажабмас. Чунки, олтин саралаш фабрикасига Зармитандан ўн баравар кўп маъдан олиб келинган тақдирда ҳам бунинг маҳаллий аҳолига сариқ чақачалик фойдаси йўқ.

Ширкатсиз план бажарилмаслиги рост. Масалан, ўтган йили Зармитан конидан бирнеча юз минг тонна маъдан қазиб олинганди. Шунинг асосий қисми «Қизилқум»нинг ҳисобига ёзилди. Бу йил эса қазиб олинган жами хомашёнинг ярмидан кўпи ширкат аъзоларининг чекига тушган. Бу

миқдор жуда катта ҳажмда иш олиб боришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам унинг раҳбарлари янги-янги конларни очишни режалаштирмоқдалар.

Туб аҳолининг манфаат ва мақсадларини, жумҳурият ҳуқуқини менсимаслик норозилик кайфиятини уйғотди. Зармитанликлар бу бедодликнинг олдини олиш, кутилаётган фалокатларга чек қўйиш учун турли идораларнинг темир эшигини қоқишяпти. Лекин ҳозирча уларнинг дардига малҳам берувчилар йўқ. Зармитан тақдирида катта рол ўйнаётган «Қизилқум» ширкатига нисбатан маҳаллий партия ва ҳукумат раҳбарлари қандай муносабатда бўлаётганлигини билиш мақсадида Қўшрабод ноҳия фирқа кўмитасининг биринчи котиби Яхшимурод Халилов билан учрашдик.

— Биз «Қизилқум» ширкатини кетсин деёлмаймиз, агар шундай дейдиган бўлсак, бу миллатчилик бўлади,— деди у. — Қолаверса, давлатимизга тилла керак. Экология масаласига келсак, бу билан мутахассислар шуғуллангани маъқул. Зармитан кони раҳбарлари шунақа вакилларни чақиришсин, ўзлари ҳал қилишсин...

Халқнинг дардига малҳам бўлишга, муаммоларни ечишга, мушкулни осон қилишга ҳаракат қилмаган раҳбар эътибордан четда қолиши муқаррар.

Райкомнинг биринчи котибига вазият жуда қалтислигини, одамларда норозилик кайфияти тобора кучайиб бораётганини тушунтиришга уриндик. Бироқ Я. Халилов ўзининг тинчини ўйлаб ва ҳар икки томонни ҳам қониқтирадиган бирор бир йўл топилар, деб ўтирибди.

Биз ўлкамизнинг бойликлари битмас-туганмас деб шу пайтгача ўзимизни юпатиб, алдаб келдик. Ҳатто шундай катта бойлигимиз бор деб ғурурланиб, фахрланиб ҳам юрдик. Улкан дастурхонимиздаги ноз-неъматларни ғоят ҳотамтойлик билан чор-атрофга улашяпмиз.

Хўш, жумҳуриятимиз ҳудудидан қазиб олинаётган олтинлар эвазига қаерда, нима барпо қилинди? Халқ-чи? У нималик бўлди? Ёки олтинимизнинг давлат томонидан қанчага баҳоланаётганини биламизми?

Хайрият, ошкоралик туфайли

баъзи «сир»лардан огоҳ бўлдик. Ҳар йили юртимиз заминидан миллиард сўмдан зиёд маъдан қазиб олиб кетиларкан. Хўш, шундай экан, ўлкамиз аҳлининг шу қадар бераҳмларча, «боқиманда» деб ҳақоратланишига асос борми?!

Бир пайтлар ҳукуматимизнинг собиқ раҳбарларидан бири журналистлар билан учрашганда Ўзбекистонга Марказий жумҳуриятлардан ҳатто тешиккулчага ташиб келтирилади, бу ерда ҳеч вақо йўқ, ҳаммангизни боқиб ўтирибмиз, деб очиқ айтган эди. Уша шахс В. П. Анишчев эди. Ҳатто жумҳуриятимиз манфаати, одамларнинг тақдири ҳақида ўйламай-нетмай маъмурий ҳисоб-китоблар ҳам чиқарилган. Кейинги тўрт йил ичида келтириладиган «қарздорлик» миқдорини кўрган киши ёқасини ушлаб қолади. Товба! Наҳотки, эртаю кеч меҳнатдан бош кўтармаган халқнинг эшитган «раҳмат»и шу бўлса?! Мисолларга мурожаат қилайлик: 1988 йилда — 1 миллиард 884 миллион, 1989 йилда эса 1 миллиард 962 миллион сўм Иттифоқ бюджетидан қарз берилган эмиш. Яна йилдан-йилга қарздорлик сиртмоғининг чуваланиб бораётганига нима дейсиз? Ё тавба! Инсофсизлик ҳам эви билан-да! Нима бу, судхўрликми? Ўзбекистон Иттифоқда ишлаб чиқариладиган пахтанинг 65 фоизини, пилланинг 59 фоизини, қоракўлнинг 38 фоизини, шоланинг 20 фоизини бериши ҳаммага аён-ку! Қолаверса, жумҳуриятимиз ҳар йили бошқа ўлкалардан 11 миллиард сўмлик маҳсулот сотиб олади, Ўзбекистонда чиқариладиган хомашёлардан эса 40 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланади. Биргина жумҳуриятимиз пахтадан тайёрланадиган маҳсулотлар туфайли давлат ҳисобига тушадиган оборот солиғи ҳар йили 12 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этади. Аслида шунинг учдан бир қисми Ўзбекистонники бўлиши лозим эди. Бироқ, жумҳурият молия вазирлигининг маълумотига қараганда, пахтадан тушадиган оборот солиғи 200 миллион сўмга етар экан. Хўш, бу рақамларни таҳлил қилиб, дўппини олиб қўйиб ўйлайдиган бўлсак, бўғзимизгача қарзга ботганлигимизнинг сабаби равшан бўлади. Гап шундаки, маҳсулотимиз қанча кўп бўлса, қадри шунча паст. Яъни давлат томонидан мажбурий белгиланган

нарх халқимизнинг косаси оқаришига имкон бермаяпти.

Кўпчилик, жумҳуриятимиз ҳудудидан ташқарига чиқариладиган маҳсулотларнинг 80 фоизини хомашё ташкил қилади, деб юқоридаги фикрга эътироз билдириши мумкин. Тўғри, аммо газ конларининг маҳсулотларини, ер ости кон маъданларини қайта ишлашга мослаштирилган кимё заводларимиз ҳам бор. Афсуски, Олмалик мис комбинати, Маржонбулок, Зарафшон олтин саралаш фабрикалари ва шунга ўхшаш қатор корхоналар жумҳуриятимиз бюджетидан ҳанузгача ўрин олган эмас.

**К**онларимиздаги бойликнинг ўзбошимчалик билан палапартиш қазиб олинаётганлиги ўта муҳим масаладир. Ана шу ишларни назорат қилувчи, қолаверса, жумҳуриятимиз олтинига масъул бўлган шахслар бу борада сезиларли бир иш қилмаётирлар. Баъзи нуфузли мансабдорларимиз Марказдан берилётган кўрсатмаларни кўр-кўрона бажаришга ўрганиб қолишган. Уларда ҳали ҳам она юртга меҳрмуҳаббат туйғусидан кўра лавозимдан ажралиб қолиш хавотири кучлироқ. «Ўзбек олтин»нинг собиқ директори Адолф Александрович Пешковнинг йўриғи-ку маълум эди. Чунки, у Ўзбекистонда умрбод қолишни ёки болалари ҳам шу ерда яшашини хаёлига ҳам келтирмаган бўлиши мумкин. У айни пайтда биз юқорида таърифини келтирган «Қизилқум» ширкатидан паноҳ топган. Ширкат раиси Сергей Бондаренко ҳам фақат бугунини ўйлайди. Эртага Ўзбекистонни сув босса ҳам тўпигача чиқмайди. Унинг учун жон куйдирадиганлар топилади. Улар фақат ер қаъридан маъданни сувдай симирсалар бўлгани. Аммо, «Ўзбек олтин»нинг ҳозирги директори Ҳасан Эгамбердиевнинг бу аҳволга муносабатини қандай изоҳлашни ҳам билмайсан киши. Яхшиси, шу суҳбат баёни билан танишиб ўзингиз хулоса чиқараверинг (Суҳбат магнит плёнкасига ёзиб олинган).

— Старателлардан («Қизилқум» ширкатчилари назарда тутиляпти) бошқа ҳеч ким бу ишни эпполмайди,— дейди у.

(Аслида старателлар ишчи кучи етишмайдиган, катта қувватни та-

лаб қиладиган, шунингдек, чекка ҳудудларда ишлаши керак).

— Биринчидан,— деб сўзидан давом этади Эгамбердиев,— маҳаллий аҳолини ўқитиш керак, уларнинг орасида техникани ишла-толадиган мутахассислар йўқ. Биласизми бу ерлик одамлар асосан чорва билан шуғулланишади, уйда ишлариям кўп. Очиғини айтсам, бу одамлар конга ишлаш учун эмас, балки озгина бўлса-да дам олиш учун боришади (Қаранг-а, ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога, ҳақорат ҳам эви билан-да, С. М.).

— Маҳаллий аҳоли старателлар даражасида ишломаслиги мумкин,— эътироз билдираман мен.— Старателлар юзни урганда булар ҳеч бўлмаганда 60-70ни урар. Аста-секинлик билан малакаси ошар, кейинчалик...

— Йўқ, бизга секинлик билан ишлаш бўлмайди. Мана шу конни (гап 14-кон ҳақида кетаяпти, С. М.) тезроқ очиб, Маржонбулоққа маъданни етказиб беришимиз керак.

— Аниқроғи, олтин саралаш фабрикасига!

— Ҳа, фабриканинг ишлаб чиқариш қувватини яқин йиллар ичида янада ошироқчимиз. Ўз-ўзидан маълумки, Зармитан конида ҳам маъдан ишлаб чиқариш бирмунча ортади. Бу ҳазилакам гап эмас, старателларсиз бунинг уддасидан чиқиб бўлмайди.

— Ҳасан Эргашевич! Сиз маҳаллий аҳолини ўқувсизликда, билимсизликда, ишқамасликда айбляпсиз. Кон очилган йили туғилган гўдак бугун балоғат ёшида. Наҳотки, шу муддат ичида уларни ўқитишнинг, малакасини оширишнинг иложи бўлмайди?


— Мен яқинда директор бўлдим. Бу ерлик одамларни ўқитиш, техника билан муомала қилишни ўргатиш анча вақтни талаб қилади. Илгари ҳам зармитанликлар старателлар кетсин, деб жанжал қилишганди. Шунда мен: «Майли унда ўзларинг ишланглар, ишлашни хоҳловчиларнинг рўйхатини тузиб беринглар», дегандим. Лекин, ҳеч қанақа рўйхат-пўйхат беришмади.

— Борди-ю, шундай рўйхатни тузиб беришса-чи?

— Қараб кўрамиз, кимнинг қанақа мутахассислиги бор. Бизга тўғри келадими, йўқми — аниқлаймиз... Зармитанликларга ўзи нима керак экан? Мустақиллик сўрашди — бердик, хўжалик ҳисоби-га ўтамиз, деди — ўтказдик. Энди бу жанжални бошлашбдими?..

Ана холос! Ишонганим сан бўлсанг, бошимни қайларга урай, деган экан бир мўмин.

Маъмурий-буйруқбозлик усуллари баъзи раҳбарларни темир одамларга айлантириб қўйди. Улар халқ дардини тушуна олмай қолдилар. Кейинги йилларда соғлом кучлар бошлаган адолатли юриш бундайларни ҳаётдан супуриб ташлаёттир. Жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги йўлида илк қадамлар ташланди. Шу замин одамларининг юпун турмуш тарзида оз бўлса-да, ўзгаришлар рўй бераёттир. Ажабмас, мустақилликнинг узоқ йўлида она юрт бағридаги маъданлар ҳам Ўзбекистон аҳлининг фаровон турмуши учун сарфланса.



Техника деҳқон мадақори. Суратларда: Тошкент трактор заводидаги иш жараёни; Моҳир темирчи Искандар Жўраев билан синовчи уста Жўрабек Ҳайитқулов иш устида.

Р. НУРИНБОЕВ суратлари

Саидзим МАРДИЕВ,  
журналист

# Уйингизни қандай қураяпсиз?

Бугунги кунда Ўзбекистон жумҳуриятининг қаерига борманг, шахсий уй-жой қурилиши қайнаётганининг гувоҳи бўласиз. Дарҳақиқат, жумҳурият партия ва ҳукуматининг шахсий уй-жой қурилиши учун ер ажратиб ҳақидаги қарори халқни ниҳоятда мамнун этди. Чунки 1 миллион 800 мингдан ортиқ хонадон уй-жой қуриш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ер майдонига муҳтож эди. Айниқса Фарғона, Андижон вилоятларида бир оила хўжалиги учун ажратилган ерда уч-тўрт, ҳатто ундан ҳам кўп оилалар яшаётгани маҳаллий раҳбарларга минг тавалло қилиб ҳам бир парча ер ололмаганликларини кўпчилик яхши билади. Юқоридаги ҳаётбахш қарор амалга ошгандан сўнг 260 мингдан ортиқ гектар ер меҳнаткашларга уй қуриш ва томорқа учун ажратиб берилди. Хуллас, кўнгилдагидек иш бўлди — ер олинди.

Лекин афсуски, одамлар ерни олиб энди нима қилишларини билолмаётганлар. Уй қураётган бирор киши билан суҳбатлашиб кўринг-а! Фигони кўкка чиқади. Ёғоч-тахта, цемент-ғиштни фалон пулга ҳам топиб бўлмайди. Шиферни айтмай қўя қолинг! Шундай шароитда ёнида ортиқча пули бор одам югуриб-елиб, минг хил йўللар билан бўлса ҳам қурилиш буюмлари топиб, уйини битказиб оларку-я, аммо жамғармаси йўқ оилаларга жуда қийин. Беш-олти йилдан бери чоғроққина уйини ҳам битказа олмаётган оилалар оз эмас. Давлатдан олган қарзига пойдеворни, нари борса деворни зўрға тиклаш мумкин.

Ана шундай бир оғир, ўнлаб муаммолар қийнаган оиланинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг: барча бола-чақаси билан эзилиб кетади. Жойлардаги ноҳия Шўроси хўжалик ва қишлоқ Шўроси раҳбарлари: «Ер бердик-ку, қолгани билан ишимиз йўқ!» дегандек қўл қовуштириб, томошабин бўлиб ўтиришибди. Бу жумлани ўқиб, эли учун ичи ачимайдиган раҳбарнинг: «Энди одамларнинг шахсий уйини қуриб беришимиз қолувди!» деб лаб буриши турган гап! Еки, бунга бизнинг иложимиз, имконимиз йўқ, деб осон қутулиш пайида бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Аслида эса сал изланиб бош қотирилса, анчагина имкониятлар бор. Мана, масалан, Фарғона, Андижон, Хоразм, Самарқанд каби вилоятларда ишсизлар сони кўплиги сир эмас, Хўш, нима

«Уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Яқин беш йил ичида 67 — 68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 миллиондан зиёдроқ кишининг уй-жой шароитини яхшилаш вазифаси қўйилди, бу эса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим барабар кўпдир».

(Ўзбекистон Компартияси XXII съезди материалларидан)

учун ана шу иш билан таъминланмаганлар орасидан шахсий уй-жой қурилишини бажарадиган бригадалар тузиш мумкин эмас?! Бундай бригадалар қишлоқ Шўроси, хўжаликлар қошида тузилса, улар зарур яроқлар билан таъминланса бўлади. Бинокорлик материаллари етишмаслигига барҳам бериш учун эса, хўжаликлар Сибирдаги ёғоч тайёрлайдиган ташкилотлар билан битимлар, шартномалар тузиб, ўз аҳолиси талабини қондириши мумкин. Бугунги кунда ана шундай иш тутаетган хўжаликлар бор. Эли учун жони ачиган, ташаббускор, тадбиркор раҳбарлар бу борада оилаларга катта ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Жумҳуриятимизда қурилаётган шахсий уй-жойларни кузатиб, яна бир муаммо устида ўйлашиб қолдим. Кўпчилик уйлар ҳаддан ташқари бир-бирига ўхшаш, кўчалардан юриб, зерикарли, фэйсиз манзарага дуч келасиз. Ваҳоланки, ҳар бир уй ўзига хос бир меъморчилик асари бўлиши мумкин эди-ку! Бир амаллаб бошпана қуриб олиш билан овора бўлаётган бечоралар эса, меъморчилик хусусида иморатлар ва кўчаларнинг ўзига хос манзараси, кўркамлиги ҳақида бош қотиришига имконлари, вақтлари йўқ. Жумҳурият меъморлар жамияти шахсий уй-жой биноларнинг лойиҳаларидан турли намуналар яратиш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг ўзига хос кўркам шаклда барпо бўлиши учун фаоллик, ташаббус кўрсатаётганлари йўқ. Одамларимизнинг меъморчилик диди, айтиш мумкинки, ҳали жуда юксак эмас. Дарвоқе, жумҳуриятимизда чоп этилаётган, меъморчиликка бағишланган журнал рус тилида босилгач, халқимизнинг бу борадаги диди қандай ҳам юксалсин?!

Вилоят, шаҳар меъморчилик бўлимлари ҳам амалда кўринарли бир иш қилмаяптилар. Оқибатда беўхшов уйлар, ноқулай кўчалар борган сари кўпаймоқда.

Ер, тупроқ — бебаҳо бойлик. Шахсий уй-жой учун ажратил-

ган майдондаги ердан ҳам унумли фойдаланиш, рўзгор учун зарур экинлар экиш керак. Бу халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан тобора ўсиб бораётган талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам жумҳурият партия ва ҳукумати қабул қилган қарорда шахсий уй-жой қуриш учун илгаригига қараганда кўпроқ майдон ажратиб кўзда тутилган. Аммо кўпчилик қурилаётган уй-жойларни кўриб, бебаҳо бойлик бўлган ердан унумли фойдаланмаётганидан — кўпроқ майдон экин экиш учун қолдирилмаётганидан афсусланасан. Ахир, Японияда тупроқли ер етишмаслигидан сув остида шаҳар бунёд этилаётди, тошлар устига экинлар экилаётди.

Бизда ер кўп-ку, деб тупроқли ерни асрамай, режасиз қурилиш қилаверамиз. Шундай оилалар борки, ўзларига ажратилган майдоннинг тўрт тарафини зарур-нозарур бинолару деворлар билан ўраб олишади. Оқибатда ҳовли-боғларига қуёш кам тушади — экинлар яхши ривожланмайди. Хонадонлар ўз ерларида ўзларини таъминлаши мумкин бўлган мева-чева, сабзавот маҳсулотларини бозордан сотиб олишга мажбур бўладилар. Кўп ҳолларда мол ҳам боқа олмайдилар.

Баъзи оилалар эса, ҳар бир қарич ерни ҳисобга олиб, иложи борича ундан унумли фойдаланишни кўзда тутиб уй-жой қурадилар, ўз уйларини фақат ўзлари учунгина эмас, балки жамоатчилик, шаҳар, қишлоқ учун қулай, шинам бўлишини, шу билан бирга атроф-муҳитнинг ҳуснига ҳусн қўшишни, гузару маҳалла-кўйнинг тозаллигини кўзлайдилар. Зотан, шарқ донишмандлиги, мусулмончилик маданияти ҳам шуни тақозо этади.

Биз шу пайтгача ўтмишимизга беписандлик билан қараш билан бирга тарихий уйларимизни ҳам назарга илмадик. Ваҳоланки, улар Шарқ билимдонлигига таяниб, узоқ йиллар синовидан ўтган тажрибалар маҳсули эди. Масалан, илгари ота-боболаримиз уйларни ички ва ташқи ҳовлили

қилиб қурганлар. Бундай ҳовлилар кўп болали хонадонларга, шарқона маданиятга суянадиган оилаларга жуда қулай бўлиши билан бирга тиббий, маънавий-ахлоқий, тозалик-поклик нуқтаи назаридан ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Келган меҳмон ташқи ҳовлидаги алоҳида меҳмонхонада кутиб олинган, унга иззат-икром кўрсатилган. Бу мезбон учунгина эмас, балки меҳмон учун ҳам қулай бўлган. У бола-чақа, аёл-эркак олдида қисиниб-қимтинмайди. Бундан ташқари, у турли жойларда бўлиб келгани учун усти-бошида ташиб келган, турли инс-жинсларни (микробларни) ҳали ташқи таъсирга қобилияти кучли бўлмаган болаларга юқтирмайди. Еки ўтмишда қурилган уйларнинг аксарияти (кўча томонга қурилганлари) олди айвонли бўлиб, кўча томонга дераза қўйилмаган, деразалар ўрнини турли чиройли шарқона тоқчалар, жавонлар, тахмон эгаллаган. Ертўлалардан ҳам унумли фойдаланилган.

Бу қисқа мақолада қадимги ўзбек уйларининг афзалликларини гўзаллиги, шинамлигини тўла таърифлаб ўтишим қийин. Лекин бугун меъморчилик ишлари билан шуғулланадиган масъул ўртоқлар бу масалаларни чуқур ўрганиб, халқимиз учун ажойиб намунали лойиҳалар яратиш берсалар, жуда эзгу ишга қўл урган бўлур эдилар. Баъзи вилоятлардаги уй-жой қурилишларини кузатганимизда ана шундай қадимий туркона уйлар ҳам барпо этаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Албатта, бу уйлар меъморчилик жиҳатидан мукамал ишланмаган. Шунинг учун ҳам уларга мутахассиснинг ёрдами жуда зарур.

Одамларимизнинг ранг-баранг табиатига, дидига маълум бир лойиҳаларни зўрлаб тикиштиришлар керак эмас. Балки уй-жойларимизнинг гўзал, шинам, қулай қилиб қуришга эришиш, шу билан гўзал юртимизнинг ҳуснига ҳусн қўшувчи лойиҳаларни халқ эътиборига ҳавола қилиш лозим. Чунки гўзал қишлоқ, гўзал шаҳар деган тушунчанинг бир бутунлигини шахсий уй-жойларнинг қандай қурилганлиги таъминлайди. Шундай экан, азиз замондош, уйларимизни шундай қурайликки, келажак авлодлар ҳам улардан фахрланиб, руҳу кайфиятлари кўтарилиб яшасинлар!

Туроб МАҚСУД



# Ўзбек халқининг шаклланиши

Ҳамид ЗИЕЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
фан арбоби, тарих фанлари доктори,  
профессор

**Б**амисоли бир дарахнинг шохлари ҳисобланган ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар асрлар мобайнида Урта Осиёдаги моддий-маданий бойликларни яратишда, маҳаллий элиталарга ва чет эллик босқинчиларга қарши курашда қўлни-қўлга бериб баҳамжиҳат ҳаракат қилдилар. Улар бир дарёдан сув ичиб, бир заминда яшаб келаётган ва бир-бирига оға-ини қони-қариндошдирлар. Афсуски шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида баён этилган халқларнинг ўтмиш тарихи чуқур ва атрофлича ўрганилмади. Бу соҳада қилинган илмий ишларни уммондан бир томчи деса бўлади. Айниқса ўлкадаги у ёки бу туб халқнинг шаклланишини ўрганишга етарли даражада эътибор қилинмай, ўқув дарсликлариде эса фақат юзаки маълумотлар берилди.

Авалло шуни айтиб ўтиш лозимки, Урта Осиёдаги халқларнинг шаклланиши бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлди. Бироқ бир халқнинг шаклланиш жараёнида ўзига хос хусусиятлари ва даврлари мавжуддир.

Ўзбек халқининг шаклланиш илдизлари ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шуни таъкидлаш лозимки, халқимиз фақат кейинги асрлардагина «ўзбек» деган ном билан атала бошланди. Бундан олдинги даврларда эса у турк номида юритилган. Шу боисдан туркий халқ деганда ҳозирги замон ўзбекларининг аجدодларини тушуномқо керак. Бундан икки ярим минг йиллар муқаддам Урта Осиёда Хоразм, Сўғд ва Бақтрия давлатлари мавжуд эди. Бу ерларда хоразмликлар, сўғдлар (Зарафшон ва Қашқадарё водийсида), чочликлар (Тошкент воҳасида), жарконликлар (Фарғона водийсида), маргианликлар (Марв воҳасида) ва бақтрияликлар (Амударёнинг ўнг қирғоғидан то Ҳисор чўққиларигача чўзилган жойларда) шу номдаги турли халқлар яшаганлар. Ўлканинг тоғ этаклари ва чўлларида эса, сакларнинг кўчманчи қабилалари истиқомат қилганлар.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, баён этилган халқлар эроний тиллар туркумига кирувчи тилларнинг бирида сўзлашганлар. Бироқ, Махмуд Қошғарий ва Алишер Навоийнинг кўрсатишича, Искандар Зулқарнайн бостириб кирган вақтларда (эраимиздан аввалги 329 йилда) Урта Осиёда туркий қабилалар мавжуд бўлган. Бу ҳақда кўпгина маълумотлар бор. Тарихдан маълумки, Хоразмнинг юзага келиши ҳам туркий аҳолининг фаолияти билан боғлиқ бўлган. Чунончи, қадимий подшоҳлардан бири айбдор 400 кишини кимсасиз жойга сургун қилибди. Анча вақтдан кейин эса чопарларни юбориб, сургун қилинганларнинг ҳолидан хабар олиб келишни буюрибди. Чопарлар қайтиб келиб подшоҳга сургундагилар чайлалар қуриб, балиқчилик билан шуғулланаётганликларини ҳамда у ерда ўтин жуда кўплиги ҳақида маълумот берибдилар. Шунда подшоҳ у

ерда гўшт ва ўтинни қайси сўз билан айтилишини сўраганда чопарлар гўштни, «хор» ёки «ёвор», ўтинни эса «рази» дейилишини айтишибди. Шунда подшоҳ у жойни сургун қилинганларга бериб, уни Хоразм деб аташ ҳамда 400 турк аёлини юбориш ҳақида фармон берибди. Шулардан Хоразм халқи юзага келган эмиш.

I—IV асрларда Хоразм ва Сўғддан Индагача ва Помирдан Парфиягача чўзилган катта ҳудудда Кушон давлати ҳукмронлик қилди. IV асрнинг охирида бу катта давлат «оқ хунлар» номидаги туркий қабилалар томонидан тормор этилди.

Шундан кейин Урта Осиёда эфталитлар давлати (V—VI асрлар) ҳукм сурди. Айрим олимлар эфталитларни туркий тилли дейишса, бошқалари эроний тилда сўзловчи аҳоли деб қайд қиладилар. Урта Осиёда туркий аҳоли айниқса эфталитлардан кейин ҳокимиятни бошқарган турк ҳоконлиги даврида (VI—VII асрларда) кўпайиб кетди. Бу давлат аслида Олтойда ташкил топган бўлиб, Қуриядан то Қора денгиз бўйларигача чўзилган жойларни ўзига бўйсундирган. Унинг аскарлари Урта Осиёни ва Эрон чегараларигача бўлган вилоятларни эгаллаган. Турк ҳоконлиги Хитойни ҳам ўз вассалига айлантириб, уни ҳар йили катта ўлпон тўлаб туришга мажбур қилган. Ундан Ироқ ва Византия сингари қудратли мамлакатлар доимо чўчиб турган. Бу даврда турк тили давлат тили ҳисобланиб, ўша вақтда туркий тилда ёзилган тарихий, қимматбаҳо ёдгорликлар ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳоконлик даврида эроний тилидаги туб аҳолининг турклашиши кучайиши ва кўплаб туркий қабилаларнинг ўлкага кўчиб келиши кўзга ташланди. Масалан, VI асрнинг охирида улар оммавий равишда Бухоро воҳасига ўрнашдилар. VII асрда туркий қабилалар Тошкент, Бухоро ва Самарқанд ораллиғидаги жойларга, Тоҳаристон ва Хуросонга мустақил ўрнашган. Ҳатто турк-сўғд Иттифоқи юзага келиб, сўғдлар билан туркий аҳоли бир-бирларига қиз бериб, қон-қариндошчилик қила бошлашган. Сўғднинг юқори табақа вакиллари туркий исмларни ва унвонларни қабул қилдилар. Уларни шундан сўнг турклар давлат ишларига жалб қила бошладилар. Туркий ҳукмрон доиралари сўғд савдогарларининг фаолияти учун ўзларининг бепоён ерларида зарур шароит туғдириб катта даромад олдилар. Чунончи сўғдликлар Шарқий Туркистон, Хитой, Византия, Мўғулистон, Сибир ва бошқа жойларда бўладиган савдо-сотик ишларида асосий воситачи бўлдилар. Бир қатор мамлакатларда туркийларнинг мустамлакалари пайдо бўлди. Бу давр феодализмнинг ўсиши ва йирик давлатнинг юзага келишига, турли вилоятларнинг ўзаро алоқалари ривожланишига олиб келди.

VII асрнинг охирида VIII асрнинг биринчи чорағида Урта Осиёда яшовчи туркий ва

эрон тилларида сўзлашувчи аҳоли бир тан ва бир жон бўлиб араб халифалиги босқинчилигига қарши қаҳрамонона курашди. Бироқ қаттиқ қаршиликларга қарамасдан халифалик ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди. У маҳаллий маданият ва ёзувларни йўқ қилиб, араб тилини давлат тилига айлантирди. Шунингдек одамларни ислом динига мажбуран киритди. Минглаб араблар ўлканинг турли жойларига ўрнаштирилди. Босқинчилар мамлакат бойликларининг эгаси бўлиб қолдилар. Халифалик ҳукмронлигига қарши маҳаллий аҳоли бир неча бор кўзғолон кўтарди. Масалан, улардан бири Муқанна бошчилигидаги кўзғолондир. Юрт озодлиги учун араб халифалигига қарши курашда туркий аҳоли салмоқли ўрин эгаллади.

Гарчанд халифаликнинг Урта Осиёни босиб олиши ва ҳукмронлиги катта зиён келтирган бўлса-да, лекин пировардида у турли халқ ва қабилаларнинг жипслигини мустаҳкамлаб иқтисодий ва маданий алоқаларини янада ривожлантирди. Урта Осиёнинг ташқи дунё билан алоқаси анча ўсиб, у жаҳон фани доирасига тортилди. Оташпарастлик ва бошқа турли динларга нисбатан илғор ва тақомиллашган ислом динининг жорий этилиши эса, аҳолининг маънавий ҳаётини бойитди ҳамда турмуш тарзининг умумийлигини таъминлади. Шунингдек, феодализмнинг янада ривож топишини ва туркий аҳолининг халқ сифатида шаклланиш жараёнини тезлаштирди.

Маҳаллий халқларнинг узоқ ва қаттиқ курашларидан кейин 900 йилда араб халифалигининг ҳукмронлиги тугатилиб, мустақил Сомонийлар давлати барпо этилди. Бу давлатнинг асосчиси Сомонийнинг балхлик бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Сомоний қайси халқ фарзанди бўлишгидан қатъи назар, у барпо этган давлат бутун вужуди билан Урта Осиёда ташкил топган туб халқларнинг умумий давлати ҳисобланган. Унинг пойтахти Бухоро шаҳри бўлган.

Сомонийлар давлати X асрнинг охиригача яшади. Бу вақтларда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо соҳаларида катта ютуқларга эришилди. Маданият ва санъат ўсди.

**Т**арихий ҳужжатларга кўра, турк қўшинлари Сомонийлар давлатининг ҳарбий-сиёсий таянчи ҳисобланган. Турк лашкарбошилари подшоҳларни ўз таъсири доирасида ушлаб турганлар. Ҳатто улар итоат этишдан бош тортган айрим подшоҳларни қатл қилишгача борганлар. Масалан, Наср I (914—943) турк қўшинига яхши муносабатда бўлмаганлиги учун овда ўлдирилган. Подшоҳ саройидаги олий мансабларга кишиларни тайинлаш турк лашкарбошиларининг розилигисиз амалга оширилмаган. Кўпгина вилоятларнинг ҳокимлигига туркий ҳукмдор доираларининг вакиллари тайинланган эди. Айрим давр-



ларда эса туркий лашкарбошилар амалда сиёсий ҳокимиятни тўла ўз қўлларига олган эдилар. Масалан, Абд ал-Малик I (954—961) подшоҳлиги вақтида шундай ҳолат юз берган.

Сомонийлар давлати вақтида туркий аҳоли икки гуруҳга бўлинган эди. Биринчиси шаҳар ва қишлоқлардаги ўтроқ туркийлар бўлса, иккинчиси тоғ бағри ва чўлларда истиқомат қилувчи ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий қабилалардир. Бу икки тоифадаги туркий қабиаларнинг аксарияти вақт ўтган сари ўзаро аралашиб борган бўлса-да, лекин ўтроқ ноҳиялардаги эроний тилдаги аҳоли билан бирлашмади. Улар «соф» ҳолда ўтроқ туркий аҳолининг атрофига жипслашди. Хуллас, IX—X асрларда юзага келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда эроний тилдаги аҳолининг бир қисмининг турклашуви, ўлкада қадимдан истиқомат қилиб келган туркий аҳоли ва бошқа жойлардаги кўчиб келган туркий қабиаларнинг тобора кучайиши Урта Осиёда катта туркий қатламни юзага келтирди ва туркий аҳоли мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида асосий салмоқли ўринни эгаллади.

Натижада IX—X асрларда туркий аҳоли халқ сифатида тўла шаклланди. Бу халқ кейинчалик ўзбек номи билан атала боладди. Шуниси диққатга сазоворки, эрамыздан аввалги даврларданок Урта Осиёда маълум бўлган туркий тил вақт ўтиши билан кенг кўламда ривож топиб борди. X асрга келиб Шарқий эрон тиллари, шу жумладан, сўғд тили аввало шаҳарларда, кейинчалик қишлоқларда йўқолиб борди. Пировадиди улар шу ҳудуддаги ерларда «ўлик» тилга айландилар. Уларни IX—X асрлар давомида форс (дари) тили сиқиб чиқарган эди. Форс (дари) тилдаги аҳоли тожиклар номи билан бир халқни ташкил қилди. Академик Б. Ғофуровнинг кўрсатишича, форс (дари) тили асосида XVI асрнинг бошларида адабий тожик тили ўзига хос хусусиятлари билан шаклланди. Форс (дари) тилини Урта Осиёда тарқалиш сабаблари ҳали яхши ўрганилмаган. Бизнинг фикримизча, сўғд аҳолисининг бир қисми туркий аҳолига аралашиб кетди. Қолган қисми тожикларнинг аждоқларини ташкил этди. Бундан ташқари кўплад сўғдликлар ўз ватанларини ташлаб, хорижий мамлакатларга бориб, ўз турар жойларини ташкил қилдилар. Айни бир пайтда сўғдларнинг маълум қисми Фарғона водийсига кўчиб кетдилар. Чет эл боқинчиларининг ҳужумлари ва ўзаро урушларда кўпдан кўп сўғдликлар ҳалок бўлдилар. Баён этилган ҳолатлар сўғд аҳолисининг тарқаб кетишига ва камайишига олиб келиб, пировадиди сўғд тили заминини парчалади.

Араб кўшинлари орасида ислом динидаги хуросонликлар кўп эдилар. Булар Урта Осиёда ўрнашиб, форс тилини ва ислом динини тарқатишга қатнашдилар. Форс тили ислом динини ташвиқ қилишда муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳудудда форс тилининг тарқалишига бошқа сабаблар ҳам бор. Маълумки, Урта Осиё, Афғонистон, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни олиб борганлар. Шунингдек, уларнинг битта давлат таркибига кирган вақтлари ҳам бўлган. Бундай даврларда форс (дари) тили воситачилик ролини ўйнаган. Бошқа халқлар билан алоқа воситаси тили бўлганлиги учун Урта Осиёда сарой аҳллари, савдо-ҳунарманд доиралари ҳамда маданият вакиллари форс тилини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳолат X асрда Сомонийлар давлати давридаёқ кўзга ташланган эди. Кейинчалик форс (дари) тили Урта Осиёдаги қадимий Шарқий эроний тилни сиқиб чиқариб, бу тилда сўзловчи аҳолининг, хусусан сўғдлардан бир қисмининг ҳам она тилига айланди. Уз навбатида туркий тил ҳам эрамызнинг биринчи минг йиллигида Шарқий эроний тилида сўзлашувчи сўғдларнинг бир бўлагини қамраб, уни турклаштирди. Туркий тил кейинги асрларда кенг кўламда кучайиб борди. Бунда йирик туркий давлатларнинг юзага келиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунончи X асрнинг охирида Сомонийлар давлати ағдарилиб, икки йирик туркий давлат ташкил топди. Унинг бири Қорахонийлар давлати ҳисобланиб, унга Қашқардан Амударёгача чўзилган бепоён ерлар, шу жумладан Бухоро, Самарқанд, Тош-

кент, Еттисув, Фарғона водийси ва бошқа атроф жойлар кирган. Иккинчиси Ғазнавийлар давлати бўлиб, унинг чегараси Шимолий Ҳиндистондан то Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган. Унинг ихтиёрига Афғонистон ва Шимолий-шарқий Эрон ҳам кирган. Шундан кейин Ғазнавийлар давлати ағдарилиб, ўрнида туркий салжуқийлар давлати майдонга келди ва унга Хоразм ҳам бўйсундирилди. Шунингдек, салжуқийлар Ироқ Ақласида, Озарбойжон, Курдистон, Кўхистон ва Бағдодда ҳам ҳукмронлик қилди. Кейин мустақил Хоразмшоҳ давлати барпо этилди. Ана шу тарихий-жуғрофий сабабларга кўра, туркий аҳолининг ва туркий тилнинг мавқеи беқиёс кўтарилди. Бу жараённинг гувоҳи бўлган машҳур тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ўз асарининг сўз бошисига шундай ёзган эди: «Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкга эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни қолиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳолатидан қутулди. Уларнинг (туркларнинг) ўқларидан сақланмоқ учун энг асосий йўл — уларнинг тилларида сўзлашишдир. Чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, турк тилини билувчиларга зарар бермайдилар. Ҳатто ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар. Ишончли бир бухоролик ва нисабурлик бошқа бир ишончли одамдан шундай эшитган эдим, улар бу сўзни пайғамбарга нисбат бериб айтган эдилар: пайғамбар қиёматнинг белгилари, охир замон фитналари ўғиз туркларининг хуржи ҳақида гапирганда, шундай деган эди: турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг ҳукмронлиги узоқ давом этади. Ҳадиснинг тўғри ёки тўғри эмаслигининг жавоблариди...

...тўлган. Барвақт етимлик, муҳтожлик Саид-аҳмадни ҳаёт дорилфунунидан эрта сабоқ олишга мажбур этди. Туркилик ташвиши уни деҳқончилик, соатсозлик, тикув машиналарини созлаш, тикувчи ва тўқувчиликка ундади. Лекин у қайси касб билан шугулланмасин, барчасида камолга эришди. Имкон топганида ўқиди. Янгатаси қўлида хат-савдини чиқариб, Самарқанду Бухоро мадрасаларида таҳсил олди. Арабу форс, озару ўристон тили, мусиқа санъати билан ҳам олаб Шарқ шеърияти машқ қилди. Ҳавас сининг етук, билим-бўлиб элга танилди. 18-19-асрнинг буюк адаб-этироф этилиши — бу унинг маърифатидир. 19-асрда Сиддиқий ота-бонни сотиб, Мақдуний йил мобайнида иди. Жадад шаҳри-бур мударат тил-Россиянинг мар-Ниҳоят Тифлис-ар жади-инқил-лизода ва Али-йилан танишади. унеқарашининг-лади. Миллат, и учун кураш-туни деб белги-

1901 йилда мақдуний мактаби ташкил этилди. Бу мактабда турли тиллар ва турли нарсалар аниқланади. Бу мактабда ўқитилган нарсалар ёзи, Толстойнинг «Училмас» масалласини ўзбек тилига аниқ қилди, шулар билан 1914 йилда бу мактабнинг «Забт» кутубхонаси ташкил

кишилар гарданига. Агар тўғри бўлса, туркий тилни ўрганиш вожиб (зарур)дир. Ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда уни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади» («Девони луғатит турк», 43-44 бетлар).

Дарҳақиқат, мўғуллар ҳукмронлиги даврини ҳисобга олмаганда, XI асрдан то XIX асрнинг 70 йилларигача, яъни салкам минг йилга яқин давр давомида ҳокимият туркий юқори табақасининг қўлида бўлган. Эрамызнинг биринчи минг йиллигида ҳам туркий давлатларнинг мавжудлигини назарга олинса, туркий халқларнинг тарихи ҳисобга янада ошади. Кўп асрлар давомида туркий тил қадимий шарқий Эроний ва кейинчалик форс (дари) тилларига сингиб кетмай, аксинча вақтларнинг ўтиши билан шунчалик ривожланиб борди.

Туркий тил айниқса Темурийлар давлати вақтида юқори поғонага кўтарилди. Бунда буюк бобомиз Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс каттадир. XVI асрнинг бошларида бир вақтлар Волга дарёси бўйида ташкил топган Олтин Ўрда давлатидаги Шайбонийхон бошчилигида ўзбек кўчманчи қабиалари Темурийлар давлатини тор-мор қилиб Урта Осиёда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Шундан кейин XVI асрдан то XIX асрнинг 70 йилларигача Бухоро, Хева ва Қўқон сингари учта ўзбек хонликлари ҳукм сурди. Бу вақтларга келиб туб туркий аҳоли унча кўп бўлмаган ўзбек қабиаларини «ютиб» юбориб, улардан ўзбек номини олдилар. Шу равишда минг йиллар давомида Урта Осиёда истиқомат қилиб келаётган туркий аҳоли пировадиди ўзбеклар деб аталадиган бўлди.


Хулоса шуки, ўзбек халқи IX—X асрларда халқ сифатида шаклланди. Кейинги асрларда унинг таркиби турли кўчманчи ва ярим ўтроқ қабиалар ҳисобига бойиб ва мустақамланиб борди. Ўзбек халқининг шаклланиши ва ривожланиши тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва қорақалпоқ сингари қони-қариндошдай халқлар билан эълон қилади. Ҳар икки достон ҳам ўткир ижтимоий масалаларга қаратилган эди. Биринди оқиб руҳ — Бухоронинг икки марҳум амири самодан тушиб, юртни вайрон, фуқарони хору муҳтож қилганларидан сўзласалар, «Миръоти ибрат»да шоир ўша вайрона юртга нисбат ўлароқ, ҳаёлий бир мамлакат манзараларини чизади. Илму фани, фазлу адаби устивор ўлган орзудаги Самарқандни тасвир этади. Самарқанд мисолида эса заҳматкаш Туркистонни назарда тутати. Шу юртнинг бир содиқ фарзанди ўлароқ элу улусининг равнақини ўйлаб куюнади, ададсиз изтиробларни яширмайди.

*На раҳматга қалбимиз муносиб,  
На жаннатга руҳимиз муносиб.  
Аммо ила либосга мағрур,  
Бу тийнату сиврат ила масрур.  
Қофи биза бўйла шакл марғуб,  
Исон орасида бизда маҳсуб!*

Шоир бу аҳволдан қутулиш чораларини излайди ва ягона чора маърифатда, деган хулосага келади. Чунки юртнинг шу ҳолга келишига боис истиқболдод зулмидан эзилган халқнинг жаҳолатга маҳкум этилгани эди. Бироқ шоир маърифатни фақат илму фанни эгаллашдан иборат деб билмайди. Ҳаммаслақ замондошларидан бир қадар илгарилаб, Сиддиқий илму фан орқали сиёсий, ҳуқуқий маслақлар учун курашиш ғоясини олға суради. Илм билан бирга илм орқали «давлат»ни, «лисон»ни ва «зақун»ни эгаллаш, қўлга киритишни тарғиб этади. Истиқболни фақат ана шу «мақсуд»ларнинг амалиётида кўради.

*Нуқсонни жаҳолат этдим ишю,  
Мақсуди бунинг-ла этдим ишю.  
Дўрд иш бана бундан эрди мақсуд,  
Бундан йла халқа бахти масъуд.  
Илм ила олмоқ ва фунунни,  
Давлатни, лисонни ва зақунни,  
Ҳар қавм булардан йлди маҳрум,  
Истиқболи ҳолидан йлар шум.*

Бу шоирнинг ўзи айтмоқчи нафақат насиҳати, балки навбатдаги авлодларга васияти





Мирпўлат МИРЗАЕВ

Илгаридан билардим уни —  
Бирам қувнок, бирам шўх эди.  
Тан олмасди ғамни, қайғуни,  
Бахтли эди, дарди йўқ эди.  
Қай бир куни дуч келиб унга,  
Қотиб қолдим фаромуш ва лол;  
Ишонмадим кўзимга сира —  
Турар эди дилхун, хастаҳол.  
Во ажаб, тарк этибди қачон  
Уни завқли суруру ғайрат?  
Кўзларида ахир бир замон

Пролетариатдайдир томчи деса бўлади.  
Айниқса ўлкадаги у ёки бу туб халқнинг  
шаклланишини ўрганишга етарли даражада  
этибор қилинмай, ўқув дарсликлариде эса  
фақат юзаки маълумотлар берилди.

Авалло шунини айтиб ўтиш лозимки, Урта  
Осиёдаги халқларнинг шаклланиши бир-бирига  
чамбарчас боғлиқ ҳолда содир бўлди. Бироқ  
бир халқнинг шаклланиш жараёнида ўзига хос  
хусусиятлари ва даврлари мавжуддир.

Ўзбек халқининг шаклланиш илдиэлари ҳам  
узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шунини таъкид-  
лаш лозимки, халқимиз фақат кейинги асрлар-  
дагина «ўзбек» деган ном билан атала бошлан-  
ди. Бундан олдинги даврларда эса у турк  
номида юритилган. Шу боисдан туркий халқ  
деганда ҳозирги замон ўзбекларининг аجدод-  
ларини тушунмоқ керак. Бундан икки ярим  
минг йиллар муқаддам Урта Осиёда Хоразм,  
Сўғд ва Бактрия давлатлари мавжуд эди.  
Бу ерларда хоразмликлар, сўғдлар (Зарафшон  
ва Қашқадарё водийсида), чочликлар (Тошкент  
воҳасида), жарконликлар (Фарғона водийси-  
да), маргианликлар (Марв воҳасида) ва бак-  
трияликлар (Амударёнинг ўнг қирғоғидан то  
Ҳисор чўққиларигача чўзилган жойларда) шу  
номдаги турли халқлар яшаганлар. Ўлканинг  
тоғ этаклари ва чўллариде эса, сакларнинг  
кўчманчи қабилалари истиқомат қилганлар.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, баён этил-  
ган халқлар эроний тиллар туркумига кирувчи  
тилларнинг бириде сўзлашганлар. Бироқ, Мах-  
муд Қошғарий ва Алишер Навоийнинг кўр-  
сатишича, Искандар Зулқарнайн бостириб  
кирган вақтларда (эрамиздан аввалги 329 йил-  
да) Урта Осиёда туркий қабилалар мавжуд  
бўлган. Бу ҳақда кўпгина маълумотлар бор.  
Тарихдан маълумки, Хоразмнинг юзага келиши  
ҳам туркий аҳолининг фаолияти билан боғлиқ  
бўлган. Чунончи, қадимий подшоҳлардан бири  
айбдор 400 кишини кимсасиз жойга сургун  
қилибди. Анча вақтдан кейин эса чопарларни

Йиғштириб кўнгил малолин:  
— Нетай, бўлиб чиқди ёсуман —  
Танлаганим — жуфти ҳалолим.  
Яғмо экан турмушнинг таги,  
Лекин барин қилар эдим даф, —

# Бахтсиз

Бормасайди у эртақдаги  
Қаноатсиз кампирга ўхшаб.  
Тўйдан кейин —  
Иил ўтган сайин  
Чиқарди у бир-бир қилигин.  
Тушмасдим мен бу ҳолга тайин,  
Бўлсайди гар «тилла балигим».  
Нимадандир ҳар кун таъб хира,  
Рўзғор учун ҳар кун недир кам.  
Тушунмасди у мени сира,  
Тушунмоқни истамасди ҳам.  
Мол-дунёга кўчиб хаёли,  
Гоҳ бошларди баҳслар бетутрук.  
Мен ким эдим — оддий зиёли,  
Номи улур, супраси қурук...  
Изтироблар чекиб жимгина  
Қоврилардим узун тунлари.  
Бу ғурбатнинг изғиринида  
Қийралди, оҳ, бағрим гуллари.  
Унутсак-да дил тафтин буткул,  
Ғойибдан бахт кутдик, кўзлар  
тўрт.  
Иккимиз ҳам тундлашиб нуқул,  
Бўлиб қолдик асабий ва мўрт.  
Сездим — ҳаёт тушмагай изга,  
Уринишлар беҳуда фақат.  
Ахир бизлар бир-биримизга

Шундан кимнинг олтикча тоқат.

давлати (V—VI асрлар) ҳукм сурди. Айрим  
олимлар эфталитларни туркий тилли дейишса,  
бошқалари эроний тилда сўзловчи аҳоли деб  
қайд қиладилар. Урта Осиёда туркий аҳоли  
айниқса эфталитлардан кейин ҳокимиятни  
бошқарган турк ҳоқонлиги даврида (VI—VII  
асрларда) кўпайиб кетди. Бу давлат аслида  
Олтойда ташкил топган бўлиб, Қуриядан то  
Қора денгиз бўйларигача чўзилган жойларни  
ўзига бўйсундирган. Унинг аскарлари Урта  
Осиёни ва Эрон чегараларигача бўлган вилоят-  
ларни эгаллаган. Турк ҳоқонлиги Хитойни ҳам  
ўз вассалига айлантириб, уни ҳар йили катта  
ўлпон тўлаб туришга мажбур қилган. Ундан  
Ироқ ва Византия сингари қудратли мамла-  
катлар доимо чўчиб турган. Бу даврда турк  
тили давлат тили ҳисобланиб, ўша вақтда  
туркий тилда ёзилган тарихий, қимматбаҳо  
ёдгорликлар ҳозиргача сақланиб қолган. Хо-  
қонлик даврида эроний тилидаги туб аҳолининг  
турклашиши кучайиши ва кўплаб туркий қабил-  
ларнинг ўлкага кўчиб келиши кўзга ташлан-  
ди. Масалан, VI асрнинг охирида улар ом-  
мавий равишда Бухоро воҳасига ўрнашдилар.  
VII асрда туркий қабилалар Тошкент, Бухоро  
ва Самарқанд ораллиғидаги жойларга, Тоҳарис-  
тон ва Хуросонга мустақил ўрнашган. Ҳатто  
турк-сўғд Иттифоқи юзага келиб, сўғдлар билан  
туркий аҳоли бир-бирларига қиз бериб, қон-  
қариндошлик қила бошлашган. Сўғднинг  
юқори табақа вакиллари туркий исмларни ва  
унвонларни қабул қилдилар. Уларни шундан  
сўнг турклар давлат ишларига жалб қила  
бошладилар. Туркий ҳукмрон доиралари сўғд  
савдогарларининг фаолияти учун ўзларининг  
бепоён ерларида зарур шароит туғдириб кат-  
та даромад олдилар. Чунончи сўғдликлар  
Шарқий Туркистон, Хитой, Византия, Мўғулис-  
тон, Сибир ва бошқа жойларда бўладиган  
савдо-сотиқ ишларида асосий воситачи бўлди-  
лар. Бир қатор мамлакатларда туркийларнинг  
мустамлакалари пайдо бўлди. Бу давр феодал

Камгап ўғилча  
Тушларимга кирганда доғли  
Ва тонларда бир хўрлик мубҳам  
Уйғотганда кўксимда оғрик,

Наъра тортиб банди арслондек  
Тўксам дердим кўнглим дардини;  
Елғизликдан қочмоқ бўлардим  
Узиб «хурлик занжирларини».  
Лекин ёдга тушиб шу замон  
Ёсуманнинг турқи-авзойи —  
Мен қийноқлар чекардим ёмон  
Ва бор шаҳдим кетарди зое.  
Остонамга яқин боролмай,  
Узоқлардан йўлни бурардим.  
Ўз ғўшамдан кўзим узолмай,  
Паналарда тентиб юрардим.  
Нетай, шундоқ бахтсиз одамман,  
Ўтар умрим шундоқ сазойи!  
Гоҳ мен нажот тилаб худодан,  
Дейман: «Йўқми ортиқ

жазойинг?!»

О, маҳкумман ғаддор оташга,  
Ботиб борар қисмат отган ўқ.  
Ўзгалардек масъуд яшашга,  
Рўшноликка наҳот ҳаққим йўқ?!  
Наҳот менинг ризқим эрур ғам,  
Наҳот менга энди ёт сафо?  
О, шу лаҳза қалбим тубидан  
Янграр шундоқ устивор садо:  
— Энди сенга бахт кулиб боқмас,  
Энди уни излагайсан зор.  
Ҳаловатни қўмсамагин, бас,  
Меҳрга ҳам бўлма умидвор.  
Тақдир сенга бир пайтлар, эсла,  
Лутф қилган эди чин толе.  
Билсанг, энди тутмишдир ўша,  
Севги тўла кўзлар уволи.  
О, у кўзлар — охуваш кўзлар  
Елғиз сендан кутарди каманд.  
Ва лекин сен ўзгани кўзлаб,  
Боқдинг унга ҳаргиз беписанд.

Асил бахтинг эди у, афсус,  
Ишқи эди ниҳон, хокисор.  
Юрарди-ю ўйчан ва маъюз,  
Қилар эди сен-ла ифтихор.  
Меҳри унинг шунчалар теран —  
Қисматингда дуч келсанг ғамга,  
У энг қашшоқ кунларингни ҳам  
Менгзай олар эди байрамга.  
Сен худбинсан, тан ол —

тамангни

Ўз севгингдан билдинг азизроқ.  
Бахт калити қилдинг режангни,  
Бахтли бўла олмадинг бироқ.  
Қочиб бўлмас қисмат қаҳридан,  
Сен ғурбатда ютадирсан қон.  
Бу дунёда, билсанг, баридан  
Илк муҳаббат уволи ёмон...

Дўстим енгил тортиди — бўшатди  
Ҳасрат тўлиб кетган кўнглини.  
Таскин бердим — алҳол юпатдим  
Тоқат билан тинглаб мен уни.  
Ташқарига чиқдик бир маҳал,  
Тинган эди эзгин ёмғир ҳам  
Ва тунд фалак саҳнига сайқал  
Берар эди юлдузлар бу дам.  
Мен бир ўкинч туйдим шу кезде:  
«Ҳаёт бунча ношуд, нобакор!  
Ўралашиб ўз бахтимизга,  
Ўйламаймиз — бахтсизлар ҳам

бор.

Ташвишларга боғланиб баттар,  
Ўзимиздан ортмаймиз минбаъд.  
Бизга ҳаргиз эриш туюлар  
Кимларнингдир қаддин буккан  
дард...»

# одам

Хайрлашдик.

Синиқ жилмайди:

«Бошингни ҳам қотирдим роса...»  
«Дўстим, бундоқ яшаб бўлмайди,  
Қайтиб боргин — қилгин мураса.  
Фарзанд меҳри барибир қўймас,  
У ҳам зора — қадринг англаса!...»

Бир дақиқа турди-да бесас,  
Тун қўйнига кириб кетди у.

У кетаркан, дарди дафъатан  
Юрагимга санчилди менинг.  
Кўп ўйладим — нимада экан  
Сири унинг бахтсизлигининг?..  
У ўзига гуноҳлар тақиб,  
Ношудликда айблаши бот-бот;  
Турмушидан куйиб-тутақиб,  
Надоматлар чекиши наҳот —  
Сабаб бўла олур бу қўйга?!  
Илк севгининг фарахлари ҳам  
Маҳзунликда унган пуч ўйга  
Зотан тимсол бўлур чинакам...

Кўп ўйладим,  
Қачон аслида  
Қисматларни чулғагай туман?  
Аёлларнинг юракларида  
Қачон пайдо бўлар ёсуман?  
Ва англадим — ёвуз бир куч бор,  
Чанг солар у тўлик бахтга гоҳ;  
Уйғотару низола бадқор,  
Этмайди ҳеч ўзидан огоҳ.  
Лекин қадам босмас ҳеч қачон,  
Хукмрондир қайда тўқчилик...  
Номи унинг барчага аён,  
Турмушдаги оғу — ИҶҚЧИЛИК.  
Дарвоқе, ғам нима билмаган,  
Ғурбатга бўй бермаган тақир —  
Дўстим қаддин бемаҳал буккан  
Шу йўқчилик эмасми, ахир?!  
Эҳ, мен орзу қиламан бирам,  
Келармикан шундайин

дамлар —

Учрамаса юртингда сира  
Ўз уйдан безган одамлар!



# ХАЛҚДИН ЁРЛИҚ ИСТАРМАН...



**Т**арихимизнинг гувоҳлик беришича, XX асрнинг бошларида — инқилобга қадар ва ундан кейинги дастлабки йилларда Туркистонда юздан ортиқ шоиру адиб ижод этган. Бу рўйхатнинг аввалида Қодирий, Чўлпон, Бехбудий, Фитрат, Авлоний, Ҳамза, Нозимахоним, Сидқий Хондайлиқий, Сўфизода... қатори самарқандлик шоир Сиддиқий-Ажзий ҳам туради.

Саидахмад Сиддиқий-Ажзий Самарқанд вилоятининг ҳозирги Жомбой ноҳиясидаги Ҳалвойи қишлоғида 1864 йилда таваллуд топган. Барвақт етимлик, муҳтожлик Саидахмадга ҳаёт дорилфунундан эрта сабоқ олишга мажбур этди. Туриқлик ташвиқи уни деҳқончилик, соатсозлик, тикув машиналарини созлаш, тикувчи ва тўқувчиликка ундади. Лекин у қайси касб билан шугулланмасин, барчасида камолотга эришди. Имом топганида ўқиди. Янгаси қўлида хат-савадини чиқариб, Самарқанду Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрди. Арабу форс, озару ўрис тилларини ўрганди, мусиқа санъати билан шугулланди. Дастлаб Шарқ шеърини анъаналарида шеърлар машқ қилди. Ҳавас ва ғайрати боис, замонасининг етук, билмидон зиёлиларидан бири бўлиб элга танилди.

Бироқ Сиддиқийни ўз даврининг буюк кишиларидан бири сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган омил — бу унинг маърифатчилик фаолияти ва ижодидир.

90-йилларнинг охирларида Сиддиқий отасидан қолган кичкинагина боғни сотиб, Макка сафарига отланади. Уч йил мобайнида араб мамлакатларини кезади. Жадада шаҳридаги Русия элчихонасида бир муддат тилмочлик қилади. Ундан сўнг Россиянинг марказий шаҳарларига боради. Ниҳоят Тифлисга келиб, бу ерда машҳур озар жадинқилобчилари Жалил Мамадқулизода ва Алиакбар Тоҳирзода Собирлар билан танишади. Мазкур сафар Сиддиқий дунёқарашининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлади. Миллат, маърифат, озодлик тантанаси учун курашмоқни ҳаёт маслағи, умр мазмуни деб белгилайди.

Маърифатпарвар Сиддиқий 1901 йилда Ҳалвойига қайтиб, усули жадин мактаби очади. Бу мактабда турли миллат ва турли табақа болаларига табиий фанлар, арабу рус тиллари ўқитиларди. Сиддиқий ана шу мактабда ўқитиш учун болаларбоп асарлар ёзди, рус адабиётини, хусусан Лев Толстойнинг қатор ҳикояларини, И. А. Крилов масалларини, Гоголнинг «Шинел» қиссасини ўзбек ва тожик тилларига таржима қилди, шулар орасида дарсликлар тузди. 1914 йилда бу маърифатпарвар ўз ташаббуси билан «Зарафшон» номли мактаб кутубхонаси ташкил

қилади. Кутубхонада маҳаллий адабиёт ва матбуот намуналари қаторида Кавказ ва Туркияда чиқиб турган илғор адабиётларгача жамланган эди. Мана шулар Сиддиқий номи ва мактабинини машҳур қилиб юборди.

Шу давр маърифатпарвар шоир ижодининг ҳам айни гуллаган йиллари эди. 10-йилларда шоир «Айнул адиб» («Одоб кўзи») ва «Ганжинаи ҳикмат» («Ҳикматлар хазинаси») номли ўзбек ҳам тожик тилларидаги икки шеърӣ тўпламини ҳамда «Миръоти ибрат» («Ибрат ойнаси») ва «Анжумани арвоҳ» («Рухлар йиғини») номли дostonларини эълон қилади. Ҳар икки дoston ҳам ўткир ижтимоий масалаларга қаратилган эди. Биринчи икки расула — Бухоронинг икки марҳум амири самодан тушиб, юртни вайрон, фуқарони хору муҳтож қилганларидан сўзласалар, «Миръоти ибрат»да шоир ўша вайрона юртга нисбат ўлароқ, ҳаёлий бир мамлакат манзараларини чизади. Илму фани, фазлу адаби устивор ўлган орзудаги Самарқандни тасвир этади. Самарқанд мисолида эса заҳматкаш Туркистонни назарда тутлади. Шу юртнинг бир содиқ фарзанди ўлароқ элу улусининг равнақини ўйлаб куюнади, ададсиз изтиробларини яширмайди.

*На раҳматга қалбимиз муносиб,  
На жаннатга руҳимиз муносиб.  
Аммо ила либосга мағрур,  
Бу тийнату сўрат ила масрур.  
Кофи биза бўйла шакл марғуб,  
Ниссон орасида бизда маҳсуб!*

Шоир бу аҳволдан кутулиш чораларини излайди ва ягона чора маърифатда, деган хулосага келади. Чунки юртнинг шу ҳолга келишига боис истибодд эзилган халқнинг жаҳолатга маҳкум этилгани эди. Бироқ шоир маърифатни фақат илму фанни эгаллашдан иборат деб билмайди. Ҳаммаслақ замондошларидан бир қадар илгарулаб, Сиддиқий илму фан орқали сиёсий, ҳуқуқий маслақлар учун курашиш ғоясини олға суради. Илм билан бирга илм орқали «давлат»ни, «лисон»ни ва «зақун»ни эгаллаш, қўлга киритишни тарғиб этади. Истиқболни фақат ана шу «мақсуд»ларнинг амалиётда кўради.

*Нуқсонни жаҳолат этдим иншо,  
Мақсуди бунинг-на этдим ифшо.  
Дўрд иш бана бундан эрди мақсуд,  
Бундан йла халқа бахти масъуд.  
Илм ила олмоқ ва фунунни,  
Давлатни, лисонни ва зақунни,  
Ҳар қавм булардан ўлди маҳрум,  
Истиқболи ҳолидан ўлар шум.*

Бу шоирнинг ўзи айтмоқчи нафақат насиҳати, балки навбатдаги авлодларга васияти

ҳам эди. Чор цензураси ҳар икки асарни чоп этишни таъқиқлайди. Сиддиқий ўз асарларини 1912 йилда Мамадқулизода ва Алиакбар Собир кўмагида Тифлисида нашр эттирди. Фақатгина икки йил ўтиб, «Миръоти ибрат»нинг ўзбекча нусхасини Самарқандда бостиришга муваффақ бўлади.

1914 йили Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг масжидида мутаассиблар 5—6 минг мусулмонларга қарата жадидларни ва усули жадид мактабларида ўқиётган ва болаларини ўқитаётганларни кофир деб эълон қиладилар. Бу пайтда Сиддиқий Маҳмудхўжа Беҳбудий билан «Самарқанд жадидларининг бошида» (Вадид Маҳмуд) турар, жадидчилик Туркистон бўйлаб кенг ёйилган катта куч эди. Ўша вазиятда самарқандликларни Тошкент жадидлари, кавказлик тараққийпарвар кучлар ҳимоя қилдилар.

Феврал инқилоби билан Сиддиқий ҳаётида яна муҳим воқеалар содир бўлди. У болшевикларнинг «Иттифоқ» номли ишчилар уюшмасига аъзо бўлиб кирди. Октябр инқилобидан кейин эса Самарқанд вилоятининг адлия ишларига раҳбарлик қилди. 1919—1920 йилларда Туркистонга марказдан юборилган «Турккомиссия» ва «Турк-

бюро» «фаолияти»нинг бошланиши билан маҳаллий кадрларга, хусусан раҳбар кадрларга муносабатнинг ёмонлашуви, ишонсизлик кўпгина миллий зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари сусайиб сўнишига, уларни ижтимоий фаолиятдан бир қадар чекинишга мажбур этди. Бизнингча, ана шу шароит тақозоси билан, Сиддиқий ҳам 1922 йили ўз қишлоғига, ўз мактабига қайтади ва умрининг охирига қадар мудир ҳамда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Сиддиқий гарчи сиёсий фаолиятдан воз кечган бўлса ҳам, ижодий ишдан тўхтамади. «Машраб», «Мулла Мушфиқий» каби сатирик жаридаларда, «Зарафшон» рўзномасида мақолалари, шеърлари, ҳажвий асарлари билан мунтазам иштирок этиб турди. «Майна», «Шашпар», «Тир», «Гумном», «Олмос» деган тахаллуслар билан матбуот орқали турли иллатларга қарши курашди. Бу асарлар Сиддиқийни ўзбек совет ҳажвиётининг асосчиларидан бири сифатида эътироф этишга тўла ҳуқуқ беради.

Саидахмад Сиддиқий 1927 йил 15 июнда Ҳалвойи қишлоғида вафот этади.

Шухрат РИЗАЕВ



#### Саидахмад СИДДИҚИЙ-АЖЗИЙ

\* \* \*

Кимса, ё раб, бу дили зорима этмазми илож?  
Дили ғам дийдаи, афгорима этмазми илож?

Ғам ҳужуми-ла дўқар дийдаларим қон, ҳеч ким  
Бани бу дийдаи хунборима этмазми илож?

Халқдин ёрлиқ истарман ул умидим илаким,  
Келмиш ағёрдин озорима этмазми илож?

Шон қавмияти душвор кўрурсам помол,  
Кимса бу ҳолати душворима этмазми илож?

Роҳатин бузмишам афгон ила кўшушларими,  
Бири ҳам оҳи шарор борима этмазми илож?

Ранжи армон-ла беморлара йўхми табиб,  
Раҳм эдиб, зумраи беморима этмазми илож?

Даҳр афсоди саруқорими бузмиш Ажзий,  
Шимди гардун бу саруқорима этмазми илож?

\* \* \*

Надур фарёд боис, надур афгон этимдан матлуб,  
Агар инсон чекар роҳат ва гар булбул чаман  
матлуб.

Бан ўз ранжим-ла бемор ўлдиғим ваъз табиатдур,  
Фано ўлмоқ ғами аҳбобидандур анжуман матлуб.

Вуфури сарвату жоҳ ила масрур ўлмазам ҳаргиз,  
Банго парвонатек жон вермадан ҳифзи ватан  
матлуб.

Жароҳатига марҳам истаян ҳозиқ табиб излар,  
Магар бу жустижўдин йўхми илоҳи бадан матлуб.

Оёқ остинда исқон айламак беорлиқ Ажзий,  
У ким бу ҳола бош қолдурмаз этмишдур кафан  
матлуб.



бюро» «фаолияти»нинг бошланиши билан маҳаллий кадрларга, хусусан раҳбар кадрларга муносабатнинг ёмонлашуви, ишонсизлик кўпгина миллий зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари сусайиб сўнишига, уларни ижтимоий фаолиятдан бир қадар чекинишга мажбур этди. Бизнингча, ана шу шароит тақозоси билан, Сиддиқий ҳам 1922 йили ўз қишлоғига, ўз мактабига қайтади ва умрининг охирига қадар мудир ҳамда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Сиддиқий гарчи сиёсий фаолиятдан воз кечган бўлса ҳам, ижодий ишдан тўхтамади. «Машраб», «Мулла Мушфиқий» каби сатирик жаридаларда, «Зарафшон» рўзномасида мақолалари, шеърлари, ҳажвий асарлари билан мунтазам иштирок этиб турди. «Майна», «Шашпар», «Тир», «Гумном», «Олмос» деган тахаллуслар билан матбуот орқали турли иллатларга қарши курашди. Бу асарлар Сиддиқийни ўзбек совет ҳажвиётининг асосчиларидан бири сифатида эътироф этишга тўла ҳуқуқ беради.

Саидахмад Сиддиқий 1927 йил 15 июнда Ҳалвойи қишлоғида вафот этади.

Шухрат РИЗАЕВ



#### Асрор МҶМИНОВ

### Йўқлов

Дилрабо қўшиғинг эшитган замон,  
Қўнғироқ овозинг забт этди кўнглим.  
Қулоғим тагида жарангги ҳамон,  
Қўшиқ чаманида бормисан, синглим?

Баъзан истеъдодга ҳамроҳдир зафар,  
Баъзида ҳеч жойга етмайди қўли.  
Кўзим тўрт кутаман қанотли хабар,  
Равон чиқдимикин ҳаётинг йўли?

Улкан сахналарнинг ёрқин юлдузи  
Бўлишга арзийсан бешак, бегумон.  
Бевақт тушган бўлса ижодинг кузи,  
Қалбимга чўқади тоғдайин армон.

Ўйларим ёритар умид учқуни,  
Адолат опамдай овулар мени.  
Истеъдод дунёга келмас ҳар куни,  
Камолот кўкида кўрайин сени.

### Тошбулоқ

Сувларингдан ичиб, Тошбулоқ,  
Тушди менинг сочларимга оқ.  
Атрофингда неварам шу чоқ,  
Ўйноқлайди мисли қўзичоқ,  
Сувларингдан ичиб, Тошбулоқ.

Водиймизга ўзинг бош, булоқ,  
Посбонингдир азамат тоғлар,  
Бедовингдир учқур ирмоқлар,  
Интизоринг ям-яшил боғлар,  
Водиймизга ўзинг бош, булоқ.

Яхшиям, сен мангу ёш булоқ,  
Қоялардан тошлар кўчмишдир,  
Кўкда қанча юлдуз ўчмишдир,  
Айтаверсам, узоқ кечмишдир,  
Яхшиям, сен мангу ёш булоқ.

Сувларингдан ичиб, Тошбулоқ,  
Хаёлимдан ўтди хотирот.  
Водиймизга ўзинг бош, булоқ,  
Этагингдан ушлаган ҳаёт,  
Яхшиям, сен мангу ёш булоқ.

#### Ўроз ҲАЙДАР



### Инсоф

Урчугин йиғириб суна қошида  
Бир кампир пичирлаб қилур тиловат:  
«Худо, инсоф бергил каттаконларга,  
Илоё, ҳар банда бўлсин саломат».

У инсоф сўрайди шафқатли дўстдан,  
У инсоф тилайди қитмир, нодонга.  
Урчуги заминдек айланган сари,  
Сўзлари арқоқдек эшилур жонга.

Ҳар бир ўрамида буюк эътиқод,  
Инсон диёнати чирмашар маҳкам,  
Урчуги — заминни чулғаб олмоқда...  
Нурланар меҳрга интиқ бу Олам.

Арқоқ қўлларини куйдирса ҳамки,  
Сўзларин тупроққа қорса ҳам сабо,  
У ҳамон дуода башариятга  
Инсоф улашишдан чарчамас асло.

\* \* \*

Ў, ўтлиг дамларим... шамолдай елсам  
Шабнамдай титради измимда олам.  
Қандай сочиларди кўкдан юлдузлар,  
Бу кун лол боқаман, вужудда алам.

Қўлу оёғим-ку занжирбанд эмас,  
Дилим эшигинда қулф бор — тақиқ.  
Умрим кечар ҳалқа ичинда, билмам  
Ҳуррият қутби: мағрибми, машриқ.

Чалғи тортаётган чолдай тебраниб  
Ҳавони чайналиб ютаман базўр,  
Аллақачон қалб ҳам кетганди тониб,  
Аллақачон қулдек яшайпман — сағир.

Ғафлат саҳросида адашган касдай  
Юрибман бемаслак, куйиб-да бағрим.  
Туфондай қутуриб дод солгим келур  
Баъзида ёдга тушса ўтлиг дамларим.

\* \* \*

Ерилган лаблардай булутлар ёриқ,  
Қонланган тангадай қонталаш офтоб.  
Пахтазордан қайтар қишлоқ қизлари,  
Пахтазор варағи саргайган китоб.

Тер ҳиди анқийди, мушқу анбармас,  
Қизларнинг шўр босган  
қўйлақларидан.  
Шамол бўса олар шамси қамармас,  
Этак ипи кийган елкаларидан.

Тилинган қўллардай тилинган Юрак,  
Бўм-бўш чаюқлардай бўм-бўш  
далалар,  
Қизларнинг ортидан анграяр фалақ,  
Сочлардан сачрайди кўкка нолалар.

Тер ҳиди анқийди далалар бўйлаб...

# «БОБУРНОМА» ҚАНДАЙ ЁЗИЛГАН

Сабоҳат АЗИМЖОНОВА,  
ЎзССР ФА мухбир аъзоси

«Бобурнома» Ҳиндистонда ёзилган, бироқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур қандай манбаларга асосланиб, қачон, қаерда ўз асарини ёза бошлагани ҳақида аниқ тарихий маълумотлар йўқ. Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг Ҳиндистон халқлари тарихининг XVI аср ўрталаридаги даврини ўзида акс эттирган «Ҳумоюннома» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Сикри шаҳридаги боғда, чавгон ўйини учун барпо қилинган майдоннинг юқорисида қад кўтарган иморатлардан бирида Бобурнинг китоб ёзиш одати бўлган. Бу қайд «Бобурнома»нинг Ҳиндистонда ёзилганини тасдиқлайди. Маълумки, «Бобурнома» 1483 — 1529 йиллардаги Мовароуннахр, Хуросон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи, Адған ҳикоя қилади. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг дастлабки чорагида Урта Осиё ё Ўзрonda рўй берган воқеаларга, иккинчи қисми XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Афғонистонда бўлиб ўтган воқеаларга, ниҳоят учинчи қисми XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. Заҳириддин Бобур ўз давридаги сиёсий воқеаларни мукамал баён қилар экан, ўз юрти Фарғона вилояти ва унинг пойтахти Андижоннинг ўша замондаги сиёсий-иқтисодий аҳволи, Урта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Уш, Урганч, Уратепа, Термиз каби йирик шаҳарлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради. Асар муаллифи давлат ва маданият арбоблари, шоирлар, адиллар, айрим йирик бой-зодагонлар, ҳатто бинокор усталар, дурадгорлар, наққошлар ҳақида ўша даврда ёзилган тарихий асарларда учрамайдиган маълумотларни баён этади.

«Бобурнома»да келтирилган ноёб ҳужжатлар ўша давр тарихий манбалари: Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солих, Биноий, Муҳаммад Ҳайдар, Фариш, Абдул Фазл Анлогамий, Ҳинд Мирзо, Ва бошқа алломалар асарларида учрамайди. Улуғбек Мирзо, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Беҳзод ва бошқа фан, маданият, санъат арбобларига нисбатан самимият ва ҳурмат билан фикр юритар экан, айни вақтда Бобур Хуросон ҳокими Султон Ҳусайн, Қундуз-Бадахшон ҳокими Хусравшоҳ, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий ва унинг саркардаси Нажим Соний, Ҳиндистон султони Иброҳим Лўдий каби олий мартаба ва нуфузга эга бўлган саркашлик манталарига алоҳида тўхталиб, бундай нуқсонларни ҳолисона қоралайди.

Бобур Ҳиндистон султони Иброҳим Лўдийни 1526 йили Дехли шаҳрига яқин бўлган Панипат майдонида тор-мор қилади, 1527 йили Малва рожаси Рано Сангони ҳам енгиб, Буюк Бобурийлар империясига асос солади, «Бобурнома» ана шу воқеалардан сўнг — кундалик ён дафтаридаги хотиралар асосида

ёзила бошланган, деган фикрга олиб келади, чунки унинг бошқа ҳамма асарлари: Мовароуннахр ва Ҳиндистонда ёзган шеърӣ девонлари, «Мубайин» деб аталган ҳуқуққа доир асари, «Рисолаи Волидия» деган Хўжа Аҳрор асарининг таржимаси ва «Хатти Бобурий» деб номланган махсус алифбоси «Бобурнома»да ёзилган йиллари билан бирга аниқ қайд этилгани ҳолда, «Бобурнома»нинг ўзи қачон ва қаерда ёзила бошлангани ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди, у ҳатто саройда махсус воқеанависи бўлган ёки бўлмаган, «Бобурнома»ни ёзиш фикри унда қачон туғилганлиги ҳақида ҳам ҳеч нима демаяди. Бу ҳол «Бобурнома» бошдан охиригача Бобурнинг ўз қўли билан ёзилган, унинг чуқур илмий тафаккури ва ақл-идроқининг нуқур ҳисили бўлмиш асарининг ёзила бошлаган йилини аниқлашни қийинлаштиради. Лекин «Бобурнома»ни чуқурроқ ўрганиш бу жумбоқни аниқроқ ҳал қилишга ёрдам беради.

Бобур 899 ҳижрий (1493 — 1494 йиллар) воқеалари баёнида Мовароуннахр ҳокими Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг унинг ўғил-қизлари ва амирлари изоҳига тўхталар экан: уллардан бири Саид Юсуф ўғлакчи эди, мен биринчи марта Кобулга келганимда, у менинг қошимда эди, мен унга кўп меҳрибончиликлар қилдим, мен Ҳиндистонга биринчи марта юриш қилганимда уни Кобулда қолдирдим, кейинроқ у Кобулда вафот этди, деб эслайди. («Бобурнома». Аннет Бевериж нашри. Лондон, 1905, 22а-саҳифа).

903 ҳижрий (1497 — 1498 йиллар) воқеалари баёнида эса Бобур Самарқанддаги Улуғбек Мирзо расадхонасини таърифлар экан, шу муносабат билан Маъмун, Батлимус, Ҳиндистондаги Бикрамжит Ҳинду, Дхара шаҳридаги расадхоналар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Маълумки, Бобур Малвадаги Бикрамжит расадхонаси билан 1528 йилдагина танишган. Бу ҳол «Бобурнома»нинг Ҳиндистонда ёзилганини тўлиқ исбот қилиб беради. Худди шу фикримизнинг исботи учун яна бир мисол келтирайлик.

Бобур 908 ҳижрий (1502 — 1503 йиллар)да Фарғона водийсида рўй берган воқеалар баёнида, биз Поп қалъаси дарвозаси олдида ҳужум вазиятида турганимизда, шу кунларда Қоил шаҳрининг солиқ йиғувчиси Кичик Али ниҳоятда жасурат кўрсатди (113-саҳифа), деб эслайди. Маълумки, Қоил шаҳри Ҳиндистон шаҳарларидан биридир. 911 (1505 — 1506) йил воқеалари баён қилинган қисмда Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин унинг оила аъзолари: ўғил-қизлари ва саркардалари хусусида бирма-бир тўхталар экан, «унинг амирларидан яна бири Султон Жунаид барлос эди, у кейинроқ Султон Аҳмад Мирзо қошига ўтиб кетган эди; у ҳозирда Жаунпур ҳокими Султон Жунаид барлоснинг отаси эди», деб ёзади. Юқорида биз келтирган маълумотлар Бобур шахсан ўзи йиғиб юрган ҳужжатлар асосида ўз асарини Ҳиндистонда ёзган, деган фикрни тасдиқлайди.

«Бобурнома»даги айрим кичик воқеаларга чуқурроқ ёндошиш натижасида Бобурда мазкур асарни ёзиш фикри 913 ҳижрий (1507 йил)да пайдо бўлган деган хулосага келиш мумкин. Худди шу йиллар тарихий воқеалари баёнида Қандаҳор ва Келат вилоятларининг ҳокимлари Шоҳбек ва Муқим арғун Бобурни бу ерга бостириб келаётган Шайбонийхонга қарши ёрдамга чақирганлари, бизорак у Қандаҳорга етиб келга, шаҳар дарвозаларни қандакитиб олиб, ўз сўзларидан қайтганликлари, лекин шундан сўнг Бобур Қандаҳорни қўлга киритиб, унинг ҳокимлигини укаси Носир Мирзога топширгани, ўзи Ҳиндистон орзусини амалга ошириш учун Кобулга қайтган айтилади. Шу юришда «Бад-и-пиг» кўтолидан ўтгани ва сўнг бу воқеани абадийлаштириш ниятида Мирак Юсуф ва наққош Шоҳ Муҳаммадга тоғ бағридаги тошлардан бирига бу тарихни битишни буюрганини эслайди. Бизнинг фикримизча, худди шу воқеадан сўнг Бобурда тарихий асар ёзиш фикри туғилган ва шундан сўнггина у ўзининг кундалик дафтарига энг муқим воқеалар баёнини тўлиқ ёзиб юришга киришган. Кейинчалик эса ўзи тўплаган маълумотлар ва унга ҳамроҳ бўлган саркардаларнинг ҳикоялари асосида 1526 — 1529 йиллар мобайнида «Бобурнома»ни Ҳиндистонда яратган.

«Бобурнома»нинг муаллифи йирик тарихнавис олим, тенги йўқ адиб ва нозиктаъб шоирдир. У ўз замонасидаёқ Алишер Навоийи соний деган юксак таърифга сазовор бўлган.

«Бобурнома» ҳужжатларнинг ниҳоятда нодирлиги, тили ва услубининг жозибалилиги билан ўрта асрлар Урта Осиё ва Ҳиндистонда ёзилган ҳамма тарихий асарлардан тубдан фарқ қилади. Бобур тарихий воқеаларни баён қилар экан, ўзидан илгари ўтган муаллифларнинг асарларига берафқ қарамайди. У ҳамма воқеаларни ўзи кўрган, билган ёки ўз қамоги билан эшитган мисоллар асосида, масалага танқидий ёндошган ҳолда баён этади. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи шундай ёзади:

«Бу битилганлардин фаруз шикоят эмас, рост ҳикоятларким, битибтурмен. Бу маст бўлгонлардин мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқии бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилибтурки, ҳар сўзининг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқинини таҳрир этилгай. Ложарам ота-оғадин ҳар яхшилиқ ва ёмонлигим шойиъ эди, таҳрир қилдим ва қариндош ва бегонадан ҳар айб ва ҳунарким баёни воқий эди, таҳрир айладим. Уқуғувчи маъзур турсун, эшитгувчи таарруз мақомидин ўтсун» («Бобурнома», Тошкент, 1960 йил, 264-бет).

Бобурнинг шоҳ асари «Бобурнома» ҳамда унинг муаллифининг латофатли шеърлари ўша замонлардан то ҳозиргача жаҳон олимлари ва жамоат арбобларининг диққат марказида бўлди. Жавахарлаъл Неру ўзининг машҳур «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобур сиймоси ва «Бобурнома» асари ҳақида гапириб, «у (Бобур) Ҳиндистонда гарчи Фарғона олма-ўриги, гуллари, сергўшт таомлари, тоғлари, музликларини ва оби-ҳавосини ниҳоятда соғинган бўлса ҳам, Ҳиндистонни гўзал диёр деб атаган эди. У Ҳиндистонда кўп вақтини урушларда ўтказган бўлса ҳам, айни вақтда ўзини Агра шаҳрида ҳашаматли бинолар барпо этишга бағишлади. У ниҳоятда ёқимтой, жасуратли, серғайрат киши бўлиб, санъатни, адабиётни ва ҳаётни яхши кўрар эди», деб юқори баҳо берган. «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган машҳур инглиз шарқшуноси А. Бевериж ушбу асарни ҳамма даврларда ёзилган энг жозибали адабиётлар қаторига қўйиш лозим, деб тан олди. Ҳинд олими Абдул Латиф: «Бобур ҳам насрда, ҳам шеърда тоза услуб соҳибидир», деди. «Бобурнома»нинг тарихий, адабий ва маданий қиммати ҳақида совет шарқшунослари, жумладан, Ўзбекистон олимларининг баҳоси ҳам беназирдир.

Жаҳон халқлари маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган Бобурнинг илмий-адабий мероси, жумладан унинг «Бобурнома» асари ўзбек халқи бой ўтмиш тарихининг зарҳал саҳифасидир.



«Биз номатлуб (пийхоний) иқтисодиётнинг таъсири ортиб бораётганлигига ҳам бепарво қарай олмаймиз, талай жойларда ана шу «номатлуб иқтисодиёт» айрим ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан тил бириктириб олмакда. Хўш, бундан ким кўпроқ озор чекаяпти?»

(Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди материалларидан).

рий-бошқариш аппаратининг қуйидан юқоригача бўлган бўлимларида гоҳ яширин, гоҳ очиқ ўзини намоён қилиб турибди. Хўш, махфий иқтисодиётнинг ўзи нима?! У қандай пайдо бўлади?!

Қадимдан жаҳоннинг барча давлатларида мавжуд бўлиб келган иқтисоднинг бу тури ривожланган капиталистик мамлакатларда миллий даромаднинг 5 — 7 фоизини ташкил қилади. Бизда

мият инқирозига ва ижтимоий-мулкый емирилишга олиб келади.

1985 йилга келиб жамиятимизда махфий иқтисодиётнинг дастлабки фаолияти мустақамланиб, мустақил йўлга кириб олди. Шунинг учун ҳам унинг таййиқини барча фуқаролар сеза бошладилар. Бизнинг жумҳуриятимизда унинг урчишига халқ ва партия ҳозирги кунда инкор этиб турган маъмурий-буйруқбоз-

эса ўз навбатида пулнинг кадр-сизлигини таъминлайди. Савдо муассасаларидаги камомад ҳам 171 миллион сўмдан ортиб кетди. Андижон шаҳри битта улгуржи савдо омбори ва бир дўконнинг ўзи 1,26 миллион сўм камомад келтирган. Аҳолидан маҳсулот сотиб олиш борасидаги тайёрлов идораларнинг қирибгарликлари мамлакатда кенг тарқалган бўлиб, улар меҳнатсиз даромад-

# „ЎПҚОН“

эса у 17 — 18 фоизга чиқиб кетган.

Мамлакат иқтисодиётининг марказида тақчилликнинг турғун бўлиб қолиши, пул сиёсатининг кучайиши расмий иқтисодиётни ожайилантириб, махфий иқтисодиётни кўчайтириб юборди, аҳоли даромадининг ўсиши 1989 йилда 1988 йилга нисбатан 64 миллиард сўмни, яъни 12,9 фоизни, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш эса 30 миллиард сўмни, яъни 7 фоизни ташкил қилди. Корхоналарда, хўжалик фаолиятини янгича юришиш маҳсулот баҳосини ошириш имконини туғдирди. Натижада нарх-наво ортиб кетди, аҳоли даромадининг ўсиши эса, ана шу ҳисобга таъминланди.

Махфий иқтисодиёт қонундан ташқари шахсий ва артеллар фаолиятида ҳам намоён бўлади. Бунда хусусий усталар, ширкат, артеллар ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариб, ана шу «ортиқча» дан давлат ҳисобига солиқ тўламайдилар.

Ишлаб чиқариш воситаларини чайқов бозорида сотилишидан келадиган даромад ҳам махфий иқтисодиётнинг чўнтагини қаппайтиради, бунда олибсатарлар чайқов бозорини кенгайтириб, «дирижёрлик» қиладилар.

Махфий иқтисодиётнинг яшовчанлигига сабаб доимий равишда партия, давлат-хўжалик, ҳуқуқий ташкилотлардаги шахсий манфаатдор кишиларнинг қўллаб-қувватлаб туришидир. Уюшган жинорий гуруҳларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жа-

лик усули сабаб бўлди. Масалан, пахтачилик соҳасида «пахта мафийси» вужудга келди ва унинг ўлчами 2,5 миллиард сўм деб белгиланди. Шу суммадан 800 миллион сўм жумғурият ичида қолган бўлиб, қолгани пахта комашёси борган жойларда сув бўлиб кетди. Бу рақам мамлакат махфий иқтисодиётининг 2—3 фоизини ташкил қилади.

Мамлакат бўйича махфий маблағни олимлар 110 миллиард деб белгилашмоқда. «Пахта иши» дан ташқари шош бўлган энг катта уюшган иқтисодий жиноятлардан «Океан» (кит овловчи «Слава» кемаси), «Ростовликлар иши», «Волгоградликлар», «Москвалик», ўтган йилги «Карповликлар» ва «Харьковликлар» иши шулар жумласидандир. Мамлакат бўйича аҳолига ҳар хил пийхоний хизмат қиладиган хусусий кишиларнинг йиллик даромадининг йиғиндиси 14 — 16 миллиард сўмни ташкил этади. Темир йўлда содир бўлаётган ўғирликлардан расмий иқтисодиёт 10 — 12 миллиард сўм зарар кўради.

СССР Ички ишлар министрлигининг маълумотларига қараганда, кейинги икки йилда мана шу соҳада 50 мингдан кўпроқ жиноят содир этилган бўлиб, асосан чет эл моллари ўғирланган. Ўғирланган моллар асосан чайқов бозорида тақсимот қилиниб 2 — 3 баробар қимматига сотилади. Бир йил давомида кишиларнинг дўконлар орқали кийим-кечак харидидаги фарқ 4 — 4,5 миллиард сўмдан ортиб кетган. Ана шу ортиқча пул чўкиб қолади. Бу

нинг минг хил усулларини ўйлаб топишади. Шулардан энг йириклари навини алмаштириш, сифатини пасайтириш, ифлослик даражасига қараб ўзлари хоҳлагандай нарх қўйиб қабул қилишдир.

Иқтисодий вазиятнинг мураккаблашиши чайқовчилик миқёсини янада кенгайтириб юбормоқда. 1989 йилда ўзига тўқ оилаларнинг учдан икки қисми олибсатарлардан мол харид қилдилар. Мамлакат бўйича ҳар бир оила ўртача ўз жамғармасидан 60 сўмдан зарар кўрган бўлса, Грузияда — 140, Туркменистон ва Молдавияда — 80, жумҳуриятимизда — 70 сўмни ташкил қилган. Чайқов бозоридаги корчолонларнинг фойдаси 1,3 миллиард сўм бўлиб, шундан кийим-кечак олиб сотишдан 350 миллион, пойабзалдан 250 миллион, газламалардан 110 миллион, атторлик молларидан — 100 миллион, қурилиш жиҳозларидан 90 миллион сўм олибсатар ва ишбилармонларнинг ҳамёнига тушган. Давлат савдо муассасаларидаги қўли қинғир ходимлар ҳам молларга «устама» қўйиб сотиш билан 180 миллион сўм даромад қилганлар. Шу йилнинг ўзида майда олиб сатарлар сони 1,3 мартаба кўпайган. Аҳолининг ишсиз, касб-кори йўқ қисми борган сари майда чайқовчилар «қўшини»ни тўлдириб бормоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари буларга қарши курашиб, бирор ижобий натижага эриша олмаётлар.

Мамлакатимиз янги иқтисодий сиёсат арафасида турипти. Унинг қай йўсинда бориши, очигини айтганда, мутахассисларнинг қизгин баҳс ва мунозараларига сабаб бўлаётир. Шубҳалар, гумонлар, ҳаддан зиёд эҳтиёткорлик келажак ишини бир қадар пайсаллаштирамоқда. Айниқса турли ижтимоий миқёсдаги тўсиқлар мамлакат иқтисодий аҳволининг қад ростлашига жиддий таъсир кўрсатаяпти. Бошқарувнинг узоқ вақт давом этган маъмурий-буйруқбозлик усули мамлакат иқтисодини боши берк кўчага солиб қўйди. Бошбошдоқлик авж олгани сари мамлакат кўламида махфий иқтисод сиёсати илдиз отди, пулнинг кадрсизланиши кучайди. Назоратсизлик, шубҳасиз, қора гуруҳларнинг бошини тез бириктиради. Шундай ҳам бўлди.

Агар иқтисодиётимиз бир улкан дарё бўлса, унинг ўпқонлари махфий иқтисодиётдир. Ана шу ўпқоннинг пайдо бўлиши ва ички тузилиши ниҳоятда мураккаб — иқтисодиётда инқироз чуқурлашгани сари унинг миқёси ортаверди. Ҳозирги кунда махфий иқтисодиёт ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг турли кўри-нишларида, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳамда маъму-

Махфий иқтисодиётнинг ривожланишида улгуржи ва чакана баҳонинг мувофиқлаштирилмагани ҳам бир омилдир. Масалан, ёнилғи савдоси соҳасида ўзига хос «қироллар» вужудга келган бўлса, спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланадиган ресторан буфетчиларининг тегиримонига ҳам сувдай фойда қўйилиб турди.

Ёнилғининг ярмини автомашина эгалари тўйнуқдан оладиган бўлдилар. Натижада давлат 2 миллиард сўм зарар кўра бошлади. Ёнилғининг сунъий равишда тақчиллаштириш сабабли қурилиш ишларининг бажарилмаслигидан давлат 3 — 4 миллиард сўм зарар кўрди.

Пинхоний иқтисод ўпқонида турли зараркунадалик — вагонларга маҳсулот ҳажмини кам юклаб, бир-бирини алдашлар ҳам содир бўлиб туради. Бундай ҳоллар халқ хўжалигига минг-минглаб сўм зарар келтиради. Масалан, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг давлат назорати маълумотларида қайд этилишича, 1989 йилнинг 9 ойи мобайнида денгиз, қуруқлик чегара қароргоҳларига 8,5 минг чет савдога чиқарилаётган «Жигули» автомашинаси яроқсиз, синган, урилган, ўғирланган ҳолда келтирилган, юкхоналарга жойланган маҳсулотлар эса ҳақиқий оғирлигига нисбатан 10 — 12 фоиз кам бўлиб чиққан.

Халқ мулкнинг талон-тарож ёки исроф бўлиётганига яна бир сабаб, юк ташийдиганге яна йўл хизмати соҳасидаги хизмат усулнинг номутаносиблигидир. Бу соҳада ташиб кетиладиган юкларнинг «йўқолиши табиий ҳол» деб қабул қилинган ғалати ақида бор. Масалан, дон маҳсулоти яхши муҳофаза қилинган поезд юкхоналарида ташилганда ҳар минг километрда 2 тонна, оддий юкхоналарда ташилганда 3,9 тонна исроф бўлиши табиий ҳол, деб қаралади. Аслида мана шунча миқдордаги дон маҳсулоти исроф бўлмайди, йилига 55 — 115 минг тонна дон, сўмга айлан-тирилганда 9 — 20 миллион доллар хусусий кишиларни бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, цемент ва бошқа сочиладиган қурилиш жиҳозлари ҳам шу тариқа давлат чўнтагидан ўмариб қолинади.

Бундан ташқари маҳсулот сифатини атайлаб бузиш ҳоллари ҳам тақчилликка олиб келадиган омилдир. Масалан, гўшт маҳсулотларидан колбаса тайёрлашда корхонада намлик 1 фоиз оширилса, 1 тонна гўшт; газлама фабрикасида бир қатим ип чегириб қолинса, 500 метр газлама «даромад» манбаига айланади. Иш жараёнининг ипидан игнаси-гача яхши билган айрим гуруҳлар шу тариқа халқ мулкни шахсий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдирадilar.

Дастакларга мурожаат қилайлик; 1989 йилда Олмалиқ шаҳридаги Тоғ-металлургия корхонасида мис эритиш заводидаги ташландиқ гиштларни уддабурон жиноятчилар қайта ишлаш жараёнида олтин, кумуш олишиб чайқов нарҳида сотишган. Жиноят фош қилинган 11,5 миллион сўмлик қимматбаҳо металл, хомашё, олтин ва кумуш маҳсу-

лотлар давлат ҳисобига ўтказилди. Булар фош бўлгандан кейин, иккинчи гуруҳ уларнинг тажрибасини қўллаб, яна иш бошлаб юбордилар. Булар ҳам ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиниб, улардан 640 минг сўм миқдордаги 80 килограмм кумуш қайтариб олинди.

Бундай қингир ишлар қурилиш соҳасида ҳам кўпга учрайди. Молия ишидаги хўжасизлик оқибатида турли даражада моддий маблағ расмийлаштирилган ҳолда ўзлаштирилиб юборилади. Масалан, ободонлаштириш ишлари аввал режалаштирилмагани учун ҳукумат маблағ ажратмайди. Жойларни ободонлаштириш эса зарур, чунки аҳоли яқинлиги билан шунга талаб қилади. Бундай ҳолда жойлардаги йирик корхоналар зиммасига ободонлаштириш ишлари юклатилади. Бирор қишлоқ яқинида бекат қуриладиган бўлди, дейлик. Мана шу вазифа юклатилган ташкилот маъмурияти уни ўз маблағи ҳисобига қуриши керак. Бекат белгиланган муддатда қуриб фойдаланишга топширилади. Уни қуриш учун, дейлик, 3 минг сўм сарфланди, деб ҳужжатлар расмийлаштирилади. Аслида мазкур бекатнинг бунёдга келишида бир-бир ярим минг атрофида маблағ сарфланган бўлади. Қолган бир ярим минг сўм кулоқнинг бошида турганлар томонидан ўзлаштирилади. Вассалом.

Шу сингари жамиятнинг иллатлари маънавиятга ҳам келиб тақалади. Пинхона иқтисодиётда фоҳишаларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар ҳукумат билан ҳеч қандай олди-берди қилмайдилар.

Тадқиқотчилар уларни уч табақага бўладилар. Биринчиси, олий табақа бўлиб, улар уй-жойга, олий маълумотга, хизмат жойи ёки лавозимга эгадирлар. Улар асосан мансабдор шахслар, чет элликлар билан алоқада бўладилар. Бир кунлик баҳо — 100 сўмдан юқори! Олий табақадагиларнинг 19,5 фоизи «даромад»нинг бир қисмини жамғариб ҳам борадилар. Иккинчи табақанинг бир қисми иш жойига ва олий, ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бир қисми иш жойидан ажралган, ресторан, меҳмонхоналарда санғиб юрадиганлар. Бу табақадагиларнинг сони ортиб бормоқда. Уларнинг 7,5 фоизи келажак учун маблағ ҳам жамғаради. Учинчи табақадагилар қорин тўйғазиш учун ва спиртли ичимликлар учунгина фоҳишалар билан шуғулланадилар, вокзалларда, кўчаларда тунайдилар. Кунлик даромад — 10 — 15 сўм. Фоҳишалар асосан йирик шаҳарларга танда қўйишади...

«Ўпқон»да ҳаракат қилаётган жиноятчи, чайқовчи, ўғри ва фоҳишалар жамиятимизнинг хавфли яраси бўлиб, тезроқ тузати-лмас, газак отиб кучайиб кетаверади. Улар миллионлаб фуқароларнинг турмуш тарзига иқтисодий, маънавий жиҳатдан раҳна соладилар, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлашуви-га тўсиқ бўлиб қолаверадилар.

(давоми бор)


Расулхон АБДУМАЖИТОВ,  
Иқтисод фанлари номзоди,  
жамиятшунос.

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Тошкентлик метроқурувчилар йил охиригача йўловчиларга яна бир муносиб тўхфа тайёрламоқдалар. Суратларда: метронинг «Тинчлик» бекати қурилишида иш қизғин; пардозловчилардан А. Қўшанова билан А. Қонунова иш устида.

Сураткаш А. ГОРОКРИК (ЎзТАГ)



**Н**игор ахборотчи сахарлаб Қутби кампирниқиди пайдо бўлди.  
— Дугонажон, эшитдингизми, Фазила «пошшо» ўлиб қопти!  
— Ие, қачон?  
Нигор ахборотчи бемалол кўрпачага ўрнашиб олиб деди:

— Кеча туппа-тузук юрган экан, кечаси бирдан шу ҳодисот юз берибди. Парох сердса экан.

Қутби кампир Нигор ахборотчига рўпара ўтирди.

— Нима бало, бу касал мунчаям кўпайди. Э, аслида бу бир баҳонаку-я, — у маъюслашиб қолди. — Ҳаммаси умрга боғлиқ. Вақти-соати битгандирки, азроил жонини олган...

— Ҳа, ишқилиб худо раҳмат қилсин. Емон бўлсаям яхши эди бечора, — деди Нигор ахборотчи ўксиниб.

— Улгандан кейин, минг баттол бўлсаям, яхши дейсиз-да, илож қанча. Ҳеч қайсимиз бегуноҳ мусича эмасмиз, — секингина деди Қутби кампир.

— Узиям ҳеч бандайи мусулмон қилмаган кордорилар қилди-да, ахир. Унинг дастидан қўшиникигаям бир одам ўтишга зор эди. «Нега келаркан, нега кетаркан? Қўлтиғида нимаси бор?»

Уйга ботган Қутби кампир ўзига келиб Нигор ахборотчини шартта тўхтатди:

— Барибир, марҳумни яхши гап билан эслаш лозим биздан, дугона!

Нигор ахборотчи танбеҳдан уялиб бир пас жим қолди. Кейин ёдига худди бир нобоп нарса тушгандай қўлини ёқасига обориб, кўрқинч аралаш гапирди:

— Товба қилдим, дугона, ким менинг кўнглимни оғритса, ўшанга худойи таолонинг ўзи жазо бераёпти.

Қутби кампир энсаси қотиб қўзғала бошлади:

— Вой эсим қурсин, чой-пой кўяй сизга, — деди у.

Нигор ахборотчи Қутби кампирнинг этагидан ушлаб қолди.

— Йўқ, уринманг, кетаман. Ҳалиги Эшмат дриктирнинг қайнонасиникигаям бир кириб чиқай-чи, Фазила «пошшо»нинг ўлиmidан дарак топдимикан, йўқми? Сиз ҳаракатингизни қилаверинг, ҳозир бораверайлик фотиҳахонликка.

Қутби кампир Нигор ахборотчини дарвозагача кузатаркан, соғлигидан нолиди:

— Бу вақтлар менинг ҳам дармоним қуригандай. Бир жойим оғриб туради доим.

\* \* \*

Фазила «пошшо»нинг ўлиmidан кўнгли бузилган Қутби кампир ёлғизликдан ичига ваҳима тушди. Уйга кирди, ҳовлига чиқди. Лекин, овунадиган эрмак топилмади. «Қишлоқдаги кампирларга ҳузур қайтага... — ўйлади у. — Ҳеч бўлмаса мол-ҳолга емиш ташлаб овуниб юради. Мардонқулга минг марта айтдим. Ҳов анави бурчакдан катак қуриб беш-олтита жўжа опкеб бер деб. Ҳар куни эртага дейди. Ҳеч бўлмаса товукларга дон-дун ташлаб юрармидим. Аслида унга гапиргандан кўра деволга гапирган яхши-куя».

Қутби кампир ўтириб чарчади. Ёнидаги ёстиқнинг у ёқ-бу ёғига тапиллатиб уриб, ҳурпайтирган бўлди-да, ёнбошлади. Гарчи баҳорнинг ўрталари бўлса-да, ёшо дим эди. Бароқ мушук дум-думалоқ бўлиб сўрининг четида ухлаб ётибди. «Менам ҳадемай ўламан, — дилидан ўтказди Қутби кампир. — Ҳа-ҳа, ўламан. Гузардаги қария одамлар кетди ҳаммаси. Энди навбат меники. Тағинман балли, шунча жигарларимдан айрилибман-у, уларнинг доғида несобуд бўлиб кетмабман-а. Менгаям Мардонқулнинг бахтини кўриш армон бўладиганга ўхшайди...»

Ким билсин, агар ток қайчисини кўтариб Фазила кирди келмаганида Қутби кампир қачонгача шу алфозда ўтирарди. Кампир камзулининг киссасидан дастрўмолини олиб, кўз ёшларини артди. «Баъзан дилинг ўзинга душман, — ўйлади у. — Ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, қанақа хаёлларга бордим, кўнгли қурсин». Кампир ўрнидан туриб Фазибойнинг истиқболига юрди.



## ОНАИЗОР

### Ҳикоя

— Узинга бирор нарса ола қол. Қалпоқми? Бошингдагига қараб бўлмайди, — дейди.

Мардонқул ранги ўчган қалпоғини кўлига олиб яхшилаб разм солади.

— Э, ҳали анчага кетади бу қалпоқ, — дейди-ю, кейин худди бир ботмон чангни қоққандай шундоқ тарсиллатиб урадики, Қутби кампир беихтиёр чўчиб тушади.

Бир-икки кун ўтгач, Қутби кампир ўғлидан беҳудага хурсанд бўлганини тушунади. Қараб-сизки, эҳтиётлаб қўйилган пулдан ном-нишон ҳам қолмайди. Ҳаммасини Мардонқулнинг ўзи, «унча беринг, мунча беринг», деб олиб совуради — ичади...

Уша куни Фазибойнинг гаплари кўнглига оғир ботган Қутби кампир кечаси билан яна уйқуси қочди. «Тавба, — ўйлади у. — Менга шу гапларни гапириши лозимми? Мардонқулнинг унга нима зарари тегаёпти? Емон бўлсаям фарзандим...» Қутби кампир тутатиб кетди. «Яна гапирса, тахта-ўқловини йиғиштириб қўяман».

Қутби кампир кечаси кўзини юммай чиққан кезлари ҳам азонлаб туради. Энг аввал — Мардонқул тургунча ҳовлининг бир бурчагидаги қоровул — сичқондек кучукка бор нўғраб беради. Кейин, шундоқ сўрининг лабида турган мушукнинг косачасидан хабар олади. Сўнг Мардонқул билан нонушта қилади. Нонуштадан кейин Мардонқул қўлтиғига шахмат тахта-сини кистириб эшикка йўналади.

— Бир ўйнаб келай.

Қутби кампир эрталабдан кайфияти бузилиб, қовоғи уйилади.

— Ҳа, шахматдан ажрама! — дейди у пиёлага чой куйиб бўлгач, чойнакни тўқиллатиб кўяркан. — Қачонгача шундоқ юрасан? Рўзғор йўқми сенга, тирикчилик йўқми? Мудом беш ёшли боладай ўйнаб келай дегани уялмайсанми?

Мардонқул орқасига бир қараб қўяди-ю, бепарво қўл силтаб чиқиб кетаверади. Қутби кампир Мардонқул билан фақат эрталаб гаплашишга улгуради. Қолган вақтларда ўғли ё ҳушида бўлмайди ёки уйда бўлмайди. Қилмаган насихати қолмаган, фарибнинг орқасидан қу.

Ҳозир Қутби кампир ўғлининг орқасидан қараб қоларкан, ўзича ўйлади: «Бошқа гапирмайман, — айтганим билан қилармиди? Хотини бўлмаса, бола-чақаси бўлмаса, ниманиям ўйласин бошқа? Ичса ўзининг топганига ичади-да...»

**О**датдагидек Мардонқул шу кетганича кечқурун қайтди, зўрға оёқда турарди. Қутби кампир ҳеч нарса демай кўрпача солиб, лўла-болиш ташлади. Мардонқул ўзича нима-ларнидир валдиради-ю, кейин пинакка кетди. Нимқоронғи, жим-жит уйда фақат соатнинг чиқиллашигина эшитиларди. Соатнинг шовқини Мардонқулнинг безовта қилмасин деб, ўзининг хонасига қақариб қўйди. Қутби кампир бундай пайтларда ўғлининг уйғонишидан кўрқиб, шундай эҳтиётлик билан ҳаракат қилардики, гўё йиғлоқ чақалоғини зўр машаққат билан ухлатган-у, уйғониб қолса яна уни овутишдек қийин бир муаммо бошига тушадигандек эди.



Қутби кампир жойига зўрма-зўраки чўзилди. Хотиротга берилиб чолини эслади. «Раҳматли чолим ўлмаганда ҳамма нарса бошқача бўлармиди. Мардонқулни шу ҳолига ҳечам ташлаб қўймасди. Отасидан ҳайиқиб ичишням ташлармиди. Э худо, мабодо ўлиб-нетиб кетсам, бечора болам ёлғиз қолади. Бирорта бевага кўнсаям майли эди. Кирини ким ювади, овқатини ким пишириб беради бунинг?»

Қутби кампирнинг кўзи тўрдаги тахмондан жой олган сандиққа тўшди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Анча йиллар олдин яхши ниятлар билан олинган, лекин ҳамон худди янгидек ярақлаб турган бу сандиқ ҳозир ҳам келиннинг сеплари билан тўла. Эҳ-ҳе, Қутби кампир қачондан буён келинга умидвор, қачондан буён сандиқни авайлаб-асраб келади. Уйдаги энг катта хазина шудек, бирор жойга ётадиган бўлиб ҳам бормайди, уйим хилват, деб дарров ортига қайтади. Ҳар йили ёзда сандиқни ағдариб, куя емадимикан, деб кўради. Қутби кампир чуқур уф тортиди. «Барибир ўйлантириш керак, ўшанда кўнглим тинчийди».

Кампирнинг кўзи энди илинган экан, эшикнинг гийқиллашидан уйғониб кетди.

— Етувдингизми? — Мардонқул Қутби кампирнинг чўзилганини кўриб, эшикни қайта ёпиб қўйди.

«Ҳуши ўзига кепти шекилли», ўйлади Қутби кампир ва папирос тутуни қоплаган Мардонқулнинг хонасига ўтди, гапирмайман, деб ўзига ваъда берган бўлса-да, оғзининг бир учига папирос қистирган Мардонқулга оғиз очди:

— Шу аҳволингдан уялмайсанми?

— Э, кўп гапирманг, — деди Мардонқул қизарган кўзларини зўрга очаркан.

— Нимага гапирмас эканман, болам. Ахир бир оёғимни гўр тортиб турган бўлса. Уйлаб кўрсанг-чи, ўлганимдан кейин ҳолинг нима кечади?

— Ҳали ўлимдан гапирмай туринг... — Бўладиган кор-ҳолда бу, болам. Улганимдан кейин кўмадиган ҳам сен. Аммо тўн кийиб, ана Фазила «пошшо»нинг фарзандларидек, қаторга қўшилиб йиғлаб турсанг ҳам жон дердим, — дея олди Қутби кампир кўз ёшларини артиб.

Мардонқул тутақиб кетди.  
— Ейишга бирор нарса борми?!  
Яна гапирмоқчи бўлган Қутби кампир жаҳл билан бир товоқчада шавла опкириб қўйди-ю, папироснинг қўланса ҳидида ортиқ туролмай чиқиб кетди.

Гарчи ичган кезлари ҳам мушукка озор бермайдиган Мардонқул кейинги пайтлар онаси билан айтишадиган одат чиқарди. Унинг яна чақа маст, уст-боши лойга чунон булғанганини кўрган Қутби кампир индамай туролмади.

— Бу нима бало, ҳамма жойинг расвойрадди! Қачонгача ичиб ўзингни билмай юрасан, болам?!

Ўзини қалқиб кетишдан зўрга тутаётган Мардонқул бефарқ кўзлари билан кампирга қаради.

— Мен неччига кирдим, айтинг, — деди у тўсатдан ўшқариб, қўлини кўкрагига гурсиллатиб ураркан. — Элликка-я! Хўш, тоқайгача ақл киритиш билан шуғулланмоқчисиз?

— Қачон ўлсам, кейин тинчийсан, — деди секингина ўглининг дўқидан саросималаниб қолган Қутби кампир.

Мардонқул хонаси томонга сандираклар борадиган:

— Элликка кирган одамга панду насиҳат нимаси? Ёш боламанми? Менга ҳеч қандай хўжайин керак эмас, — деб тўнғиллади. Мардонқул анчагача гўлдиради, Қутби кампирни ёнига чақирди.

— Ойи, бу ёққа қиринг, Каримбойнинг гапини айтай.

Кампир кирди. Мардонқул ўша кийими билан ёнбошлаб олган, гаплари алқаш-чалқаш чиқарди:

— Менга Каримбой айтадики, анави эридан чиққан Саломатни хотин қилармишман.

— Тўғри айтибди, бечора, — деди бирдан очилиб Қутби кампир, — Саломат яхши хотин. Эри бекорга ичиб келавериб гулдай жувонни ўздан совутди.

— Нима?! — Мардонқулнинг кўзлари олачакка бўлиб хонасидан ирғиб чиқди. — Ақлимни еганим йўқ. Каримбойга: «Агар Саломатга эр тополмай ётган бўлсанг, ўглинга овер» дедим!

Қутби кампир ёқасини ушлаб қолди.

— Ё алҳазар, ё алҳазар! Хоҳламасанг, йўқ дегини қўйгин. Сен қим мажбур қилапти. Бунақа чакки гап қилишнинг ҳеч кераги йўқ эди, болам.

— Бўлмаса оғзига қараб гапирсин!

Эртаси кунини Қутби кампирниқига магазинчи Каримбой семизлигидан ҳарсиллаб-ҳансираб кириб келди.

— Хола, сизда гапим бор эди.

— Кел, Каримбой, нима бўлди?

Каримбой гапини нимадан бошлашини билолмай бироз каловганиб турди-ю, бирдан мақсадга ўта қолди:

— Мардонқулнингиз жонимга тегди. Тунов кунини икки шиша ароқ олувди. Қайтимини хаёл билан камроқ берибман шекилли, арзимас чақа деб ёқамдан олса бўладими? Дод десамам қўйиб юбормайди, вой десамам. Сен ҳаромхўрсан, дейди. Менга қолса, қулоқ-чаққасига туширардим-ку-я, аммо маст билан тенглашиб нима обрў топардим. Ароқ топиб берсамам бир бало, топиб бермасамам бир бало. Шартта мелеса чақирай дейман-у, сизнинг юзхотирингизни қиламан-да, хола.

— Мелесага нима бор, болажоним? Билман, Мардонқул чакки даҳанроқ, бекишан жинни-ку у. Сиз мен кампирнинг ҳурматини қилинг, жон болам! Мелеса-пелеса деб ўтирманг!

Каримбой ночор чиқиб кетди. Эрталаб Қутби кампир Мардонқулга яна «дарсини» бошлади.

— Яхши бўлсам-да, болам, Каримбой билан нега ёқалашдинг? Одамлар нима дейди?

— Яхши қилдим, — деди Мардонқул кафтидаги носни оғзига ташларкан. — Ҳаромхўрлик қилмайдиган бўлади.

— Ҳа, жуда яхши қилдинг! — деди Қутби кампир кесатиб. — Одамлар ўртасида гап бўлмадинг, калака бўлмадинг! Рангу раҳматингга бир қара!

Мардонқул жавоб бермай «беломор»ни тута бошлади. Қутби кампир тутундан юзларини буриштирди.

— Бу нима бало! Ё носни чек, ё папиросни! Ё тавба, худди паровознинг буғидай пағиллатиб тутун чиқаради-я!

Қутби кампир гоҳо зериккан пайтлари Нигор ахборотчиникига ўтади. Бугун ҳам дугонаси уйда экан. Нигор ахборотчи невараси сузиб келтирган қайноқ шўрвани шопириб ичаркан ўглини мақтай кетди-да сўнгра:

— Мардонқулнингизам Каримжонга ўхшаб миясини ишлатганида катта магазинни бошқариб, давру-даврон суриб ётарди, — деди. — Ана, ҳозир қаранг! Мардонқул киму, Каримбой ким?

Нигор ахборотчи гоҳида Қутби кампирнинг ярасига туз сепгандай Мардонқулни ўзининг арзандасига таққослаб нуқсонларини бичади. Қутби кампир ҳам минг машаққат билан арзандасининг фазилатларини қидириб топмоққа ҳаракат қилади, аммо уддасидан чиқолмайди.

Ниҳоят Қутби кампирга ҳам гап навбати тегди. У кечаги тўйни тўлқинланиб гапира бошлади:

— Ана жойу ана жалол! Бу иморатлар, бу уйлар! Келиннинг сепини айтмайси, топпатошни қирқта қўйлақ. Маърақаси зўр ўтди, одамга йўл йўқ.

— Уни кимсан, катта ревизор дейишади, — маълумот бера бошлади Нигор ахборотчи, — дабдабали тўйни у ўтказмаса, ким ўтказсин?  
— Лекин, — деди Қутби кампир, — беш-олтита кампирга қолганда битта мошина топиб беролмади-я. Агар Мардонқулим бўлмаганда бизларам пиёда келардик-да, дугона!

Қутби кампир омади гапда ўглининг ижобий сулқати топилганидан ғурурланиб қўйди.

— Ҳа, баъзан Мардонқулнингизга ўхшаган беобрў одамларнинг бўлгани ҳам яхши, — де-

ди Нигор ахборотчи. — Жанжал-тўполон бошланганидан кейин машина топиб беришга мажбур бўлишди-да.

— Ёмон деб ном чиқарган билан валламат, бечора болагинам, — дея олди холос Қутби кампир.

Кунботарда Мардонқулдан дарак бўлавермагач, Фанибойниқига ўтган Қутби кампир уй бекаси Зарифа билан дардлашиб, андак кўз ёши тўкиб олди.

— Нима қиласиз энди, хола. Ароқхўрга қонун йўқ. Ичсам мағал кўтармай жимиб ухлаганига шуқур қилинг, — юпатган бўлди Зарифа.

— Қаёқда, ҳозир оғзини эпполмайдиган бўлган, келинжон. Кунун мен билан айтишади. — Қутби кампир кўз ёшларини рўмолининг учларига артиб олди. — Бошқа фарзандларим бўлганида шунинг иллатию, омонатига муте бўлиб ўтирардим. Юрагим соб бўлди...

Шу пайт Фанибойларниқига оёғида зўрга турган Мардонқул бостириб кирди. Ҳеч кимга қарамай Қутби кампирга ўшқирди:

— Юринг, уйга!

— Қўйинг, ўтирсинлар, Мардон ака, — кўрқиб-писиб деди Зарифа.

— Узиниям уйи бор, уйда ўтирсин, — кўрлик қилди Мардонқул. Кейин яна Қутби кампирга қаради, — Туринг деяпман!

Фанибой чидаб туролмади. Фазабланганидан сенсираб юборди.

— Йўқол, ўша уйингга ўзинг!

Мардонқул эса Фанибойни азалдан сенсирадди:

— Сен жойингда жим ўтир, — деди у қўллари паҳса қилиб. — Мен оймимга гапираяман.

— Ойингни ўрнига мен гапираман, — бўш келмади Фанибой, — чиқмайдилар ойинг! Сен одамга ўхшаб юрсанг ўтиради ёнингда.

Мардонқул Фанибойнинг устига бостириб кела бошлади.

— Айт, сени ким хўжайин қилди бу ерга?

— Мен хўжайин эмас, кампир хўжайин эмас, унда ким хўжайин сенга ўзи?

Фанибой Қутби кампирнинг олдида пачакилашиб ўтиришни эп кўрмади.

— Уйингга юр, гаплашамиз!

Иккаласи чиқиб кетишди. Қутби кампир уларнинг ортидан эргашаётган эди, Зарифа ушлаб қолди.

Қутби кампир юрак ютиб уйга кирганида ҳам кайфдан, ҳам муштлар зарбидан узала тушган Мардонқул ёстиқсиз, кўрпачасиз сўрида тарракдай қотиб ухларди.

...Қутби кампир арзандаси кўзини очгунча чироқни ўчирмай пешонасида ўтириб чиқди. Фанибой шу пайтгача Мардонқулга ҳеч бундай муомала қилмаган эди. Қутби кампирнинг ҳам айтганини ерда қолдирмай қўлидан келганча қарашиб ғамини еб келарди. Барибир ҳозир негадир Фанибойдан хафа, жудаям хафа эди кампир.

Гулистон



# Отамнинг ёрқин сиймоси

Отам оламдан кўз юмганига ўттиз йил бўлди, бироқ мен ҳамон биз бирга бўлганимиз ўша кунлар ёди билан яшайман. У манам учун ҳалоллик ва садоқат билан халққа хизмат қилишнинг ҳам-мишалик ёрқин намунаси. Ўз навбатида халқимиз уни меҳр ва ихлос туйғуларига чулғади.

Туғма артист эди у. Ажойиб овози, ёрқин истеъдоди турли хил соҳаларда ҳам намоён бўларди. Қадимий миллий куйларни дуторда назокат билан хониш қилиш-нини, шарқ мусиқасини бутун жилолари билан нозик ҳис эти-шини унинг ҳозирда ҳаёт дўст-лари ҳамон яхши эслайдилар. У ниҳоятда чаққон, уста қилич-боз эди. Саҳна маҳоратининг барча усулларини пухта эгалла-ган эди. Лекин у ёзувчилик истеъдодидан ҳам бенасиб бўлма-ганлигини, унинг пьесаси асосида саҳналаштирилган «Аваз» спек-такли ўттизинчи йилларда Ҳамза номли театрда муваффақият билан намоён этилганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Буларнинг барчасини фавқу-лодда табиий истеъдод билан изоҳлаш мумкиндир, бироқ улар-ни равнақ топтириш ва рўёбга чиқариш жуда катта ирода ва меҳнат машаққатини тақозо этарди. Мен деярли Ҳамза номли театр бағрида ўсдим, унинг тўн-ғич авлоди вакилларини яхши биламан ва артистлик меҳнати-нинг нақадар оғирлигидан бо-хабарман. Ҳамма дам олишга қайтаётганида артист учун иш куни бошланади. Бирор кеч ҳам уларнинг бўш вақтлари йўқ. Эрталабдан яна машқлар давом этади, зеро ижоддан ташқарида кечган ҳаёт артистни карахтли-ка маҳқум этиши мумкин. Оддий хизматчидан ҳам паст ҳақ эва-зига артист иккиёқлама — ҳам жисмонан, ҳам маънавий жи-

ҳатдан оғирчиликларга дош бе-риши керак. Саҳнани чинакамига севган ва ўз халқига чексиз садоқатли ижодкоргина ана шу машаққатларга ўз ихтиёрича ро-зи бўлади.

1951 йилда 51 ёшли отамни врачлар пенсияга чиқардилар ва шу пайтдан бошлаб, «Отелло» спектакли ҳафтада бир марта ўйналадиган бўлди. Отам бу рол-ни 500 марта саҳнага олиб чиқди. Ва ҳаммиша театр зали одамга лиқ тўла бўлди, ҳайрат овозлари, қарсақлар ёғилар, саҳ-на юзи гулларга тўлиб кетарди. У эса хориган ва чарчаган кўйи ярим кечаси кириб келар, фа-қат кўзларидаги ёлқингина бах-тиёрликдан масрур эканлигини кўрсатиб турарди. 1958 йилнинг апрелида 500-морта ўйналган спектаклдан парчаларни кўрган киши 16 йил давомида бу тим-солга сайқал берган Аброр Ҳи-доятловнинг маҳоратидан бир зум-гина воқиф бўлади, холос. Шу-нинг учун ҳам Англия парла-мент делегацияси Шекспир вата-нида ҳам ҳеч ким ҳеч қачон Отеллонини бу қадар истеъдод билан ўйнамагани ҳақида эътироф этганлар, буюк Папазян ва Хо-рава унинг қаршисида бош эгган-лар.

Ўша пайтларда уни саҳнада кўрган кишилар ўзларини бах-тиёр ҳис этганлар, чунки унинг сиймосида куч-қувватга тўлган улугвор ёрқин санъатнинг гуво-ҳи бўлганлар. Мен спектаклни ўттиз мартагача кўрган кишилар-ни, унинг барча монологлари-ни ёддан билган одамларни, бу мўъжизани ўз кўзлари билан кўриш учун олис шаҳарлардан махсус йўлга чиққанларни бил-лардим. Лекин саҳнада бу қадар маҳоратга отам қанчалар буюк меҳнат эвазига эришгани жуда озчиликка маълум.

У рол ўйнайдиган кун ҳамма-миз учун ҳам ўзига хос кун ҳисобланарди. У саҳарда — соат олтиларда ўриндан турарди. Еттиларга қадар боғда у-бу юмуш билан банд бўлар, сўнг нонушта-га ўтирар, кейин эса хонага кириб кетиб, ҳар бир воқеа, кичик саҳ-на, монолог ва луқмаларни бир-бир қайтарар, ҳар бир сўзнинг тиник ва аниқ талаффуз этили-шига интиларди. Бундай машқ кундузи соат бирга қадар давом этарди. Кундузи соат иккида эса, оиламизнинг садоқатли ва сахо-ватли хизматчиси Файя опа ош сузар ва ҳаммамиз дастурхон атрофига ўтирардик. Отам бу аснода ҳеч кимга деярли сўз қотмас, бутунлай ўз роли огуши-да бўларди. У фақат ҳар бири-мизга диққат билан разм таш-лар, гўё ўз ролига сингдириш учун ҳар биримиздан алланар-саларни қидираётгандай бўлар-ди.

Соат тўртда уйдан чиқиб, театрғача яёв борарди. Соат беш яримда уни сартарош Виктор ку-тиб олар ва бир соат мобайни-да грим қилиш билан шуғулла-нарди. Спектакл ўйинлари у пайтларда етти яримда бошла-нарди. Отам ярим соат мобай-нида чуқур ўйга чўмганича жим ўтирар, еттида секин ўрнидан туриб, ҳар бир қадамини ўлча-гандай саҳна томон юрарди. Ҳар бир қадам уни саҳнага яқинлаш-тирар ва ҳар бир қадам олижаноб ва ҳалол, соддадил ва ишонув-чан ҳабаш ички дунёсига олиб кирарди. Соат еттию ўттизда эса, у шуҳрат ва бахт ёғдусини тара-тиш учун саҳна бағрига оти-лишга шай бир ҳолатда турар-ди. Тўрт соат давомида зал тўла томошабинларни бутунлай ўз ҳукмида ушлаб турар, оҳ уриш ва ҳайратдан ёқа ушлашга маж-бур этарди. Спектакл ниҳоясига

етгач, зал бир лаҳзагина сув сепгандай жимиб қолар, орадан яна бир неча дақиқа ўтиб, ўзига келган халойиқнинг ларзакор қарсақларидан зал титраб ке-тарди.

Ўзи эса яна бир кун рол таъ-сирида бўларди. Унинг бутун ҳаёти ана шундай давом этганди.

Дарҳақиқат, у ҳаётда ҳам худ-ди Отелло янглиғ тўғрисида ва ҳалол инсон эди. Бирор марта ҳазил учун ҳам ёлғон сўзлага-нини мен эслолмайман. Бировни мазах қилиш ёхуд кишилар нуқ-сонидан кулиш унинг учун ёт эди. «Агар ёру дўстинг сени ҳур-мат қилсин десанг, ҳеч қачон ёлғон гапирма», дегувчи эди отам.

1921 йилдан партия сафларига кириб, 37 йил давомида унинг содиқ аъзоси бўлди. У ўша пайт-лардаги коммунистларга хос ҳаёт кечирди, мен бу ўринда, коммунистик ахлоқ талаблари-дан бироз бўлса-да чекиниш аёвсиз жазоланадиган 30-40-йил-ларни назарда тутаяпман, яъни ҳамма Ватан ва эртанги кун илинжида яшарди. Биз ҳам иш ҳақиқа таяниб кун кечирардик. Оғир кунларда баъзан қарз-ҳаво-ла билан рўзгор тебратишларини ота-оналаримиз биздан яшириш-масди. Бу ҳол биз болаларда уларнинг ҳалоллигига ишонч туйғуларини мустаҳкамлар эди. Онам — СССР халқ актрисаси Сора Эшонтўраеванинг бирор қимматбаҳо тақинчоғи бўлмаган. Онамнинг фақат 1953 йилдаги-на олтин халқа сотиб олганла-ри ёдимда — хонадонимизда байрам бўлиб кетган эди.

Атрофимизни ўзига тўқ киши-лар қуршаган бўлсалар-да, биз-лар — болалару катталар ҳасад туйғусидан батамом йироқ эдик. Отамнинг билган-нетгани — иш, ижод, театр эди. У саҳнасиёз, театрнинг ҳидисиз, ҳамкор ҳам-касбларисиз ўз ҳаётини тасаввур эта олмасди. Ана шундай буюк ҳаёт оқими қаршисида барча ялтираган ва буюм ҳолидаги қимматбаҳо нарсалар ўз туси ва аҳамиятини йўқотар эди. Ким-ларгадир бу сўзларим эриш тую-лар, лекин отам биз учун халқ-қа садоқат билан хизмат қилиш-нинг ҳаммишаликка ёрқин наму-наси бўлиб қолаверади.

Гога ҲИДОЯТОВ,  
профессор, тарих фаилари док-тори

## ЗАЛВОРЛИ ҚУШЛАР



Мабодо кўпчиликдан, энг залворли қушлардан қайси-ларини биласиз, деб сўра-сангиз, шубҳасиз, оқуш, бур-гут ёки калхатларнинг номи-ни тилга оладилар. Ҳақиқат-дан ҳам бу қушлар анча улкан жониворлар жумласига кир-дилар. Аммо ер юзида ка-майиб кетган бўлса-да тувалоқларни ҳам унутмаслик ке-рак.

Аслини олганда, она сайё-рамизда улкан, залворли қушларнинг турлари жуда кўп. Масалан, Африка тувало-ғи — корининг эркаги йигир-ма килограммлик тошни бо-сади! Ҳозир бу қушларнинг

13—15 килограммиларини учратиш мумкин. Оққушлар-нинг оғирлиги кўпи билан тўққиз килограммга етади. Энг катта калхатнинг оғир-лиги 14 килограмм. Ҳисоб-китобларга қараганда, учадиган қушларнинг ўртача оғир-лиги 6 килограмм экан.

Туяқушлар ҳам энг залвор-ли қушлар сирасига кирарди. Африка туяқушининг эркаги 135 килограмм келади. Шу-нингдек, америка нандуси-нинг оғирлиги — 25, австра-лия эмусининг вазни — 40 килограмм келади.

Сиз суратини кўриб турган мана бу қушнинг сомон ти-

қилган танаси Лос-Анжелос-даги тарих музейида сақлана-ди, уни қушлар қолдиқларини қазиб ўрганадиган таниқли америка олими К. Кэмпбелл қайта шакллантирган. Мута-хассис олимнинг фикрича, ар-гентовис деб аталган бу қуш-нинг қаноти ёзилганда 6—8 кулочга етар экан, бўйи бир ярим кулочдан зиёд, оғирли-ги — 120 килограмм экан. Аргентовис бўйининг узун-лиги ярим кулоч, патларининг узунлиги бир ярим кулоч бўл-ган экан. Шунча баҳайбат, залворли бўлишига қарамай, аргентовис бемалол уча ол-ган.

СССР Давлат мукофоти нишондори, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Уста Маҳмуд Усмонов

Р. НУРИНБОЕВ сурати

Бухородаги 8 Март номли зардўзлик фабрикаси маҳсулотлари ҳамisha кўрган кўзни қувонтиради.

Л. ПЕТРЕНКО сурати



## «БОБУРНОМА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИГА


Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. Кайдаловнинг «Бобурнома»га ишлаган асарларидан намуналар

XVI асрда «Бобурнома» асарига ишланган мўъжаз (миниатюра) расмлар.



Мутолаа дақиқалари.

Бобур қулаи овида.




Машғала кўтарган Бобур.



Бобурнинг «Осойиш», «Оройиш», «Гунжойиш» ва «Фармойиш» номли қайиқлари.







Самарқанд. Шердор мадрасаси  
В.КЛЕПКО сурати



Кушон қалъасининг қолдиқлари  
И. САЛОҲИДДИНОВ сурати

# ШЕРДОР

**У**мри боқий, гоятда нафис, жозибадор обидалар неча асрлардан буён кўхна Самарқанд кўркига ярашиб турибди. Не бахтки, бугунги авлод улар билан ҳақли равишда фахрлана олади. Хориждан ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ эса, бу обидаларни бир бор кўрмоқ, улуг боболар қадамжоси бўлган Самарқанд заминини зиёрат қилмоқ илинжида бўлади.

Бу гал биз ана шу бобомерос осори атиқалардан бири — Шердор мадрасаси пештоқидаги ёзувлар сири ҳақида, уни қурдирган ва қурган аждоқларимиз — мусаввир ва муҳандислар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Шердор мадрасаси 1618 йилда Самарқанднинг ўша даврдаги ҳокими Баҳодир Ялангтўш амри билан қурдирилган. Мадраса пештоқидаги Шер, Оҳу ва Қуёш тасвирларининг маъноси шуки, қуёш шамсий йилининг бешинчи ойи — асад (шер), ўнинчи ойи эса жаддий (кийик-оҳу)дир. Асад ўн

икки бурж ойларининг буржи оташ, яъни ёз ойлари туркумига кирса, жаддий буржи об — қиш ойларига тўғри келади. Демак, мадрасанинг қурила бошланиши ва тугалланиши шу даврда кечган. Мадрасани муҳандис (уста) Абдужаббор ва мусаввир Муҳаммад Аваз бунёд этганлар. Унинг пештоқида шер акси бўлганлиги учун Шердор (шер акси бор) деб ном қўйишган. Ўша замоннинг етук шоири Мир Ҳожи Самарқандий томонидан форстожик тилида ёзилган қасида мадраса пештоқида чиройли қилиб кўчирилган:

*Амир сафдари одил  
Ялангтўш, ки омад.  
Пай мадеҳи камолаш  
Забони ноғика дурдур  
Винои мадраса кард  
Ончунонки заминро  
Ба лавҳи чарх расонид  
аз он ливои тафоҳур.  
Бу сонҳо нарасад бар  
Фарози тоқи равеш,  
Ҳарифи пурфани андеша  
Бо каманди тафаккур  
Бо қарнҳо нарасад бо*

*сари манори манлаш,  
Уқоби ақл ба нерую  
саъю боли тадаббур.  
Чу раст кард муҳандис  
намунан ҳами тоқаш  
Фалак зи моҳи нав  
ангушт мегазад зи таҳайюр  
Ялангтўш Баҳодир чу  
дар бонкаш омад:  
Ҳисоби соли банояш  
«Ялангтўш Баҳодур».*

Қасиданинг маъноси қуйидагича:

«Душман сафларини бузувчи одил Ялангтўш келди. Унинг мадҳига зўр нотик керакки, у ер юзида шундай бир мадраса қурдики, Чархи осмон бу жилдор бинони кўриб ҳайратда қолди. Неча йилларда ҳам тафаккур арқони ила доно ҳариф (айёр ўғри) бино устига етолмас; неча қарн (1 қарн 30-35 йилга тўғри келади)ларда ҳам ақл бургути не тадбир билан тиришмасин, мадрасанинг порлоқ қуёшига етолмас; Меъмор уни шундай қуруб-дурким фалак бу ердаги ойни кўриб кўкдаги ойга нисбатан хушрўйлигининг бармоқ тишлаб қолади; Уни барпо этган Ялангтўш Баҳодурдурким ва унинг қурилган йилини ҳам абжад ҳисобида «Ялангтўш Баҳодур» деб билингизлар».

Ялангтўш Баҳодир сўзларини абжад ҳисоби билан сонларга айлантурсак 1028 ҳижрий йили ёки 1618 милодий йили келиб чиқади. Демак, мадраса 1618 йилда қурила бошлаган.

Умуман Самарқанд шаҳри Темур, Улуғбек ва Ялангтўш Баҳо-

дур ҳокимлиги даврида ободонлаштирилган; илмуфан ва меъморчилик ривожланган бўлиб, «Тиллақори», «Улуғбек», «Биби-хоним» сингари бетакрор мачит ва мадрасалар ўша даврда сайқал топган. Табиийки бундай серҳашам, умрибоқий ва салобатли обидаларни қуриш осон бўлмаган, негаки ўша пайтда қурилиш ишлари асосан қўл кучи билан бажарилар эди.

Бино деворидаги ўчмас бўёқларнинг-ку таърифи йўқ. Кўзулар лол, ақл ҳайрон. Лекин, энг ачинарлиси шу бўлаптики, кейинги йилларда қаровсизлик оқибатида «Шердор» мадрасасининг сувоқлари палахса-палахса бўлиб кўчиб тушаётибди. Қайта таъмирланган жойлари эса бир йил-ярим йил нари-берисида нураб кетаяпти.

Энди таъмирлашнинг пишиқпухта йўлини ўйлаб топиш обидаларнинг бетакрор безакларини шу ҳолда сақлаб қолишга, нодир мерос — мадрасаларнинг умрини янада боқийлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун албатта катта миқдорда маблағ зарур. Шу ўринда бир тадқиқотчи сифатида нафосат тимсоли бўлган шаҳримизни томоша қилишга ташриф буюрган саёҳатчилардан тушган маблағнинг бир қисмини таъмирлаш ишларига сарфлашни йўлга қўйиш ҳар қачонгидан зарурлигини таъкидламоқчи эдим...

Комилхон КАТТАЕВ,  
тадқиқотчи тарихчи

Самарқанд

## Даромадга яраша буромад

Излаган тадбир топар экан. Эргаш ака ҳам ана шундайлардан. Ишбилармон, тадбиркор, меҳнат қилишни ҳам, ҳузур қилиб яшашни ҳам биладилар. У киши айни пайтда Пойарик ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги қошида очилган «Инқилоб» ширкат хўжалигини бошқаради.

Ширкатчилар ўтган йили давлатдан эллик минг сўм олиб, иш бошлаганди. Дастлаб 42 бош мол сотиб олинди. Шундан 20 боши соғин сигирлар, қолгани бўрдоқига боқилади. Битта трактор ҳам харид қилдилар. Замонавий фирмада техника бўлмаса иш оғир кўчади-да!

«Қорчатов» кенгликлариде яйратиб боқилаётган жониворлардан кунига 10—12 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Утган йилнинг сўнгги тўрт ойида давлатга 15 тонна сут, 4 тонна гўшт топширилди. Даромад яхши бўлди.

Оила етакчисининг уddaбурунлиги хонадонга файз, қут-барака олиб келмоқда. Ейиш-ичиш жойида, кийим, уст-бош етарли.

Соғувчиларга Эргаш аканинг умр йўлдоши, Муҳаббат ая сардорлик қилади.

Суратда: Ишбоши Эргаш Аҳадов ўғли Ширинбой билан.



Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ

Неъмат Аминов



КАХНАХА

## «КАХНАХА» ТИҒИ БИЛАН

Бугунги ҳажвчилигимизни ўйлаганда, даставвал Неъмат Аминовнинг ижоди кўз олдимизда гавдаланади. Кейинги йигирма йил давомида унинг олти ҳикоялар тўплами ва «Елгончи фаришталар» қўш қиссаси босилиб чиқди. У асардан-асарга ўсиб, ижодий баркамоллашиб бормоқда. «Қаҳқаҳа» тўпламида ҳажвчи ёзувчининг сўнги йилларда яратилган асарларидан намуналар киритилган. Айниқса, унинг аллақачон ноёб нашрлардан бўлиб қолган «Елвизак», «Суварак» қиссаларининг мазкур тўпламда қайта босилиб чиқиши ҳажвиегга муҳтож китобхонларни хушнуд этди.

Ҳар икки қиссада ҳам аччиқ истеҳзоли ижтимоий ҳажв жаранглаб туради. Гарчанд ёзувчининг ўзи асари ҳақида гапириб: «Мен тасвирлаётган типлар ҳаётимизда битта-яримта учрайди», деган бўлса ҳам, буни қандайдир даражада шартли равишда айтилган сўз деб тушунамиз. Баширжон Зайнишевга ўхшаш «орқатоғларга таяниб, мансабдан-мансабга кўчиб юривчи «мулойим оғриқлар» ҳамма ерда учрайди. Жамият ҳамиша халқ ҳаётини тобора яхшилаш борасида тинимсиз ғамхўрлик қилишни кўзлайди, бироқ унинг ниятларини қиёфасига ниқоб тутиб олган кишилар бузишга ҳаракат қилади. Халқ мулкини истаганча талон-торож қиладиган Зайнишев ва Шамси Тўраевичлар кўл остидаги ходимларни эгиб олиб, иш жойларида ўзларини ҳамешалик «ҳокими мутлақ»дай ҳис қиладилар. Улар бемалол пора бериб, пора оладилар, қалбаки ҳужжатлар уюштириб, давлат мулкини биргаллашиб талайдилар. Қиссаларда иштирок этган Баширжон Зайнишев, Қиёмиддин Муслимов, Шамси Тўраевич, Аскар Бакирович каби шахслар жамият қонунларини бузиб, ўз измларига соловган, қабих эҳтиросларини қондириш йўлида амал курсидан фойдаланадиган кимсалардир. Зайнишев ҳар сафар давлат мулкини ўмариб туриб, жавобгарликка тортилиш у ёқда турсин, аксинча, «дасти узун» акалонлари ёрдамида бошқа бир мансабга миндирилаверади. Ҳатто, райком ва райижроком аппарати ҳамиша Зайнишевларнинг хатти-ҳаракатларини зимдан қўллаб-қувватловчи ҳомийга айланади.

Ҳар икки қиссанинг асосий мазмунини Зайнишевнинг салбий фаолиятини ойдинлаштиришга бағишланади. Сиртдан қараганда, у дилкаш, рисоладаги одамдай бўлиб кўринади. Бироқ, чуқурроқ танишгач, унинг дилқашлиги замирида ўз манфаатини кўзловчи чучмаллик сезилади. Унда аслида раҳбарлик-

қа қобилият йўқ, бирор соҳа бўйича мутахассис ҳам эмас. Унда фақат раҳбарлик деган лавозим бор холос. Шу важдан у район маданият бўлимида ҳам, райижрокомда ҳам, суғурта идорасида ҳам, ДОСААФда ҳам, коммунал хўжалик ва умумий овқатланиш бўлимларида ҳам раҳбар бўлиб ишлайверади. У қайси корхонага борса, ўзини дадил тутиб, давлат қонунқондаларини бемалол бузаверади. Ноҳия маданият бўлими мудирлигида ишлаганда артистлар учун келтирилган зардўзи дўппи ва пойабзалнинг бир неча жуфтини уйига олиб кетади. Маҳаллий санонат бўлими мудирлигида эса, иши тушадиган ташкилот раҳбарларининг кўпчилигига пора тарзида темир дарвозалар куриб бериб, ялтоқлиги эвазига мўмай даромадларни кўлга киритади. Суғурта идорасида кўп хўжаликларга сохта актлар тузиб, давлатнинг катта миқдордаги маблағини ўмарилади. Бу жинойтларни Зайнишев билиб туриб қилади. Чунки мабодо ўғриликларининг чуви чиққудай бўлса, унинг учун қайғурадиган Шамси Тўраевичлар бор.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Зайнишев айрим раҳбарлар каби кўлга киритганини «туғлаб» тугадиганлардан эмас. У шунча ташкилотларга бошлиқ бўлиб, амалига мос данғиллама ҳовлилар сотиб олмайди, олтин-қумушлар йиғмайди, ҳатто унда шахсий енгил машина ҳам йўқ. У юлғичлик билан йиққанларини зўр бериб, «орқатоғ»ларига сарфлайди. У елиб-югуриб, хўжайинларининг пул билан битадиган ишларини бажариб юради. Шу йўл билан Баширжон ҳар доим бирор амалнинг бошини тутиб туради. Шу боисдан акаҳони Шамси Тўраевич қон босими ошиб, касалхонада ётганида, юз сўм бўлса ҳам чилонжийда сотиб олиб кўргани боради, ҳатто у хўжайин боролмай қолган тўй-тўйчиқларга унинг номидан қимматбаҳо совғалар ҳадъя этади. Шамси Тўраевичнинг айёрлиги, устамонлиги шундаки, у Зайнишевга ўхшаганларни «ёғлик» жойларда бекор тутиб турмайди. Чунки бундайлар балки «хўп-хўпчи» Баширжонларга ўхшаганларни ишга солиб, нафсларини қондирадилар. Зайнишев унадигани бўлса, ўндан тўққизини уради, жинойат устига жинойат қилиб, ишдан кўп марта ҳайдалади. Аммо ҳар сафар ундан ҳам яхшироқ лавозимларга тавсия этилаверади.

Мансабга ҳирс қўйиш, шунинг орқасида обрў олиш ва пиროвардида маънавий таназзул ёлғиз Зайнишевгагина хос эмас. Шамси Тўраевичлар, Қиёмиддин Муслимовлар, Аскар Бакировичлар, Ориф Хўжаевлар яшаган, Зайнишев ҳаракат қилган жамиятда текинхўрлик, молпарастилик, ёр-оғайничлик авжига чиқди. Улар жамиятимизда порахўрликни одат тусига киритди-

лар. Буларга қарши ҳукумат ўз вақтида изчил кураш олиб боролмади. Устига-устак, буларнинг ҳаммаси планинг бажарилиши билан ниқобланди. Бундай ясама сиёсат адабиёт ва санъатдан ҳам силлиқликни, воқеликни «бўяб, пардозлаб» тасвирлашни, танқид ўрнига мадҳиябозликни талаб қиларди. Қисқаси, бепарволик оқибатида ҳақиқат булоғи кўзига қуруқ сўз увадалари уюб қўйилди. Бу билан булоқ суви бутунлай қуриб қолмади. Биз бу увадалар остида булоқ сувлари қайнаб ётганлигини кўрдик. Мана шундай пайтда Неъмат Аминовнинг социалистик қонунчилик бузғунчилари бўлган Зайнишевлар тўдасини фош этиши унинг энг катта бадий хизмати-дан далолат беради.

Ҳажвчи ҳар икки қиссада гарчанд амал эшигига «елвизакдек оқиб», «суварак»лардек чопиб кирадиган Баширжон Зайнишевни қалақа қилиб кўрсатган бўлса ҳам, унинг тағ-мағзида бутун мамлакатга хос бўлган хунук хусусиятлар умумлаштирилган. Уни ўқиган ҳар қандай китобхон биз томонларда бунақа одамлар йўқ, деб айтолмайди.

Ёзувчи бундан аввал «Ҳаммаси равшан», «Муслим Алиевич», «Бобик», «Тарбиявий соат», «Жигари тўкилди», «Юмшоқ пластинка», «Чархпалак дунё» каби ҳикояларида ана шундай кимсаларнинг қиёфасини яратган эди. «Қаҳқаҳа»даги ҳар икки қиссада ҳам шу ҳикоялардаги барча сажиялар янада қабартриб, ёрқинлаштириб, умумлаштириб тасвирланади.

Асарда Зайнишев ўзининг мўғомбирлиги билан кишини эсида муҳрланиб қолади. У амал жиҳатидан андак баландроқ кишини кўрса, етти букилиб салом беради, шу билан бирга ўзи ҳам кўл остидаги одамларидан хушомад талаб қилади. Кимки астойдил товламачилик қилса, ўшанга моддий ёрдам кўрсатади. У Қиёмиддинни худди шу лаганбардорлиги учун «суғурта» идорасининг катта инспектори даражасига кўтаради. Бироқ, ҳалол ишловчи Солиховга кун бермайди, унинг қасдига тушади. У Солиховни ҳам ўзига муте қилиб олиш учун атайлаб шундай ҳикоя қилади: «Мен сизга айтсам, ука, менинг олтига эмчагим бор... Шундан фақат иккитасида сут бўлади, қолганларида ҳеч вақо йўқ. Яхши кўрган ходимимга сут чиқадиган эмчагини тутаман, ёмон кўрганимга эса... Хўш, сиз ҳам кўнглимни олсангиз, мен билан келишсангиз, маза қилиб эмиб юрасиз». Зайнишевнинг кўл остидагиларга шу хилда муомалада бўлиши, жуда табиий чиққан. Бугунги қайноқ ҳаёт гирдобидида ҳам ишига, амалига, пулига, мартабасига қараб жилва қиладиган Баширжонга ўхшаш одамларни кўплаб учратиш мумкин. Баширжон ва-

зиятга қараб турли турида. Уни иш столида ўтирганда бир кўринишга, у бамисоли шиддаткор бургутни эслатади. Бироқ худди шу бургут иш қозғаларини кўлтиқлаб, ўзидан каттароқ бошлигининг кабинетига борса, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолади. Унинг ўзига ёққан яна бир совуқ қилиғи бор. У ходимларига бўлар-бўлмасга қайсарлик қилади. Аммо у бирор ходимининг бўш келмаслигини сезиб, амалидан кетишини кўз олдига келтирса, дарҳол орқага қайтади, дарров мулойим тортиб, ўзи боярад қилиб турган фикрга қўшилиб кетади. У тўқнаш келган шахсларни эсга олайлик: «Баширжон дастлаб Хўжақулова билан, сўнг Холид Солихов билан, кейинчалик эса, шофёри Илҳомжон билан тўқнашади. Вазиятнинг қалтислигини билгани ҳаммо уларга ён беради, ишини силлиқ битиради.


Ёзувчи Зайнишевлар тўдасининг илму зиёга қай даражада қизиқшини сўзлаб, уларнинг пандномаларгагина сал-пал қизиқишига пичинг қилади. Бу билан ёзувчи қаҳрамонларнинг маданий савияси паст эканини ўқитиб кўрсатиш билан бирга, уларнинг маданий фикр қилиш тарзи ҳам ночор эканини кўрсатади. Жумладан, Зайнишев «тип», «догма» сўзларининг маъносини чақолмасга, Шамси Тўраевич «байт»ни бамисоли ейиладиган овқатдек ҳис қилади. Шу хусусиятларига қарамай, уларнинг сиёсатида учига чиққан демагоглик санъати бор. Улар партиязий-сиёсий жиҳатдан ниҳоятда эҳтиёткорлик қилади. Уларнинг бу эҳтиёткорлиги партиязий садақатидан эмас, ўзларининг тор худбиниятларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Жумладан, Шамси Тўраевич аслида даҳрий бўлмасга ҳам, киши кўзига ўзини динга қарши курашувчи коммунист қилиб кўрсатади, вазиятни доим ҳисобга олиб жуда нозик ҳаракат қилади. У гумаштасига доимо ўқитиб, қандай гуноҳ қилсанг қилгин-у, аммо партиязий билетинга доғ тегишма, агар партиязий турсанг ўт балосидан ҳам, сув балосидан ҳам қутқариб оламиз, қабилда таълим беради. Ана шу ниқобли эҳтиёткор Зайнишевни партиязий ўчиришмасайди, деб доимо безиллаб юришга мажбур қилади. Партиязий туриш Зайнишевлар учун ўғрилик, порахўрлик, юлғичлик, маиший бузуқликлар учун бир ниқоб бўлган.

Таниш-билишчилик асосига қурилган ҳаёт халқ турмушини издан чиқарди, оғирлаштирди, ишонсизликка етаклади: «Қаҳқаҳа»да тасвир этилган хунук ижтимоий манзаралар «зайнишевчилик»қа қарши қаратилган бир айбномадек жаранглайди. Неъмат Аминовнинг наздида, ўз халқининг бой ва бахтиёр яшашига қушанда бўлганлар-

(давоми 20-бетда)



# Осмон билан сўйлашадурман



Йўлдош ЭШБЕК

## АММА

Осмон мовий тортиб кетарди бирдан,  
Булбуллар келарди сайратса дутор,  
Шамоллар қўшиқ-ла қўзғолиб қирдан,  
Тўрғайлар қўнарди танбурига зор,  
Қорлар эриб борар чароғон Ердан,  
Ҳар йил баҳор келар: Муҳаммад Назар!  
Болалар беҳабар бу мунгли сирдан;  
Она хабар кутар, шаҳардан хабар.  
От кўринса отлар солиб қарайди,  
Ёт кўринса додлар солиб қарайди.  
Кундуз шабнам кипригида қалтирайди,  
Тунлар бошда қировлари ялтирайди.  
Қуёш кечда шошиб ботар катта қирдан,  
Қуёш неча ошиб ботар катта қирдан,  
«Кундай болам, нурдай болам, жон ўғлим...  
Жангга кетган. Бир кун қайтар катта қирдан».  
Уаун-уаун алвон-алвон йўллара,  
Эгри-бугри илон-илон йўллара,  
Маъюс-маъюс, нолиб-нолиб қарайди,  
Қирқ йилдирки, толиб-толиб қарайди.  
Бир қишлоқнинг боласига, каттасига,  
Кичигига, онасига, отасига,  
Амма бўлиб хушнуд қилар ҳаммани,  
Ҳамма тўлиб кўнглин овлар Амманнинг,  
Қишлоқ аҳли қисиб қўймас томоқдан,  
Тоza либос форигдир-ку ямоқдан,  
Бир эл уни Амма дейди, алқайди,  
Она дерди, жангга кетган қамоқдан,  
Ун беш ёшли, ширин эди ўғлони,  
Олди эди, шу қишлоқнинг полвони,  
Сайратганда ғижжак билан камонни,  
«Халқ душмани» сел қиларди ҳаммани,  
Яйратганда дутор билан найларни,  
«Халқ душмани» халқни хушдил айларди.  
Узун-узун, маъюс-маъюс йўллар-а!  
Шу йўллара сингган илдиз қўллар-а!  
«Мағриб томон кетганмиди мард ўғлим,  
Мард ўғлимни голиб руҳлар қўллар-а!  
Юзларига тортилади япроқ қўл,  
Қалтиради қақроқ қўлу, тупроқ қўл,  
Катта қирда қора ғамнинг оқ байроғи —  
Оққушқанот қасабанинг ҳўл титроғи...  
Ойлар кетар ой тўйига,  
Кунлар кетар кун уйига,  
Айланади, ўргилади бўй-бўйига,  
Етармикан бу кампирнинг чўнг ўйига.  
Мўлт-мўлт қилиб, қуриб кўзи қарайди,  
Қилт-қилт қилиб, юриб ўзи қарайди,  
Ҳассасига суянади, оқ рўмоли  
Оғирқанот шамолларда қилпирайди.  
Қатор-қатор норлар кетган, норлар кетган,  
Ситилишиб қаторлардан зўрлар кетган,  
Тоғдай буюк Туркистоннинг боши омон,  
Жангга кетган ўғлонларин кутар ҳамон.

## Куйлаб юборади бирдан бир дарахт

Куйлаб юборади  
бирдан...  
бир дарахт,  
Бир бахт исён қилар  
Қаҳратон Ғамга.  
Музлар эрий бошлар —  
кўзёшлари — бахт,

Яшил қушлар қўнар  
оппоқ оламга!  
Аёл чопиб кирар  
унут рўмолга,  
Дераза силкинар.  
Тўлиб кетар уй.  
Мовий осмон кирар  
кўзга,  
хаёлга.  
Элчилар қўшиғи: «қурриё,  
қурруй!»  
Болалар чопишар  
адрларга шод  
уйготиб бойчечак,  
қўзигулларни.  
Аёл энтикади...  
«Ҳаёт бу! Ҳаёт...»  
Уйготиб ҳисларни...  
сўзи гулларни.



Уйготиб деворни,  
гунгу лолларни.  
жарангдор қуёшни,  
муаттар ойни,  
Ширин момоларни,  
Мажнун чолларни...  
Томоша қилишар  
буюк бир тўйни,  
Қўйни илиб борар,  
Тўлиқиб борар  
Ва куйлаб юборар  
Бирдан бир Дарахт!

\* \* \*

I

— Тун бўйи алаҳлаб чиқди,  
Ҳарорат...  
ёриб юборибди лабларини ҳам.  
Тарвуз топиб келинг,  
Армон қолмасин,  
Одам бўлмайдами... қўрқаман.

Ва секин  
жуда ҳам секин  
бир йиғи...  
У, она!  
Саманнинг азони бўлган фарёди  
Тоғлар ошиб кетди.  
У, ота!

Шом.  
Тарвуз илинжида  
ғайри куч билан  
отилиб чиқаман истиқболига  
У, ота!

Гуноҳкор — бахтиёр  
табассумингдан!

Кўраман қип-қизил олмаларни мен.  
Туяман карсиллак овозларини.  
Брукча тутаман: ёқут!  
Тутаман қоронғуга: чўғ!

Ирғишлаб-ирғишлаб  
ғайри куч билан  
уйларга отаман  
бир хуржун олмага тўлади уй ҳам.

Қовлига отаман  
ғайри куч билан  
Олмалар... оппоқ қорлар узра  
қоннинг улкан томчиларидай...

кўринмай кетади  
азонга бориб

Она, мен ўлмайман,  
дейман уйғониб,  
гўё бир кечада улғайиб, —  
тарвуз эмас,  
олмалар керак,  
шуни истовдим —  
(«Вуниси ёлғон!»)

Гупиллай бошлайди  
ўлимни кўргиси келмаган юрак.

Ва йиғлай бошлаймиз,  
бувим,  
отам,  
онам,  
шўхликни соғинган укаларим ҳам...

Ва мен кетдим...  
ўлиб эмас!  
Тузалиб кетдим!

II

У, ота!  
Нолиш йўқ.  
Тишимни тишимга қўйиб яшайман.  
Турмуш экан.  
Болам касал бўлса, саман йўқ!  
Агар саман бўлса,  
ўзим касалман...



Бироқ мен дунёда энг бахтли одам!  
Айни керак маҳал,  
энг муҳтож пайтлар,  
тоғлар ортидан  
«Қизил олмалар»ни елкалаб  
остонамда бўласиз пайдо.

У, она!  
Улмайман,  
Лабларимни бўлган ҳарорат эмас,  
Ҳароратни ёриб ташлаган лабим.

У, ота!  
Тарвуз эмас,  
«Олмалар» керак!!!  
Шуни истовдим!..

\* \* \*

Оғу қўшса ғамлар қонимга,  
Мен кўп билан гаплашадурман.  
Ер ташвиши тегса жонимга,  
Мен кўк билан гаплашадурман.

Қуршовида майда зотларнинг  
Ўз ўзим-ла беллашадурман.  
Ташлаб фарёд, фиғон, додларни,  
Мен Ой билан тиллашадурман.

Ийглаётган ёмғирга ҳамдард,  
Қувнаётган қор билан дўстман.  
Ким меҳрибон удир хотам, мард,  
Қардош, сенга қон билан дўстман.

Кўнгли дарё, кетмагин ташлаб,  
Мен сен билан — жон билан дўстман.  
Душман эмас, дўст кетар ёшлаб,  
Душман — тунлар, тонг билан  
дўстман.

Ханжар каби санчилади сас,  
Сабр қилган сўз билан дўстман.  
Мени урган душманлар эмас,  
Душман бўлган дўст билан дўстман.

\* \* \*

Тарс-тарс ёрилади уфқ,  
Қон оқарми...  
Алвон йиртилар,  
Барибир юрагимда қулф,  
Кўзимга мезонми...  
суртилар.

Во ажаб...  
Эрта-ку ҳали мезонга,  
Дилимда нимадир синиб кетади.  
Бунчалар журъатсиз чиқдим азонга,  
Сурбет чумолиллар туртиб ўтади.

Осмон гувиллайди.

Менинг ташналигимни соғинар  
ёмғир.

Юрагимда нимадир увиллайди.  
Нимадир қалтирайди дир-дир.  
Юрагимда нимадир увиллайди —  
Совуқ қотган жонвор,  
Қандайдир меҳрибон.  
Совуқда учмайди,  
Ёмғирда учолмайди —  
Яна бир беозор,  
Митти жон,  
Ишққа зор.

Юрт осмони тўлиниб,  
бўлиниб боради,

Бу осмон!  
Бу осмон!  
Дурларга тордир.  
Замин томонларда бойчечакларми...  
Оқларми...  
Кўкларми...  
тинмай ёлборади,  
кўп интизордир.

## ОДОБ ТИЛИМИЗНИНГ УЧИДА

Ахлоқий анъаналаридан бири — самимий саломлашиш одобидир. Бу инсон маънавий камолоти учун зарур одатдир.

Эрталаб туриб юз-кўлларини ювиб бўлгач, кичик ёшдагилар ўзларидан катталарга, агар хонадонда меҳмонлар бўлса уларга «Ассаломуалайкум» деб салом беришдек эзгу одатимиз бор.

Биргина ассаломуалайкум борасида инсонга сиҳат-саломатлик тиллаш, унга ҳурмат-иззат кўрсатиш, яхши кайфият тиллашдек яхши ният мужассамлашган бўлиб, ўша дақиқада кишининг кайфияти хуш нуд тортади.

Саломлашиш ҳамма оилаларда, барча кишилар орасида мавжуд. Аммо саломлашиш даражаси ҳамма жойларда бирдек ва батафсил эмас. Самимий саломлашиш одатининг барча қондаларига риоя қилишда пойтахтимиз Тошкент шаҳри аҳлидан ўрнак олсак арзийди. Тошкентликларда саломлашишга болани энг кичик ёшидан оқ ўргатиб борадилар. Болаларига: «Қани, амакингга салом қилгин!». «Э, оппоқ, қизим, холангга салом

бергин», деб ўргатадилар. 1,5—2 ёшдаги болага саломлашишга катталар ёрдамлашадилар. Ёшлиқдан ўғил ва қиз болаларга баравар саломлашишнинг ўргатилиши туфайли катта ёшдаги хотин-қизлар ҳам салом бериб самимий ҳол-аҳвол сўрашга одатланадилар. Тошкентликлар ҳар бир киши билан навбат билан, алоҳида, шошмасдан саломлашиб чиқадилар, узоқда қолган қариндош-уруғларни, таниш-билишларни ҳам эслаб ўтишади, уларга салом айтишни илтимос қиладилар. Аввал кўришмаган, даврада янги киши бўлса саломлашиш аввал ўша кишидан бошланади, сўнгра бошқалар билан бўлади. Бу тартибда маъно бор, яъни янги кишини дарҳол даврага яқинлаштириш, унга далда бериш, ўзларига малол келмаётганини сездириш каби ниятлар ана шу маънога жойлашганлиги сезилиб туради. Каттага иззатда, кичикка ҳурматда бўлишга ёшлар доимо ўргатиб борилади аммо айрим жойларда саломга

етарли аҳамият бермаслик, баъзан эса беписандлик билан «салом» дейиш билан кифояланиш ҳоллари

борки, бундай саломлашишда кишиларнинг ўзаро яқинлиги, бир-бирини учратганидан хурсанд эканлигини билиб олиш қийин бўлади. Форғона водийси оилаларидан анъанага кўра жуда яқин қариндош бўлмаса хотин-қизлар эркаклар билан деярли саломлашмайдилар, хусусан, елкага қўлларини кўйиб кўришмайдилар. Ушандай саломлашишга ёшлиқдан ўрганилмаганлиги, тортиниш, хижолат чекиш ҳоллари учраб туради.

Салом бериш ҳар бир ўқувчи, ҳар бир студентнинг ўқитувчиларига, мураббийларга нисбатан ҳурмати, қолаверса, маорифат муассасалари жараёнидаги тартиб-қоидадир. Бироқ айрим ўқувчи ёки студентларда «ўз ўқитувчиси, ўз домласи учунгина салом бериш», шунда ҳам ўша ўз ўқитувчисидан маълум фандан имтиҳон ёки синовдан ўтиб кетиш мақсадинигина кўзлашдек носоғлом ҳолатлар учрайди. Иши битгач, собиқ устозлари олдидан бемалол саломсиз ўтиб кетиш, ҳатто кўриб кўрмасликка олиш ҳоллари ўшандай ёшларда учраб туради. Кеккайиш, манманлик, худбинлик каби ярамас иллат-

ларга ана шундай ёшлиқдан одобсиз ўсган ўқувчи ё студентлар келажакда мубтало бўлмаслигига кафолат йўқ. Баъзи студентлар ва ўқувчиларда «хелло», «привет», «қандайсан», «тирикмисан» деган қурма, одобга хилоф, чапаниларча саломлашиш шакллари ҳам мавжуд. Баъзи студентлар қўлларини баланд кўтариб, даллолларга ўхшаб қўлларини ортиқча силташ, елкасига уриб, силтаб тортиш ҳоллари борки, булар инсоний кўринишга хос эмас. Саломлашиш маданиятига кўра, қизлар аёллар эркакларга биринчи бўлиб қўл узатгач, эркаклар қўл бериб кўришмоқлари керак. Кўпчилик олдидан баланд овозда саломлашиш ҳам яхши эмас.

Хуллас, одобтилимизнинг учидан ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, уларнинг ёнидан саломсиз ўтмасликка ёшларимиз кўникишлари лозим.

Эркин ШАРИПОВ,  
Фалсафа фанлари номзоди.

Наманган.

«суварак» миждоз кимсалардир.

Асарда ҳажвчининг маҳорати яққол намоён бўлган. У ўз даври воқелигига ижтимоий жиҳатдан синчков назар билан қарайди. У ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини яроқсиз ижтимоий шароитнинг меваси сифатида баҳолайди. Шунинг учун ҳам унинг самимий тасвиротлари «зайнишевчилик»ка ўлим ҳукми бўлиб эшитилади. Бироқ Неъмат Аминовнинг услубида фақат яланғоч танқид эмас, лирика билан кулги ҳам омўхта бўлиб

келади. У, бир томондан, Бухоронинг бир бурчагида яшовчи ерли халқларга ачиниш билан қараса, иккинчи томондан, моддий бойликларни ўзларига қонуний йўл топиб, мужиб ётган тўдаларни кўриб, ундан нафратланади. «Зайнишевчилик»ни зимдан қўллаб-қувватловчи мансабдорларни ўйлаганда, уни қора хаёллар босади, бутун вужудидан заҳарханда истеҳзо ёғилади. Бироқ, Солиҳов, Исломога ўхшаш оддий кишилар тўғрисида сўзлаганда, ёзувчи яйраб

кетади. «Қаҳқаҳа»даги кулги маънодор кулгидир, унинг замирида сезилмас қайғу излари намоён.

Ёзувчи худбинлик ниятида мансабга эришганларнинг зарари фақат моддий жиҳатдан эмас, балки инсоннинг маънавий сарҳадларини ҳам бўғиб ташлашини кўрсатди. Асарда ижтимоий ҳаёт Зайнишевлар яшаган шароитдаги тарзда эмас, балки ҳалоллик ва адолатли асосда қурилиши лозимлиги ўқитирилади.

«Қаҳқаҳа»да катта тарбиявий

аҳамиятга эга бўлган бадий образлар яратилган. Бу асар орқали ҳам Зайнишев образи яна бир умумий ном остида эсланадиган бўлиб қолди. Ҳажвчи томонидан қабартирилган бу иллатлар яшовчандир.

Неъмат Аминовнинг «Қаҳқаҳа» тўплами мамлакатимиз ҳаётининг кечаги кунини тасвирловчи манзаралардан иборат эмас, балки бугунги совуқмиждоз кишиларга ҳам қарши қаратилгандир.

Маҳмуд НАЗАРОВ,  
филология фанлари номзоди.



Чўлпон

Улмасбой қизнинг юзларига мағрурлик назари билан яна бир оз қараб тургач, шарпасиз қадам қўйиб эшикли теразага яқинлашди ва унинг бир қанотини секингина очди. Уй ичи бирдан ярақлаб кетди. Қиз тезгина очиқ-сочиқ ётган ерларини кўрпа билан беркитди-да, туриб ўтирди. Шу чоқ эшикни очқали бораётган Улмасбой билан қизнинг кўзлари яна учрашган эдилар. Қизга орқаси билан турғон Улмасбой ёлғиз калласинига буриб, ҳали мағрур кулиш билан унга қаради: қиз бу сафар изтироб ва қийноқ аралаш бир юз билан тўппа-тўғри эркакнинг кўзларига тикилди-да, бўшанг бир овоз билан:

— Нима қилиб қўйдингиз? — деди. Заҳарли ва мағрур кулишни яна бир оз кучайтира туриб Улмасбой ҳам безбетларча жавоб қайтарди:  
— Маза бўлди, кўя беринг...  
Қиз бу сўздан кейин жуда чуқур жирканиш билан юзини бурди ва титраган лаблари

қолади. Мана мен эшикка чиқиб тураман! — деди. Шу гапни айтиб бўлди-ю, оёгини останага қўйди ва ташқаридан туриб эшикни ҳам ёпди.

Қиз куйкиб-куйкиб бир оз йиғлагач, ирғиб ўрнидан турди. Наридан бери усти-бошларини тўғрилади. Асли ўзи ҳам усти-бошларини ечмаган, оч бўрининг чангалига кўчадан келган бўйича тушиб қолган эди... Вутун борлигида тўлиб-тошган изтироб ва газаб, ҳорғинлик ва дармонсизлик сездиқмас эди. Бири тоқчада ва бири ерда ётқор паранжи-чимматни тезгина қўлга олди. Уйдан югурганича чиқиб кетмакчи бўлиб ўзини эшикка урди. Эшик қулфланмаган эди. Дарров очди. Очиш билан эшикда Улмасбой кўринди. Шу қадар тезлик ва шошилишлик билан уйдан отилиб чиқаётган қиз қандайдир бир кучнинг таъсири билан етган жойда тўхтади ва кўз очиб юмгунча паранжисини ирғитиб уйга кириб келди. Унинг кетидан думма-дум Улмасбой ҳам кирган эди.

# Новвой қиз

Ҳикоя

I

**К**илғилик қилиниб, бечора қизнинг қизлиги олинди, бўлар иш бўлиб битгандан кейин, иккаласи жимжит бўлиб икки томонга чўзилишдилар. Уйнинг ичи, ташқари ҳовли, кўча-кўй худди тонг отишидан сал бурунги вақтлардай — чуқур, вазмин ва тинч бир жимликка ботқон эди. Баъзи-баъзидагина пастак пиромондан бир жуфт эр-хотин мусичаларнинг кукуллашлари, қўшни ҳовлидан ёш болаларнинг ўйин устидаги шовқунлари, кўча томондан якка-ярим йигитларнинг кучсиз ва ғамли қўшиқлари эшитилиб қўярди. Дарвоза эшикнинг тор бир ёригидан уй ичига жиндақкина ёрунлик тушар ва у ҳам ёлғиз қизнинг сўлгин юзини ёритарди.

Сўфининг шомға айтган азони Улмасбойни қўзғотиб юборди. У секингина туриб, усти-бошини тузатди-да: «Қиз ухлаган бўлса, уйғотиб қўяйин!» деб унинг беҳол... чўзилиб, қиз кўзи очиқ, эзилган, беҳол... чўзилиб, хаёлланиб ётарди. Оппоқ оқарган юзларини секингина Улмасбойга бурди. Хоин эркакнинг марҳаматсиз кўзлари билан алданган қизнинг сўник кўзлари бир-бирига йўлиқишди. Эркак мағрур. Заҳарли ва совуқ бир кулиш билан кулди. Қиз жуда оғир бир жирканиш билан юзларини бурди. Яна жим бўлдилар.



Рассом Б. ТУХТАБОЕВ.

орасидан мана шу икки оғиз сўзни зўрға чиқара олди:

— Маза бўлмай ўлсин, илоҳим!

Улмасбой қизнинг бу сўзини бир ноз ва қизларга хос хурсанд деб англаган эди. Шунинг учун хурсанд бўлиб бир кулди-да, эшикка қараб юрди. Ҳолбуки, эшикнинг бир қаноти очилган вақтда қизнинг кўзларидан йирик донали кўз ёшлари қаторлашиб туша бошлаган эдилар...

Улмасбой эшикнинг ёнида туриб, орқасига ҳам қарамасдан:

— Туринг, дарров усти-бошларингизни тузатинг. Хотинлар қовун сайлидан келишиб

Кўзлари бурунгидай ғурурли эмас, мардлик аралаш бир изтироб билан жуда «мўмин ва сўфи» бўлиб кўринар эди.

— Ҳа, ойм қиз, йўл бўлсин? Жўнаб ётиб-сизми?

Қиз «ойм қиз» деган икки оғиз сўзнинг биттадан иккита найза бўлиб танга ботганини сезди. У титради, лаблари елга йўлиққан япроқлардай дир-дир қалтирай бошлади. Кўкси қисилди, дами оғирлашди, хансиради. Шу ҳолда бир оз безгакланиб тургач, бирдан бақирди:

— Имонсиз!..

Улмасбой бемалол кулиб туриб деди:

— Ойим, сизга нима бўлди? Мусулмон, калимагаўй одамни имонсиз дейсизми? Нима гуноҳ қилдик?

Қиз қалтираб туриб токчадан бир пиёла олди ва титраган қўли билан Ўлмасбойга қараб иргитди. Ўлмасбой салгина бир томонга қингайиш билан пиёлани ёнидан ўткарди-да, бу сафар баланд гурур билан бир қаҳқаҳа отди.

Денгиз шу қадар буюклиги билан ҳамма вақт қирғоқлардан энгилади. Аччиғи келганда, газаби қайнаганда зўр-зўр тўлқинлар, кичик-кичик мавжларни қирғоқнинг тошметин гавдасига қараб отади. Қирғоқ, юқориларга кўтарилиб кетган мармар қирғоқ кошки пинагини бузса! Бечора тўлқинлар, мавжлар синиб майда-майда бўлиб, яна денгизнинг кўксига тушди. Денгиз уларни яна силаб-сийпаб бошини бир ерга қовуштириб, тўплаб, яна қирғоққа отади. Яна бўлиниш, яна парчаланиш... Туганмас олишиш!

Қиз — денгиз Ўлмасбой — қирғоқнинг пўлат танига кичкина бир пиёлани ёлғиз бир дафъагина отди. Шунда ҳам бу жонли қирғоқ чап берди-да, мўрига тегиб парчаланган бечора пиёла бўлди. Шундан сўнг қиз — денгиз ўз ожизлигини билди ва бутун қаҳри ва газабини ўз танига сингдириб олиб, паранжисини бошига ташлади-да, ғизиллаб эшикка чиқди.

Оҳ! Зиндонга кирганларнинг осонликча чиқишлари мумкинми? Бўрининг чангалига «омон» сўзи аслида ёзилганми? Шер қўлига тушганни қўйиб юбориш учун яратилганми? Аждар агар бор бўлса, бутун шуҳратини марҳамат орқасида чиқарганми? Чуқур жарлар, юксак қоялар, ваҳимали учуримлар... Одам боласини юлиб, кўтариб, юксакларга олиб чиқмоқ вазифасини кўрадиларми? Қилич ўпиш берадими? Ханжар пешонангиздан силайдими? Чаён наштарга ўхшаш игнаси билан чокингнизи тикадими? Йўқ!..

Қиз уйдан икки-уч қадам жилган эди... Орқадан ўша бурунги кучли ҳирс билан келиб ёпишди. Омонсиз билалар шу қадар «якши» ишлар эдиким, қиз бечорага на бақирдиш, на чақирдиш, на қимирлаш ва на силкиниш учун озгина бир имкон қолмаган эди. Бояги уйда, бояги жойда, бояги эркак боягидай босди...

Қовун сайилидан келадиганлар — келмас бўлганлар, тан ва тан бўлаклари кучли эркакнинг истакларига тугал бўйин эгиб кетган эдилар...

Бу сафар қиз тез қўзғалди. Дарров турди, усти-бошини тузатди, паранжини қўлга олди ва шамол тезлиги билан уйдан чиқди.

Орқасидан Ўлмасбой гурур аралаш қаҳқаҳа билан гапириб қолди:

— Ойимтилла! Бекор кетаётирсиз! Бу кун хотинлар қовун сайлидан келмайдиган бўлибдирлар. Қолсангиз тонг отгунча базм қилар эдик. Маза бўлар эди...

Қиз кўча эшикка етганда ичкаридан Ўлмасбойнинг бақирғони эшитилди:

— Новвой қиз! Нон тўла саватинг қолибдир!

## II

**Я**рим сўмга етар-етмас пул билан қиз бечора уйга келган вақтида онаси — кампир ўлим тўшагида ётган эди. Офтобда қатик ичишган қариндошларидан бир кампир учтўрт кундан бери касалга қарайди. Касал бу кун хўрдасини ҳам ичмаган, уни қизга қолдиргандир. Бўлмаса, қиз балки иссиқсиз қоларди...

Ўлим олдидаги онанинг бош томонида ўтириб, қуруқ сувдан қайнатилган бемаза хўрдани ичаётган, шу кампирдан бошқа бу дунёда ҳеч кимсаси бўлмаган бечора қиз ўйлайди:

«О... бечора онам! Ўлим олдида ҳам ўз насибасини менга беради. Оҳ! Мундан кейин кимнинг насибаси билан тўяман!..»

Ўй мундан нари ўтгач, ойсиз тунлардай борган сари қораяди. Кўчаларда судралиб, ҳар бир йўлиққанга сотилиб, «севган»дан

ўпиш, «севмаган»дан қўпол бир туртки еб яшаш кўз олдиға келади.

Сўфи одамларни «фаллоҳ» (қутулиш)га чақирган вақтида кампир ҳам... узилди. Энди қиз бечора ҳали қанотини ростламай туриб онасини ва уясини йўқотиб қўйган қушдай бўлган эди...

Она ўлди.  
Ҳеч ким билмасдан, сезмасдан кўмилди...  
Кампирнинг ҳеч кими йўқ эди. Лекин кампирнинг «ҳар кими» бўлганда ҳам унинг кўнини ҳам билмаган эди. У онасини ўзининг аламли кўнглида аллақачон... аллақачон кўмган эди.

Кенг юрт...  
Кўп халқ...  
Кампирнинг ўлгани, кўмилгани бир маҳаллага ҳам билинмагани билан, қизнинг «аллаким» билан ўйнашиб юргани ҳаммага билинган, бутун шаҳарга доврўқ бўлган эди.

Ахир, қиз ҳеч ким билан ўйнашгани йўқ-ку! Уни: «Уйимда хатми ҳожам бор, нонингни тугал оламан, юр менинг билан бирга», деб олиб кетиб, куч билан босган Ўлмасбой эди-ку! Қиз беш-олти йил уйда нон ёпиб сотиб, биргина онасини боққани ҳолда, ҳеч кимга қийшанглаб гапирмаган эди-ку! Қизда қилча ҳам гуноҳ йўқ-ку!.. Лекин бу ҳақиқатни Ўлмасбойнинг уйдаги девор ва теразалар билан ўша ерда қолган нон саватидан бошқа ким билади? Ким? Ҳеч ким! У жонсиз нарсалардан ун чиқмаса, овоз эшитилмаса, товуш келмаса, нима қилайлик? Нима?..

Орадан роса икки йил ўтмади — бечора қиз икки эрга тегиб чиқди. Бурунроқ унинг ёшлиғи, ҳусни, тозаллиғи, бир оз умиди бор эди, энди у нарсалардан ҳеч бири қолмади. Сўнгги эридан чиққан вақтида устида бир қатор эски кийими, бошида «худо урган» бир паранжи-чиммати қолиб эди. Ундан икки-уч ой ўтгач, паранжи-чиммат ҳам ташланди. Энди эски, йиртиқ бир қатор кийим, эзилган юрак, чарчаган гавда, гангиган эгни-на қолди...

## III

Суд.  
Ибратли суд.  
Кичкина масжиднинг кенг саҳни одам билан лиқ тўлган. Бизнинг кичкина «тарзан»ларимиз — ёш болалар, теграсидаги дарахтларнинг шохларига чуғирчикдай ёпишиб олғонлар. Мингларча халқ тўпланган ерда — пастда шовқин кам, юзча «ўзбек тарзанлари» тўпланган жойда — юқорида дарахт шохларида катта шовқун:  
— Аҳмад, қаердасан?  
— О... Йўлчи! Йўлчи ҳов! Йўлчи!!! Бор-мисан?

— Эргаш! Бу ёққа кел! Мен бу ёқдаман!  
— Тўхта, туш дейман! Туш! Бўлмаса, те-пиб юбораман.

Айбланувчи қассоб Ўлмасбой Абдуқодир ўғли, қишлоқдан нон олиб келган бир қизнинг номусини бузиш билан айбланади.

Суд тинч ўтаёттир.  
Сўроқлар тугади.  
Шоҳидлар ҳам бир-бир ўтдилар.  
Айбланувчилар гапирдилар...  
Оқланувчилар вайсадилар...  
Аллакимлар исбот қилди...  
Аллакимлар тондилар...  
Айбдор сўз олди. Тонди, гапирди, гапирди, ўзини оқлади...

Унинг сўзи тугаёзганда паранжисиз «папка» кўтарган ёш бир хотин тўғри суд ҳайъати ёнига келди. У безгақдай титрарди.

Суд кишилари, оқлағувчи, қоралағувчи, шоҳид, томошачи... ҳамма, ҳамма унга тикилди. У бир оз хушсиз қараб тургач:

— Менга сўз!.. — деб бақирди.  
Халқ қоралағувчиси уқтирди:  
— Бу киши хотинлар шўбасининг раиса-си! Масала бир хотиннинг номуси устида бўлгани учун мунга сўз берилсин!

У гапини тугатмасдан туриб хотин бақирди:

— Сўз!.. Сўз!..  
Бердилар.

Яқинга келди. Ҳамма жим қолди. Масжиднинг кенг саҳни тўлди, балки кўмилди...  
Вақт ўтади...  
Ҳамма кутади.

Хотин жим...  
Ҳаммани изтироб босади.  
Бечора хотин қалтирайди. «Тўхта парпирак»нинг шоҳидаги пачгидай қалтирайди...  
Бошлади. Бирдан қаттиқ бошлади.

— Мен новвой қиз эдим... Беш йилдан бери нон ёпиб, ўзим сотиб қари онамни боқар эдим... Бир кун... Бир кун...

У ёғини айта олмади. Нафаси оғзига тикилди, бўғилди, бадтар қалтиради. Сўнгра бирдан ёввойи бир «дод» чиқариб йиқилди.


Пастдан ҳам бир хунук «дод» чиқди. Унда айбдор ҳам йиқилди. Икковини суяб олиб кетдилар. Суд бузилди.

Яна суд бўлганда...  
Денгиз — қиз куллардай жим туриб сўзлади.

Қирғоқ — Ўлмас тоғлардай тинч туриб тинглади.  
Қирғоқ ағдарилди.  
Тоғ йиқилди.

Денгиз мавжлари ва тўлқинлари кучоғига олиб, уларни қирғоқлардан сақлаш: қўриқлаш қайғисига ботди.

Самарқанд. 1927 йил, 25 июн. «Қизил қалам» мажмуасининг 1-китобида чоп этилган.



Наманган вилоятининг Уйчи ноҳиясидаги «Қизил Равот» давлат хўжалигида пишлоқ тайёрлайдиган чоғроқ корхона ишга туширилди.

Сураткаш А. КОВТУН (ЎзТАГ)



## ЯНГИ ВОҲА ТОПИЛДИ

Шу пайтгача Антарктидани курраи заминнинг энг совуқ қитъаси сифатида билардик. Ваҳоланки, бу қитъанинг хушманзара воҳаси ҳам бор экан. Шундай ғўшалардан бири Бангера деб аталади.

Воҳа «Мирний» қароргоҳидан 350 чақирим шимоли-шарқда бўлиб, бу ернинг иклими қитъадаги об-ҳаводан тубдан фарқ қилади. Ойнадай ярақлаган кўл туби 200 кулоч чуқурликкача бемалол кўриниб туради. Мазкур сув ҳавзасида ҳатто қаҳратонда ҳам бемалол чўмилиш мумкин. Кўлнинг яна бир ғаройиб хусусияти шундаки, айрим жойларидаги сув шўрроқ бўлса, бошқа жойларида акси, ичиб тўймайсан киши.

Кўлга туташ қияликларда тюленлар ғужғон ўйнайди. Яқинда кўлнинг 90 кулоч чуқурлигидаги сув таркибида водород сульфид моддаси борлиги аниқланди. Сув остида энг қадимий жониворлар ёки қайнар булоқлар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Деярли одам оёғи етмаган бу воҳа мутахассислар томонидан батафсил ўрганилса, табарруқ заминимизнинг таржиман холи янада бойиши табиий. Тошлоқ воҳа шароитига ҳар қандай чидамли техника ҳам уч ойдан ортиқ дош беролмаса керак.



МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

# Сўнамасин ҳаёт кўрки

Сувсиз ҳаёт бўлиши мумкин эмаслиги ҳаммага маълум. Ўтмишда ҳам Ўрта Осиёда сувга нисбатан муносабат ниҳоятда юқори бўлган. Халқимиз қадимдан сувдан оқилона фойдаланишнинг йўлларини мукамал билганлар. Дарё сувларини тўсиб, сув омборлари қурганлар. Ерости сувларидан яхшигина фойдаланганлар.

Амударёнинг қуйи қисмида ва унга туташиб кетган ерларда қадимги деҳқончилик марказлари топилиши ўтмишда деҳқончилигимиз маданиятининг юқори бўлганига ёрқин далилдир. Эрамиздан аввалги XI асрнинг ўрталарида бу ерларда сув чиқариш ва сугориш ишлари юксак даражада ривожланган. Маълумки, қувурлар орқали сув тармоғини (водопроводлаштириш) ўтказиш Ўрта Осиёда бошқа ерларга қараганда анча олдин йўлга қўйилган. Масалан, Қовунчипадан олинган маълумотларга қараганда, сопол қувурлар билан сув узатишнинг йўлга қўйиш эрамиздан аввалги X—I асрларга тўғри келади. Эрамизнинг III—IV асрларида Нукус яқинидаги Тоққалъа шаҳарида сув узатиш қувурларидан кенг фойдаланилган бўлиб, бу қувурларнинг айланаси 25, узунлиги эса 60—70 сантиметр — бир-бирига сув ўтказмайдиган елимга ўхшаш модда билан уланган. Хоразм воҳасининг катта қисми ўша даврларда Амударёдан қазиб келтирилган гавҳар деб номланган сув тармоғидан сугорилган. 1219 йилда саёҳатга чиққан Ёқут Ал-Ҳамавий Гурганжда бўлганини шундай таърифлайди: «Мен бунчалик чиройли ва жойлаштириш бўйича ғўзал бўлган Гурганжни кўрмаган эдим. Шаҳарда уйлар жуда зич жойлашган, одамлар гавжумлигидан кўча-

ларда юришга жой топилмайди».

Ўша даврларда Хоразм аҳолиси ҳозирги мавжуд аҳолига нисбатан кўп, озиқ-овқат маҳсулотлари тўкин бўлган, ерлар умуман шўрланмаган эди. Ҳозир эса вилоятда 700 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Лекин уларнинг сабзавот, полиз ва меваларга бўлган эҳтиёжини қондириш катта муаммо бўлиб турибди.

Бу муаммонинг асосий илдизи сувга бориб тақалади. Ўйламадан қурилган саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган минерал ўғитлар ер ости, устки сувларни захарлаётир. Ҳозир жумҳуриятимизнинг йигирма миллионли аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ниҳоятда ўткир бўлиб турибди.

Ҳозир СССРнинг ўрта минтақасида яшовчи ҳар бир одам эҳтиёжи учун 2-3 литр сув керак. Бизнинг жумҳуриятимизда эса, бу кўрсаткич 4-6 литрни ташкил қилади. Ювиниш учун сарфланадиган сув миқдори асримизнинг ўрталарида бир кунда 25 литрни ташкил этган бўлса, ҳозир бу рақам 200-300 литрга етди. Катта шаҳарларда эса 500 литр ва ундан ҳам ортиқ миқдорда сув исроф қилиниши аниқланган.

Жумҳуриятимизда энг кўп сув ўсимликларни сугориш жараёнида исроф бўлади. Масалан, бир килограмм бугдой етиштириш учун 750 литр, бир гектар ерда маккажўхори ёки қарам ўстириш учун 3 миллион литр, шунча экин майдонидан шоли олиш учун эса 12±30 миллион литр сув сарфланади. Афсуски, ичимлик сувига бўлган талаб тобора ошиб бораётган бугунги кунда шунча исрофгарчиликка йўл қўйётганимизни ҳали ҳам англаб етганимизча йўқ. Умуман ер юзида вақти келиб ичимлик суви танқислиги рўй берадими? Мавжуд сув ҳажми яна неча йилгача етар экан? Бу саволлар ҳақида ҳеч ким ҳам ўйлаб кўрмаётган бўлса керак.

Ҳозир ер юзидаги шўр ва чучук сувларнинг умумий миқдори 1,42 миллиард куб километрни ташкил этади. Шундан 30 миллион куб километри чучук сувлардир! Афсуски ана шу ҳажмдаги сувнинг атиги 0,25 фоизини одамзод истеъмол қилиши мумкин.

Жумҳуриятимизни сув билан таъминлаб турган катта-кичик дарёларнинг сони 600 тага яқин бўлиб, улар асосан Аму билан Сирдарё ҳавзасига қуйиладиган сув тармоқлари ҳисобланади. Ана шу ҳавзанинг 65 куб километр суви Ўзбекистон ССР эҳтиёжи учун хизмат қилади. Бундан ташқари фойдаланиш мумкин бўлган чучук ер ости сувлари тахминан 6 куб километрни ташкил этади.

Хўш, жумҳуриятимизда мавжуд ер ости сувларидан фойдаланиш борасида аҳвол қандай? Аҳоли сонининг ўсиши ва халқ хўжалигининг ривожланиши натижасида 2000 йилга бориб бизда ичимлик суви тамоман тугаши кутилмоқда. Демак, яқин келажакда жуда катта сув муаммоси кўндаланг бўлади.

Одамларнинг кундалик эҳтиёжидан ташқари сув саноатда ва қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қўлланилади. Қишлоқ хўжали-

гида чучук сувнинг 90 фоизидан ортиғи ишлатилади. Айниқса сув камчиллиги кутилатган саноатнинг ривожланиши сув ҳавзаларининг ифлосланишига олиб келмоқда. Шаҳарлардан чиқаётган чиқинди сувлари, саноат чиқиндилари чучук сувларни яроқсиз қолга келтираётир.

Шунингдек, сув ҳавзаларининг турли миқдори захарли моддалар, минерал ўғитлар ва тузлар билан ифлосланиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сувни ифлослантирувчи саноат манбалари асосан Тошкент ва Фарғона воҳаларида кўп жойлашган бўлиб, уларга электрқимё заводлари, металлургия, нефтни қайта ишлаш заводлари ва бошқалар қиради. Ифлосланган сувнинг қаттиқлик даражасини қўлшонларда чўкмалар ҳосил бўлишидан библи олиш мумкин. Маълум бўлишича, сув қаттиқлиги аҳоли ўртасида ўлим миқдорининг ортишига олиб келар экан. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиздаги зарарли корхоналарни тезда қисқартириш, қолганларини бошқа ерга кўчириш ёки ёпиб ташлаш масаласини кўндаланг қўйиш лозим. Зеро, бу ишларни амалга оширмас эканмиз, халқимиз фаровонлиги ҳақидаги гаплар чўпчакка айланиб қолаверади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жумҳуриятимизнинг ҳамма сув ҳавзаларида, ер ости сувларида ҳам инсон саломатлиги учун ўта захарли бўлган хлорорганик кимёвий моддалар топилган. Айниқса зовур-дренаж ва оқова сувларида уларнинг миқдори юқори. Бу сувлар аҳоли яшаш жойларидан оқиб ўтади. Чунончи, Амударё ва Сирдарёга йилига 30 куб километрдан ортиқ оқова ва захзавур сувлари ташланмоқда. Шундай экан, дарё суви таркибида захарли моддаларнинг, тузларнинг ниҳоятда ошиб кетаётганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Амударёнинг қуйи оқимидаги сув, сугориш ишлари олиб борилган (сентябр-май) ойларида умуман истеъмол қилишга ярамай қолар экан. Ваҳоланки, шу кечакундузда ҚҚМССР, Хоразм, Тошкент, Қизил Ўрда вилоятларининг қарийб 3 миллионли аҳолиси шу захарли сувлардан фойдаланишга мажбур. Айнан ана шундай сув танқислиги сезилиб турган жойларда айниқса болалар ўлими юқори, камқонлик, сариқ, ўткир ичак-ошқозон юкуми касалликларнинг барча тури кейинги 20 йил ичида ҳаддан зиёд ошгани кузатилмоқда.

Кейинги пайтларда баъзи олимлар сугориш учун ер ости сувларидан кўпроқ фойдаланиш тарафдори бўлмоқдалар. Зинҳор бундай қилиш мумкин эмас, сугориш учун фақат дарё сувларидангина фойдаланиш лозим. Ер ости сувлари ўлкамизда кам, уларни муҳим ичимлик сув сифатида асрашимиз мумкин. Сув иншоотлари қуриш ва ундан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш нур устига аъло нур бўларди.

Бахтиёр КАРИМОВ,  
биология фанлари номзоди,  
Раҳмон РАҲМАТОВ,  
қишлоқ хўжалик фанлари  
номзоди

**Н**иятинг йўлдошинг бўлсин, деган гап рост экан-да, ўйлаб қолади гоҳи-гоҳида Маҳфуза она. Бўлмаса, боғча ёшидаги қизалоқнинг: «Мен татта бўсам влач бўламан», дегани қаёққа борарди. Бунинг устига уруш давом этиб турган, ота-онасининг топгани қорнидан ортмайдиган оғир замон бўлса...

Қизалоқнинг вижир-вижирини тинглаб ўтиришиб, катталар «Ниятингга ет, ниятингга ет», деб дуо қилишарди, ўзлари эса тонг азондан тирикчилик кўйига тушиб кетишарди. Қизалоқнинг болалик йиллари эски шаҳарнинг Кесакқўрғондаги болалар боғчасида шундай ўтиб турди.

Маҳфуза она ҳозир ҳам сақлаиб қолган ўша болалар боғчаси ёнидан ўтиб қолганида ана шулар ҳақида ўйласа, юраги жиз этиб кетади. Ушанда ҳам тийраккина эканман-да, деб ич-ичидан гурурланади.

Унинг орзуси бўй етгани сари қатъийлашиб борди. Фақат ўқтин-ўқтин онаси бечоранинг кўчадан топиб келган гаплари Маҳфузанинг хаёлларини тилка-пора қилиб юборар, шифокорлик этиб бўлмас орзудай бўлиб туюлаверарди. Кўчанинг гаплари бири-бирдан ваҳимали, бир-бирдан даҳшатли бўларди.

Маҳфуза қизим, — дерди ойиси ёлвориб, хавотирланиб, — фалончининг дўхтирликка ўқийдиган қизи ўликхонада мурдани кўриб, ақлдан озиб қолибди, катта бўлсанг сени унақа ўқишга юбормайман...

Бундай гаплар табиийки, ерга урсанг кўкка сапчийдиган қизгинанинг шаштини қайтариш ўрнига қизикшини тобора оширар, оппоқ халат кийгани кўйи беморлар бошида парвона бўларди хаёлан.

«Мен дўхтир бўлсам, беморларимни ўлдирмай даволайман», — дерди ҳаммага эшиттириб. Шундай гап-сўзлар сабаб бўлдим, ўша болалигидан кўнглига туғиб юрган орзулари қалбига ўт солдим, ўнинг синфни битирди-ю, ҳужжатларини Урта Осиё табобат олий ўқув даргоҳига топширди. Синов имтиҳонларидан дадиллик билан ўтди, фақат дўхтирликка ўқиётганини онасидан сир тутди, холос, бўлмаса соддадилгинасининг беҳуда ташвишга тушиши табиий эди.

Бир неча йил шундай ўтди. Маҳфузахон онасининг наздида Тошкент давлат дорилфунунида ўқирди, ҳадемай ўқитувчи бўларди. У онасини шундай деб тинчлантирган, ўзи эса тунни тонгга улаб табобат сирларини ўрганарди. Бир кун нима бўлди-ю эски бир ўқув қўлланмасини варақлаб ўтирганида беҳосдан ёнига келиб қолган онаси китобдаги одам суякларининг тасвирини кўриб, ортига бир қадам тисарилди:

— Маҳфуз, — деди кўзлари олазарак бўлиб, бўғилган овозда, — нима қилиб қўйдинг, болам, китобингдаги ниманинг сурати,

## УШАЛГАН ОРЗУ



нақ одамнинг сўнгаги-я, сен мени гафлатда қолдирган бўлмагин тагин, ростини айт, болам, яккаю ёлғизимсан, яна ўликхонада қўрқиб, бирор кори ҳол бўлиб юрмасин, онангга раҳминг келсин. Шўрим қуриб қолади-я...

Она бечоранинг кўзидан шашқатор ёш юмалаб, қизининг гаплари қулоғига кирмас, рўмолининг учи билан кўз ёшларини арта-арта, ўксиб нари кетди. Маҳфуза эҳтиётсизлигидан афсусланиб, волидасини тинчлантирмоқчи бўлиб, ортидан борди, қайдам, она бебошгина қизидан ранжиб бир-икки кун аразлаб юрди. Бир куни чидай олмади, қизини қаршисига ўтказди.

— Болам, шу айтганлари ростми, мурдаларни ёриб кўрасизларми? Қандай қўлинг боради-а?

— Ойижон, хавотир олаверманг, биз аллақачон бунақа дарсларни ўрганиб бўлганмиз. Ҳозир-чи, ойижон, мен беморларни мустақил даволай оламан, ўзим дори-дармон белгилайман. Сиз ҳеч ҳам қўрқманг. Ахир дўхтир бўламан, дердим-ку. Ниятимга етдим. Энди беморларни даволаб, одамларга саломатлик улашаман. Ўзингиз айтардингиз-ку, элу юртга фойда-

си тегмаган одам, одам эмас, деб.

Она бўй этиб, орқа сочи оловдай тўлғаниб қолган қизига миннатдор термулди, орқасидан: «Муродингга ет, болам, емай, едирдим, киймай, кийдирдим, энди бу ёғига худойимнинг ўзи ярақасин», деб фотиҳага қўл очади...

Мана шу воқеаларнинг бўлиб ўтганига ҳам оз эмас, кўп эмас; ўттиз йилдан ошиб қолди. Маҳфуза Ғуломовна Ҳайдарованинг ўзи ҳам уч фарзанднинг онаси, уч неварига буви, илм йўлидаги бедор тунлар самарасиз кетмади. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, биринчи даражали шифокор, меҳнат ветерани. Энг улуғи, табобат соҳасида ўз босган изи, ўнлаб шогирдлари, ўзини таниганлар орасида ҳурмат-этибори бор.

Фақат опанинг битта характери айримларга ёқмай туради, энсасини қотиради. Лекин, томирларидаги такаббурлик қони совигач, астойдил тўғрисўз опасидан келиб кечирим сўрайди, ё бўлмаса, йўлини қилишиб, ҳеч нарса бўлмагандек гаплашиб кетаверадилар. Иш бор ерда хатоликлар ҳам бўлиб туради, бу табиий ҳол. Аммо аксарият ҳолларда касбига совуққонлик

билан қараганларни кўрганида Маҳфуза Ғуломовна чатнаб кетади.

— Шифокорнинг битта вазифаси бор, — дейди у, — ҳузурига нажот истаб келганларнинг кўнглини чўктирмаслик, у қанчалик инжик, бесабр ёки қайсар бўлмасин, меҳрибон она бўлиб, уни ўз измига сола билиши, қаттол дард исканжасидан халос этиши шарт. Акс ҳолда фақат ўзига эмас, бутун табобат аҳлига ишончсизликни туғдиради одамларда.

Опанинг иш тажрибасида бу ҳолатлар жуда кўп бор синовдан ўтган. Афсуски, аксарият шифокорларимизда ана шу масъулият ҳисси етишмайди. Айниқса, жумҳуриятимизнинг жойлардаги шифохоналарида бу ҳолни кўп учратамиз. Малакали шифокорларнинг етишмаслиги бир муаммо бўлса, борларининг ҳам ўз касбига совуққонлик билан қарашлари иккинчи муаммо бўлиб, ҳар икки ҳолда ҳам беморлар азият чекади.

— Тошкент давлат табобат институтининг шифохонасида ишлаб юрган кезларимда, — деб эслайди она, — қабулимга қишлоқ шифохоналаридан бирида дардига даво тополмай келган бир киши мадад истаб келди, одатимга кўра, унинг бола-чақасини, оилавий шароитини суриштирдим, бечоранинг рангида ранг йўқ, айтишчи, жамоасидаги доривор ўғитлар сақланадиган омборда қоровуллик қилар экан, ишонасизми, шўрликнинг жигари нақ қовуғигача осилиб тушган, эртадан кечгача ана шу дорихонани қўриқлаб ўтиравериш шу ҳолга тушиб қолганлигини ўзи билмаган. Гапирай десанг гап кўп. Одамларга ғамхўрлик керак. Ҳозир ҳам қишлоқ шифохоналарининг аҳволи танг, шифокорлар эса ўз вазифасини беминнатгина ўтаса кошки, тўғриликча муомала қилишга ҳам ярамайдилар. Шундай воқеаларни эсласам, сиқилиб кетаман. Балки менинг гапларим ҳамкасбларим учун эришдай туюлар. Афсуски, аҳвол шундай. Яна шунга ўхшаган бир воқеа: терапевт эмасманми, кунига ўнлаб беморларни кўздан кечираман. Аммо бир беморининг исмини ҳеч эсимдан чиқаролмайман. Ҳалима деб аташарди. Олти боланинг онаси, жигари касалланиб қорнида сув пайдо бўла бошлаган. Бемор жуда қийналар, соғ қолишига кўзи етмасди. Далда бериб, уни умидвор қилмай қийналаман. Бир куни навбатдаги муолажа пайтида унинг қўли чўнтагимга киргандай бўлди. Миямга ярқ этиб бир нима санчилди.

— Нима қилдингиз, — сўрадим ундан.

— Опажон, — деди у ёлвориб, — мени деб жуда қийналиб кетдингиз. Ун сўм пул солдим, менга дори-дармондан қарашиб туринг, болаларингизнинг роҳатини кўринг, илойим, йўқ деманг... ёрдам беринг, ўлиб қоламан...

Ҳалима йиғлар, мен эса ўзимни зўрга тутиб, уни койиб бердим. Ахир мана шу ўн сўмга ўз вақтида тўйиб овқат еганида,

соғлиги бу даражага тушиб қолмасмиди. Ўз қўли билан пулни қайтариб олди. Ана шунақа одамларимиз ҳам йўқ эмас. Уларда ҳам айб йўқ. Тамагир шифокорлар Ҳалимага ўхшаганларни шу кўйга солиб қўйишган. Берсанг, қарашади, бермасанг парволари палак. Келдингми, кетдингми, дардинг нима дейишмайди. Хуллас, гап, кўп ука.

**Х**озир бизнинг шифохонамиз атрофида ҳам ҳар хил гаплар юрибди. Очиғини айтишимиз керак, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 4-Бошқарма шифохонасида энг етук мутахассислар, энг яхши табобат асбоб-ускуналари мавжуд. Ҳозир бошқарма шифохонаси меҳнат ва уруш ветеранларига хизмат кўрсатадиган бўлган. Ҳаёт ҳақиқатидан кўз юмиш керак эмас. Бор нарсани йўқ қилишга ўрганиб қолганмиз. Битта қарор билан ҳамма иш битади. Аммо йўқ нарсани бор қилишнинг ўзи бўлмайди. Олайлик, мана шу тўқис шарт-шароитлари бўлган шифохонани битта қарор билан мақсадни, йўналишини ўзгартирайлик, бир неча йилдан сўнг шу шифохонанинг бошқаларидан ҳеч фарқи қолмайди. Яна ўша тақчиллик, яна ўша норизолик, шубҳасиз шундай бўлади. Менимча бошқача йўл тутиш керак, катта ишлар ҳамини катта мушоҳада талаб қилган. Олайлик, шаҳар миқёсидаги шифоналар даражасини бошқар-

ма шифохонаси даражасига кўтаришни йўлга қўйиш, қишлоқ шифохоналарини аста-секинлик билан шаҳар шифохоналари даражасига кўтариш ва шу йўл билан жумҳурият миқёсида медицина хизматини ўстиришга эришиш мумкин. Қўпол бўлса ҳам бир мисол келтирай. Тарихдан яхши маълум, колхозлаштириш даврида барча бойларнинг бор-будини тортиб олиб, қамбағалларга бўлиб берди, ўртаҳол деҳқонларнинг ҳам аҳволи шундай бўлди, ўзларини қулоқ қилиб жамиятдан сиқиб чиқаришди. Натижа нима билан туғди? Ҳамма бирдай камбағаллашди. Агар ўша пайтда ҳеч бўлмаса, ўртаҳол деҳқонлар турмуш даражаси миқёс қилиб белгиланиб, уларнинг иш тажрибалари ўрганилганда, барча бисига кўтарилган бўлармиди. Ахир яна якка хўжалик, оилавий пудрат каби иш усулларига қайтиб келаямиз-ку. Гарчи табобат соҳаси деҳқончиликдан тубдан фарқ қилса ҳам умумий мақсад битта — турмуш даражасини юксалтириш.

Маҳфуза Ғуломовна билан суҳбатлашиб ўтирар эканман, унинг ҳаётимиздаги туб ўзгаришлардан ҳам яхшигина хабардор эканлигига амин бўлдим.

— Биласизми, — деб қолдилар опа бир сир айтмоқчи бўлган кишидай, — мен ҳақимда Миртемир домла ҳам очерк ёзмакчи эдилар. Ҳар гал: «Маҳфузаним, ишлоялдеҳизми, ҳузурин-

гизга бормоқчи эдим, шу десангиз қорин қурғур сал галва қилиб турибди-да», дердилар, телефон қилиб, дарҳол етиб келинг дердим, даво белгилаб кўнгилларини тинчлантирдим. Бироз дарди босилгач, қўлингиз энгил, қизим, сиз ҳақингизда битта зўр очерк ёзаман, насиб бўлса, жуда одамнинг жонисизда, дердилар. Домланинг мана шу гапларининг ўзи мен учун етарли эди. Шеърларини жуда яхши кўриб ўқийман, болаларим ҳам адабиётни, ўғилларим айниқса, техника илмини яхши кўришади.

Каттаси Аҳмаджон ҳам, кичиги байналмидал жангчи Азизжонлар ҳам техникага кўнгил қўйишган. Қизим онаси изидан бормоқчи эди, тез ёрдам ҳамшираси бўлман, дерди болалигида, тақдир уни бутунлай бўлмаса-да табобатга турдош биология соҳасига етаклади. Ҳозир био-тажрибахона врачлари. Онанинг касбини келини давом эттирадиган бўлди. Ахир кимдир қўл олиш керак-ку.

Ўтаётган умримдан беҳад миннатдорман, ўз олдимга қўйган мақсадимга эришдим, энди кўнглимни тўқ қилиб мен шифокорман, дейишга тўла ҳақлиман, озми-кўпми, элу юртга нафим теккани билан фахрланаман. Мени билган, оз бўлса-да дардига шифо олган беморларим орқаворатин билган бўлса-да эслаб юришса, шунинг ўзи катта бахт. Бундан ўзгача бахт бўлмаса керак.

Уктам МИРЗАЕР



Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-Марказий муолажа шифохонасининг тажрибали шифокорлари Н. С. Скородумова (чапдан), М. А. Воҳидова, В. В. Кузнецова, бош врач Э. И. Қосимов, М. Ғ. Ҳайдарова ва А. А. Ашурова ўзаро мулоқотда.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



## ЖАСОРАТЛИ БЎЛАЙЛИК

*«Гулистон» журналининг 1990 йил апрел ойи сонидан чоп этилган Тоҳир Қаҳҳорнинг «Келажакнинг саволи» сарлавҳали бебаҳо мақоласини ўқиб, очиғи, жуда розуландик. Озарбойжон олими, қалби дарё инсон, эл фарзанди Зиё Бунёдовнинг ўзбек халқига нисбатан бунчалик куйинчаклиги ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Мингданминг раҳмат ўша одамга!*

*Тўғри, ўзбек халқидан ҳам Зиё Бунёдовга ўхшаш фидойи олимлар кўп ўтган, ҳозир ҳам бор. Иброҳим Мўминов, Ҳоди Зариф, Ҳамид Сулаймон сингариларнинг жасорати, билими, элу юртга садоқати жуда беқиёс эди. Мирзаолим Муҳаммаджонов, Алибек Рустамов, Бўрибой Аҳмедов каби олимларимиз ҳали ҳам ўз эътиқодлари йўлида курашмоқдалар.*

*Энг ёмони бизда ҳақиқат тарафидан турган, эл манфаатини ёқлаган фидойилар яккаланган, қатагон қилинган. Ўтган йили Ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Хайрият ҳақиқат қарор топди, деб қувондик. Кўпгина олимлар, қатъият кўрсатиб уни маъқуладилар. Баъзи олимлар эса яна эски касали кўзиб тилёгламалик қилишди. Ўз она тилини ҳимоя қилолмади. Кимлардан-дир кўрқиб, ҳадиксиради. Ҳатто бир олим олий минбардан туриб: «Рус тили бўлмаганда мен олим бўлолмасдим», деди. Яна бир ёзувчи: «Мен ёзувчи бўлолмас эдим», деди. Уларнинг олим ёки ёзувчилиги қай даражадалигини билмайману лекин субьтсизлиги аён бўлди. Мен бунга ишонмайман. Ўз тилимиз камситилиб, ёзувимиз йўқотилмаганда олим ва ёзувчиларимизнинг халқимизнинг савияси бошқачароқ бўларди. Ахир Хоразмий, Беруний, Алишер Навоий, Улуғбек сингари алломалар шу тилда гапириб, ўша ёзувда ижод қилишган. Маҳмуд Қошғарий тил равақига ўз умрини бағишлаган.*

*Тилимизга давлат мақоми берилишида асосан ёзувчи ва журналистларимиз катта жасорат кўрсатдилар. Ҳали ҳам баъзи бировлар шу одил ва тўғри йўлга ров ташламоқдалар.*

*Хуллас, мақсадим халқимиз орасидан ҳам Зиё Бунёдовга ўхшаган жасоратли, тўғри сўз олимлар кўп-кўп чиқса дейман. Журналларимиз ҳам худди «Келажакнинг саволи» сингари мақолаларни кўпроқ ёригиб турса, фойдадан ҳоли бўлмасди.*

*Ажойиб ижодкор Тоҳир Қаҳҳорга эса жуда катта миннатдорчилик билдираман.*

Иноят НЕЪМАТОВ,

Самарқанд

Ўзбек халқининг маънавий меросида «Юсуф ва Зулайхо», «Тоҳир ва Зуҳра», «Баҳром ва Гуландом» каби асарлар қаторида халқ даҳосининг тиниқ кўзгуси бўлган Хоразм жангномаси — «Юсуф ва Аҳмад» достони ҳам алоҳида ўрин тутди. Асар ўтмиш даврларда туркман, озарбойжон, тожик, уйғур, қозоқ, қорақалпоқ, татар ва афгон халқларининг ҳам сеvimли китобларидан бири саналган. Достоннинг кенг тарқалиш омилларидан бири халқлараро адабий алоқалар яхши ривожланганлигида бўлса, иккинчиси, бир неча маданий марказларда ташкил этилган типолитографияларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Ҳозир Ўзбекистон ССР ФАнинг Шарқшунослик ҳамда Қўлёзмалар институтлари

Б. Қориевнинг таҳрири остида Ашхободда босмадан чиққан. Асарнинг 1961 йили Нукусда чоп этилган Қиёс жиров Хайритдинов куйлаган қорақалпоқча нусхаси, 1982 йили Олмаотада нашрдан чиққан «Уйғур халқ достонлари» тўпламига киритилган уйғурча нусхаси ҳам достоннинг узоқ йиллар мобайнида турли халқлар орасида донг қозонганидан, беқиёс шуҳрат касб этганидан далолатдир.

Кўпгина халқ достонларига хос бўлганидек, ўзбек халқ достонлари ҳам эл-юрт ҳаётида, мамлакат тарихида юз берган улкан воқеалар, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга муносабат тарзида юзага келган. Шунинг учун ҳам бир халқ достончилигининг илдизини ўша ижод намунаси мансуб бўлган халқ босиб ўтган тарихий йўлидан излаш мақсадга

«эронийлар билан хоразмликлар орасидаги ёвчилик ва душманликлар масалалари... билан Хоразмда ёзилган «Юсуфбек ва Аҳмадбек» достони шу замонларда туғдирилган адабиёт эрконлиги англошиладур». (ЎзФАШИ инв. № 12581, 25-варақ).

Достондаги кўпгина лавҳалар XVI аср Хоразм тарихида рўй берган воқеаларга анча яқин келади. Ҳукмрон табақаларнинг жамиятда тутган мавқеи, давлатни идора этишдаги усул ва қоидалари ҳақида анчагина маълумотлар учрайди. Тарихдан маълумки, Хоразм ҳам Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар давлатига ўхшаб, бир-бири билан унчалик боғланмаган феодал мулкларга бўлиниб кетган эди. Асарда худди шу тарқоқликка ишоралар мавжуд. Унда Ойхон, Кунхон, Нодирбек султон, Шералихон каби образлар

## Донг қозонган Достон

фондларида, шунингдек, халқ орасида асарнинг кўплаб қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда.

«Юсуф ва Аҳмад» достонига дастлаб 1862—63 йилларда Урта Осиёга сафар қилган Ҳерман Вамбери катта қизиқиш билан қарайди. У маҳаллий халқларнинг маросим ва урф-одатларини синчиклаб ўрганди. «Тоҳир ва Зуҳра», «Шайбонийнома», «Юсуф ва Аҳмад» каби халқ асарлари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Олим «Юсуф ва Аҳмад»нинг Хоразм бахшилари қўлида мавжуд қўлёзма нусхаларидан бирини ҳамда Мулло Исҳоқ деган кишини ўзи билан бирга Венгрияга олиб кетади. У, даставвал, достондан айрим парчаларни немис тилига таржима қилиб, 1867 йили «Чигатой тили дарслиги» номли тўпламга киритади. Асардан бениҳоя таъсирланган Вамбери унинг ўзбекча-немисча нашрини амалга оширмагунча тинчимади. 1911 йил достонни тўлиқ ҳолда Будапештда чоп эттирди.

Достоннинг кейинги «сафари» қозоқ маърифатпарвари Кўзберган ўглининг хизматлари билан боғлиқдир. У 1880 йили асарни қозоқ тилига ўгириб, «Бўзўғлон» номи билан Қозонда 1889, 1890, 1904 йиллари нашр қилдиради. Шунингдек, «Юсуф ва Аҳмад» достони Тошкент, Самарқанд, Хева, Когон шаҳарларидаги босмаханаларда 1901, 1903, 1910 йилларда қайта-қайта чоп этилган. Достоннинг тадқиқи ва нашри масалалари инқилобдан кейинги пайтларда совет олимларининг диққатини ўзига торти. Ғози Олим Юнусов, Ҳ. Т. Зарипов, В. М. Жирмунский, А. Н. Самойлович достон ҳақида қимматли фикрларни билдирдилар. Хусусан, достонни бахшилар оғзидан ёзиб олиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Ҳоди Зарипов 1927 йили «Юсуф ва Аҳмад»нинг Фозил Йўлдош ўғли билан Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан биргаликда куйлаган мукаммал нусхасини ёзиб олди.

«Юсуф ва Аҳмад»нинг қардош тожик халқи оғзаки меросидан ҳам ўрин олганлиги эътиборга моликдир.

XVIII аср туркман адабиёти намояндаларидан бири Қурбонали Маъруфий қаламига мансуб бўлган «Юсуф ва Аҳмад» 1943 йили

мувофиқдир. Она-заминимизга тажовузона юришлар уюштирган юнон, эрон, араб ва мўғул босқинчиларининг жабр-зулмлари, маҳаллий халқнинг уларга бўлган чексиз ғазаби ўзбек халқ достонларида акс этмасдан қолиши асло мумкин эмас эди. Ўзбек халқ достончилигининг каттагина қисмини эронийлар билан туронийлар орасидаги низо ва урушлар тасвири ташкил этади. Бу баъзи асарларда яққолроқ, айримларида хирароқ акс этган. Широқ ва Тўмарис номи билан боғлиқ афсоналар, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан насрий мазмуни ёзиб олинган «Ойсулуд» достони шу борадаги фикримизга далилдир.

Эронийлар билан хоразмликлар ўртасидаги низолар ҳам ана шу тахлитда бўлган. Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима», Мунисининг «Фирдавс ул-иқбол», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳи» каби тарихий асарларида эътироф қилинишича, Эрон шоҳлари Хоразмга кўп марталаб юриш қилиб, халқ бошига аёвсиз кулфатлар солганлар. Зикр этилган манбаларда Эрон тажовузининг талофатлари, хусусан, Шоҳ Исмоил, Шоҳ Аббос, Тахмасп I, Нодиршоҳ сингари ҳукмдорларнинг Хоразмда кўплаб офат ва қирғинларга сабаб бўлгани хусусида батафсил маълумотлар берилади. Иккала давлат ўртасидаги қонли муҳорабалардан безган халқ тинч ва фаровон ҳаётни қўмсади. Ўз орзу-умидларини эпосларда тасвирлашга интилди. Биз фикр юритмоқчи бўлган «Юсуф ва Аҳмад» достони ҳам Хоразм халқи тарихида рўй берган ана шу мудҳиш воқеа-ҳодисаларга кескин нафрат, тинчлик ва адолатли ҳаётга меҳр-муҳаббатнинг меваси сифатида рўёбга келган.

Атоқли фольклоршунослар В. М. Жирмунский ҳамда Ҳоди Зариповлар достонни, XVI—XVII асрларда Хоразмда яратилган, деб эътироф қилдилар. Бу фикрнинг ҳақиқатга яқинлигини XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошлари Хоразм адабий ҳаракатчилигининг истеъдодли вакилларида бири, шоир, муаррих, тажиранавис Ҳасанмурод Лафғасийнинг «Озоднома» қўлёзма асаридеги қуйидаги сўзлар ҳам тасдиқлайди:

Хоразмга қарашли вилоятларнинг хонлари сифатида кўрсатилади.

XVI асрга келиб Хоразм хонлигида асосан келиб чиқиши жиҳатидан уч гуруҳ аҳоли яшаган. Булар ўзбеклар, туркманлар, кўчманчи ўзбеклардир. Достонда Нодир Султон ва Ойхон туркманнинг асилзодалари экани таъкидланади. Эралихон уруги эса ерлик ўзбеклардир. Юсуф ва Аҳмад билан келганлар кўчманчи ўзбеклардир. Асарда Юсуф ва Аҳмаднинг кўчманчилигини асословчи кўп далиллар бор. Чуқурроқ назар қилинса, уларнинг турмуш зайлида, тилида кўчманчи халқларга хос сифатлар акс этади. Шунингдек, достонда ўша даврда Хоразм атрофида яшаган турли қабила ва уруғларнинг (қўнғирот, нукуз, манғит, қангли, қиёт, эмрели, кенагас...) номлари ҳам тилга олинади. Хоразм ва Эроннинг ўша пайтдаги йирик марказлари, шаҳар ва қишлоқларининг номлари ҳам акс этган (Урганч, Хева, Вазир, Манғилоқ, Исфаҳон, Хуросон...)

«Юсуф ва Аҳмад» достони ижодкор халқнинг эзгу орзу-ниятлари меваси, ижтимоий тузум, ижтимоий адолат ҳақидаги ўй-қарашларининг маҳсули. Адолат ва адоват, ҳақиқат ва ёлгон, садоқат ва бевафолик ўртасидаги кураш масаласи достоннинг қон томирига сингдирилган. Достонда она-Ватанга садоқат, эл-юрт манфаати йўлида фидойилик гоёлари тараннум этилади.

Асарда тож-тахт, мансабга ўчлик масаласи асосий зиддият қилиб қўйилиши ҳам бежиз эмас. Сарой фисқу фужурлари, манфаатпарастлик, шуҳратга мойиллик каби қурсурлар ака-ука, ота-бола ўртасидаги низо-ларни, фожейи ҳолатларни келтириб чиқариши табиий. Юсуф ва Аҳмаднинг ўз юртини тарк этиши, Гўзалшоҳнинг уларга ҳасади ҳам ана шу иллатларга бориб боғланади. Халқ шу йўл билан шуҳратпарастлик, бойлик асири бўлган замона ҳокимлари устидан кулади, аччиқ, адолатли ҳукм чиқаради. Улар тасвири, фожейи тақдири орқали шоҳларни одилликка, меҳр-шафқатга чақиради. Асарда босқинчи, золим Гўзалшоҳ образи қисмати бунга яққол мисолдир. Ижодкор халқ адолатсиз ҳукмдорларга зид ўлароқ идеал шоҳ образини яратади. Улардаги фазилатларни улуглайди, қадрлайди.



Халқнинг ижтимоий ҳодисаларга муносабати, давр, замона ҳақидаги ўй-қарашлари, интилишлари дostonнинг бош қаҳрамонлари — Юсуф, Аҳмад саргузаштлари орқали очиб берилади. Қайноқ меҳр, ёлқинли эҳтирос билан тасвирланган бу образлар шу маънода халқ орзу-умидларини ташувчи образлардир.

Юсуф — ҳақиқатгўй, адолатпарвар, баркамол инсон. У ҳар бир ишни бажаришда халқ фикрига таянади, эл-юрт маслаҳати унинг учун раҳнамо. «Маслаҳат битқарур кори дунёни» дея англаган Юсуф элатига қарата шундай дейди:

*Маслаҳат бер, мунда турган халойиқ...  
Улуг подшомиздан ишом келибди,  
Возамиз юртга маълум бўлибди,  
Бекларим, маслаҳат қандай бўлади?*

*Эсилларинг, эл оғаси, келинлар,  
Юсуфман Аҳмадга беринг маслаҳат,  
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади?*

Мана, Юсуфнинг эътиқоди, яшаш ва қураш тутуми. Эл-юртнинг талаб ва истаклари, маслаҳатлари билан иш юритиш унинг учун бурч ва қонун. Юсуфнинг фикрича, халқнинг хоҳиш-иродасига суяниб иш тутиш аҳиллик ва тотувликнинг, тўқлик ва фаровонликнинг муҳим мезони.

Дostonда Юсуф сажияси, руҳий дунёсидаги қарама-қаршиликлар ҳам яққол акс этганки, бу ўз навбатида, асарнинг ҳаётий хусусиятларини юзага чиқарган. Юсуф мулоҳазакор, камтарин шахс бўлиши билан бирга ҳар нарсага ишонувчан, бир қадар ҳарвойи ҳамдир. Унинг табиатидаги ана шу қусурлар кейинчалик унга панд беради, бошига кўп мусибатлар келтиради. Тоғаси Бўзўғлонхоннинг огоҳлантиришларига қарамасдан манманлик қилиб, шоҳ айғоқчиси Мирза Маҳмуднинг сўзларига ишониб, тутқунликка тушади. Кўп азоб-уқубатларга гирифтор бўлади. Ижодкор халқ шу йўл билан инсон руҳиятидаги баъзи бир номаъқулчиликлар, оний ҳолатлар кишини офат-балоларга дучор қилиши мумкинлигини образли ифодалайди.

остонда Юсуфнинг руҳий кечинмалари, сажияси тасвири билан боғлиқ яна бир масала борки, бу халқнинг ичкиликка, сархушликка бўлган азалий нафратидир. Халқ наздида ичкилик ақл ва идрок қушандаси, дўстнинг кулфати, душманнинг ютуғи, жирканч ишларнинг, мудҳиш фожиаларнинг сабабчиси. Шунинг учун ҳам кўпгина ижод дурдоналарида, хусусан, «Тўмарис», «Ойсулув», «Алпомиш» каби асарларда қаҳрамонларнинг асир тушиш сабаблари ана шу иллат билан боғлиқ бежиз эмас.

Дostonда яна бир қатор образлар ўз мақсад-қиёфаларига эга ҳолда жонли ва ҳаракатда тасвирланади. Аҳмад яхши ва ёмон кунларда оғаси дилига малҳам, жангларда камарбаста, диёнатли ука сифатида гавдаланса, Аширбек садоқатли, жонкуяр дўст (тоға) қиёфасида намоён бўлади. Бобо Қамбар образида шарқона донишмандлик туйғуларини сезсак, Лаълихон образи орқали ҳижрон изтиробларидан «бағри кабоб бўлган» дилгир она қалбини ҳис этамиз. Гуласал, Гулхадича образларида эса мушфиқ аёл, вафодор ёр сиймосини кўрамиз.

Мазкур образлар бир томондан асарнинг ғоявий мазмунини очишга хизмат қилса, иккинчидан, бош қаҳрамонлар — Юсуф, Аҳмад қиёфасини тўлдиришга хизмат қилади.

Умуман, дoston руҳи, ундаги ҳар бир лавҳа, образ ягона мақсадга — адолатнинг барқарорлиги, адоватнинг мағлуб бўлиши ҳақидаги халқ орзу-умидларини ифода этишга қаратилгандир.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,  
ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими

## Мен юракка ишониб келдим

Қават-қават ернинг қаъридан,  
Сукунатнинг совуқ бағридан,  
Тутиб яшил майса баридан,  
Юрак, сенга ишониб келдим.

Хаёлларим тушлари рўё,  
Туйғуларим жиловсиз дарё,  
Кўзларимда чайқалар дунё,  
Юрак, сенга ишониб келдим.

Рангсиз кунлар кўзга чўқаркан,  
Осмонимдан юлдуз тўқаркан,  
Ой-навниҳол қаддин буқаркан,  
Юрак, сенга ишониб келдим.

Бир мунаввар тонглар келар деб,  
Кечалари чироқ бўлар деб,  
Бўрон турса суяб турар деб,  
Юрак, сенга ишониб келдим.

Уфқлардан уйғониб келдим,  
Ҳиссиётга чулғаниб келдим,  
Юрт, бўйингга қувониб келдим,  
Мен юракка ишониб келдим.



Ўктамхон ХОЛДОРОВА

## Савол

\*\*\*

Шодликнинг ипидан ўраб бераман,  
Чинорнинг умридан тилаб бераман,  
Бахтнинг қўлларини сўраб бераман  
Сизга, онажон.

Оқ ғамлар бошлардан нурын эласин,  
Дардингиз меҳрибон қўллар силасин,  
Момоннинг покиза руҳи қўлласин  
Сизни, онажон.

Айрилиқ оғиздан сачратади қон,  
Армонларда яшар миттигина шон,  
Осилиб ҳилвирар биттагина жон  
Сизда, онажон.

Фироқдай чувалган мунгли сўроқ бор,  
Қишлоққа сиғмаган ўжар терак бор,  
Ўзига ўт қўйган бир тош юрак бор,  
Ловулар ҳамон...

## Қутлов

Севинчининг йўли қисқа,  
Севгининг қўли қисқа.  
Тақдирман деган дунё  
Турланади минг тусда.  
Ишқ дарёдир, оқаман,  
Севги-ҳаёт, боқаман,  
Мотамдор қаро тунга  
Юлдузларни ёқаман.  
Қуёш бўзлаб ботадир,  
Ким севмабди, хатодир.  
Бу юракни дўзахда  
Аждаҳолар ютодир.  
Қисқа йўллар узайсин,  
Ким қисқа қўли синсин,  
Муҳаббат тири теккан  
Қалблар муборак бўлсин.

\*\*\*

Бир бевафо ишқида  
Қул бўлмоқчи эмасдим.  
Эшигида очилиб  
Гул бўлмоқчи эмасдим.  
Туйғуси бой севгига  
Қўл бўлмоқчи эмасдим.  
Ёндим, беомон ёндим,  
Тунлар оқариб кетди.  
Оҳим оламга тутди,  
Олам торайиб кетди.  
Кўзларим қорачуғи  
Қуйиб, қорайиб кетди.

Оғочлар бағрида сизар яшил қон,  
Барглар ўйин тушиб айтишар ўлан.  
Вужудим зангори нурларга макон,  
Япроқлар тилида сўзлаш мен билан.

Томчилар — осмоннинг очилган сири,  
Қизикқон майсалар теради ҳарчанд.  
Осмонимга сирлар сиғмай кетади,  
Ёмғирлар тилида сўзлаш мен билан.

Ўтган кун камоли қайтмагай ортга,  
Кўкларга тирмашар туманли бир ғаш.  
Умрни Ғиркўкда ўғирлаб кетган  
Шамоллар тилида мен билан сўзлаш.

Етим япроқ қўйса оёғингга бош,  
Жувонмарг орзулар қотса гулида.  
Кўзлари кўкариб кетган дард билан  
Келма, сўзлар ёнар хазон тилида.

## Бир гул бор

Бошида чарх урар хаёл қуёни,  
Ўтар кун капалак — кўзлари басир.  
Ҳеч ким сўрамаган бу гул қўлини  
Қўллари етмаган ҳулволар ўқсир.

Қўйлаги шафақнинг норидай барқут,  
Тонгги шудринг мисол тоза юраги.  
Анор донасидай лаблари ёқут,  
Тунлари ёндирар ҳавас тилаги.

Умрининг ёзиқу сози ўтмоқда,  
Бу гулни кўрмаган бирор баҳодир.  
Шу боис турналар бўзлаб кетмоқда:  
У ғамни ҳам бахтли этишга қодир.

Олов ҳислар бедор ҳар шому саҳар,  
Еллар олиб кетар илтижо-сасни.  
Баҳмал камзулининг қўйнида асрар,  
Атир исли шоҳи рўмолчасини.

Шод кўклардан берган кулгуларини,  
Кетмасин кузаклар кўксига осиб.  
Ёлғизлик қақшатган ниҳол танини  
Шафқатсиз хазонлар кетгуси босиб.

Фалак, фироқларда куяди ошиқ,  
Сўқмоқ томон солган ишқнинг йўлини,  
Нигоҳи кўнгилнинг торидай нозик,  
Гул бор, сўрамаган ҳеч ким қўлини.

**К**адим ривоятларга кўра, тоғлиқлардан бири узоқ юртдан бир сиқим уруғ олиб келиб, Шунқор тоғининг чўққисидан сочиб юборипти. Орадан маълум муддат ўтиб, тоғ ён бағирларидан ажабтовур ўсимлик униб чиқибди. Унинг номини шувоқ деб аташибди. Шундан буён Шунқор тоғолди яйловларида жойлашган катта-катта майдонлар, чўллар шувоқзорга айланган экан.

Қизиғи шундаки, Советобод ноҳиясининг Зирабулоқ тизма тоғлари бағрида шувоқ жуда кўп бўлгани ҳолда ноҳиянинг «Улус», «Жом» давлат хўжаликлари ҳудудида эса деярли ўсмайди. Чунки бу нодир ўсимлик ер танлайди. У асосан тақир, тошлоқ, қумлоқ жойларда яхши ривожланади. Юмшоқ ерда ўсганларини чорва моллари таг-томири билан еб қўйишади.

Шувоқ Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларидаги текисликларда ва тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган жойларда ўсади. Уни халқ табиблари доривор ўсимлик сифатида турли хасталикларни даволаш учун кенг қўллашади. Абу Али ибн Сино шувоқнинг бутасидан тайёрланган қайнатмани буйрак тоши, бачадон яраси ва тумов касалликларини ҳамда аёллар касалликларини даволашда

шу шувоқ билан озиқланади.

Афсуски ҳозирги кунда табиатнинг бу ноёб ўсимлиги ўсадиган яйловлар кескин қисқариб бораётир. Сабаби катта-катта майдонлардаги шувоқларни уруғи етилмасдан хўжаликлар хашак ғамлаш баҳонасида чорва қишлови учун тартибсиз суръатда ўриб ёки чопиб олишаётир. Келаси йил эса бу майдонларда шувоқ умуман ўсмайди. Шунингдек ипак қурти боқувчилар ҳам шувоқзорларнинг тақирлашиб қолишига «ҳисса» қўшишяпти. Ипак қурти шувоқ дасталарига яхши пилла ўрагани учун уни беҳад зарур ашё сифатида ўриб кетишади. Ваҳоланки, бу ўсимлик ҳақида ҳали фанимиз чуқур хулосаларга эга бўлмай барҳам топиб кетиши ҳеч гап эмас.

Бунинг устига шувоқзор дара-ларимиз кейинги йилларда қазилма бойликларини изловчилар томонидан аёвсиз топтаб юборилаяпти. Зил-замбил техника воситалари ноёб ўсимликлар илдинини эзиб-янчиб ҳамма томонни шудгор қилиб юбормоқда. Мана шундай аҳвол давом этиб турса, бир кун келиб бебаҳо яйловларимизда гиёҳ ҳам битмай қолиши турган гап. Бизнингча, кон қидирувчиларнинг бу номаъқулчиликларига чек қўйиш пайти аллақачон етди. Маҳаллий ҳукумат идоралари ўз эътиборларини ма-

## ТАБИАТ ВА ИНСОН

## ШУВОҚ—НОДИР ЎСИМЛИК

қўллаган. Шунингдек, бош оғриганда шувоқ қайнатмасига докани намлаб бошга боғлашни ҳам тавсия этган. Унинг дамламаси билан ўпка сили, менингит, тутқаноқ ва асаб касалликларини даволашда ҳамда туғиш жараёнини тезлатувчи, оғриқ қолдирувчи дори сифатида ҳам фойдаланилган, қайнатмасига шамоллаган болалар чўмилтирилган. Барги янчилиб, яраларга боғланган.

Шувоқ чорва моллари учун ҳам тўйимли озуқа ҳисобланади. «Шувоқ — тиллага гувоҳ» деб бежиз айтишмаган экан. Шувоқзорда боқилган қўйлардан кўпроқ сур кўзилар туғилади. Уларнинг ранго-ранг, худди тилладек жиллоланиб турувчи терилари кўзни қамаштиради. Ҳатто айрим сур терилар кечаси ўзидан нур таратиб туради. Уларнинг шунчалик жилвагар бўлишида шувоқнинг ҳиссаси бор. Йил қурғоқчил келганида чорвадорнинг жонига оро кирадиган ёлғиз озуқа ҳам шу шувоқ бўлади. Қишда ҳам шундай, қалин қор остидан шувоқнинг учи кўриниб туради. Қўйлар туёғи билан туртиб, қорини силкитиб

на шу долзарб масалага қаратсалар яхши бўларди. Бундан ташқари геологлар пармалаш машинасига ишлатиладиган, табиат ва ҳайвонот олами учун ниҳоятда хавфли бўлган гил-лой эритилиб, ер остига юборилади ва қайтадан чиқариб ташланади. Заҳарланган чиқинди — сув дуч келган ерга оқизилади. Ана шундай чиқинди-сув оқизилган майдонларда 15-20 йил ўтгач ҳам бирор гиёҳ униши гумондир.

Табиат эҳсонининг бир бўлағи бўлган шувоқ баҳона долзарб масала ҳақида фикрлашиб ҳам олдик. Шундай экан, биз тобора каммайиб, камёб бўлиб қолаётган шувоқни сақлаб қолишимиз учун аввало табиатнинг ўзини асрашимиз зарур экан.

Халқимиз азалдан табиатни онадай азиз билиб, топинишган. Унинг ҳар бир гиёҳини ардоқлашган. Ажаб эмаски унинг мўтабарлигини англаб етган ҳар бир инсонда шу баҳона меҳр-муҳаббат уйғонса.

Бобомурод МАҲМУДОВ  
Самарқанд.

## КИМ КЕЛИБ КЕТДИ?

Одатда кўп кишилар шанба, якшанба кунларини хушнудлик билан кутиб оладилар. Зеро, салкам бир ҳафта давлатда ўз касби бўйича давлат ва жамоат ишида банд бўлган кишилар ҳордиқ чиқариш кунлари ўзларининг турли шахсий юмушларини битириб оладилар. Кимлардир эса қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари ҳолидан хабар олгани меҳмондорчиликка боришади. Баъзилар эса беш-олти киши бўлишиб, табиатнинг бирор гўзал масканига мароқли дам олиш учун йўл оладилар. Ахир меҳнат қилган одам дам олишни, кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришни ҳам билиши керак-да.

Аммо дунёда шундай касблар ҳам борки, дам олиш кунлари ҳам меҳнат билан машғул бўлишига тўғри келади. Масалан, Норйигит чўпонни ҳам шундай кишилар сирасига киритиш мумкин: эрта тонгдан бир отар қўйни ҳайдаб чиқади-да, тоғ ёнбағирларида ўтлатиб юради. Бироқ Норйигит чўпон ўзининг ҳордиқ кунлари дам олмаётганидан хафа бўлмайди, хафа бўлиш ҳақида йўлаб ҳам кўргани йўқ...

Бу гапларимизни ўқиган одам, ўз касбини севган чўпон нимадан ҳам хафа бўлсин, деб ўйлаши мумкин. Аммо, шуниси ҳам борки, Норйигит чўпон ҳам ўзига яраша нозик табиатли одам — баъзан хайрли ишларни кўрганда қувонади, гоҳо кўнгилга тегадиган манзараларга дуч келганда жуда хафа бўлади. Айрим пайтларда у, албатта, асабга тегадиган манзаралардан четланиб ўтишига ҳаракат қилади.

Мисол учун чўпон шанба, якшанба кунлари ўз отарини тоғ ёнбағирларидаги булоқлардан узоқроқда ўтлатиб юради. Сабаби: ҳордиқ чиқариш кунлари булоқлар атрофидаги арчаларнинг ости тўп-тўп бўлиб чиққан дам олувчиларга тўлиб кетади. Норйигит чўпон қўйларидан сира ҳам хавотир олмайди-ю дам олувчи айрим бефаросатларнинг гапларию муомалаларидан хафа бўлади. Гапнинг очиги, анча-мунча йигит-қизлар чўпонни ўзларидан паст тутиб муомала қилишади, эндигина қирқ ёшдан ошган Норйигитни: «Ҳа, бобой, қалайсиз?» деб чақиритишади. Ахир у нега «бобой» бўлар экан? Қолаверса, «бобой» деган атама чинакам ўзбек тили луғатида учрамайдиган сўз-ку! «Бобо», «бува», «отахон» деган гўзал, чиройли сўзлар бор яхши муомала қиладиган одамга! «Бобой» сўзи эса, бошқа халқларнинг назар-писанд қилмаслигидан келиб чиққан атама. «Ийғлама, анави бобойга бериб юбораман!», «Жим бўл,

ана, бобой келаяпти!» ва ҳоказо.

Шундай қилиб, Норйигит чўпон ҳордиқ чиқариш учун қисқа муддатга келиб кетадиган меҳмонларнинг яна бир хурмача қилиқларидан ҳам хафа! Жуда хафа!.. Нега дейсизми! Уша дам олишга келганларнинг айримлари фақат Норйигит чўпонга ўхшаганларни эмас, умуман ўзлари мириқиб дам олган соясалқин гўшани ҳам назар-писанд қилмайдилар. Назар-писанд қилмайдиларгина эмас, ўша жойни булғаб кетадилар.

Норйигит чўпон кўпинча душанба, сешанба кунлари ўз отарини булоқлар тарафга ҳайдайди-да, айрим тўдалар қолдириб кетган «совгани» кўриб, фиғони фалакка кўтарилади. Чунки, дам олишга чиққан олифта акалар, «бобой» деб чақирадиган бойвачча укалар табиатни булғаб кетган бўладилар. Бу ердан ҳар қанақа ирқит нарсаларни топиш мумкин; бўшаган консерва банкалари, циллофан халталар, парча-буруш қоғозлар, йиртиқ кийим парчалари, шиша ва сопол идиш синиқлари ва ҳоказо, ва ҳоказо... Норйигит чўпон: «Ўзлари сув ичган шишани синдириш-маса нима қилар экан, лағна-тилар!» дея пичирлаб турганда, сал нарироқдаги ахлат-нажосатга ҳам кўзи тушади-да, юзини тескари ўгиради, асабийлашиб сўқинади: «Бу ерга келиб кетганлар кимлар ўзи?!. Инсонми, ҳайвонми?!. Йўқ, улар ҳайвонлар эмас, ҳайвондан ҳам паст кимсалар! Ҳайвонлар ҳеч қачон табиатни бу даражада булғашмайди. Қўй-қўзилар, қорамоллар фақат табиатни безашга хизмат қиладилар...»

Холисона айтганда, Норйигит чўпоннинг ранжиши жуда ўринли. Табиатнинг мусоффолигини асраш, ерга, ҳавога, сувга тарқатилган кимёвий заҳар-заққумларни камайтира бориш ҳисобига атроф-муҳитни тозалашга ҳаракат кетаётган бир пайтда юртимиз бойлиги бўлган табиий манзараларга бефаросатларча муносабат ҳар қандай виждонли кишининг зардасини қайнатиб юбориши табиийдир. Табиат қўйнида мириқиб дам олишга чиққан олифталарнинг ҳаммаси ўз ўтирган ўрнини булғаб кетаверадиган бўлса, она-табиатимизнинг эртаиндинги манзараси қай аҳволга тушади. Бизнингча, тоғ ёнбағирлари эга бўлган ноҳия ижроия қўмиталарига, қолаверса, ўрмон хўжаликларининг тоғбегиларига шу хусусда қандайдир ҳуқуқлар бериш лозим.

О. ҲУСАН



# ОТА ЎҒИЛ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, хонанда ҳам созанда марҳум Асқар Убайдуллаевнинг порлок хотирасига бағишланади.

Зоир ЗИЕ



**Р**устам кўзларини чирт юмиб олди. Энди нима қилиш керак? Доираси шу тобда қарс этиб ёрилиб кетди-я! Кўз олди қоронгулашди. Келиб-келиб, шундай кунда — дорулфунуннинг маданият саройида, минглаб жуфт кўзлар куй-қўшиққа маҳтал бўлиб турган бир пайтда у доирасиз қолса? Бу нима — тақдир ҳазилими, тасодифми, омадсизликми? Йўқ, омадсизлик эмас! Сираям ундай эмас!!! Бу тасодиф холос... У бошида гув-гув айланаётган тумтароқ хаёлларини қувиб, ўзини-ўзи юпатди, фикрлай бошлади: «Нима қилсамкин? Уйга бориб келсаммикин, йўқ, улгурмайман! Яхшиси, бу ёқдаги уйга — ота уйимга бориб келаман. Ҳа, ҳа».

У Ҳожиакбарга қандай чора кўрмоқчи эканини тушунтириб ўтирмади. «Ҳозир келаман», деди-да, кўча эшиги томон йўналди. Ҳофиз бундай қолга биринчи марта тушиши эмас, билади, тушунади. Шунинг учун ҳам индамай қўяқолди.

Рустам дарахт соясида турган «Жигули»-сига ўтириб, ўт олди.

Машина олдинга қараб сирғалса-да, ўзи тобора ортга қайтаверди, қайтаверди. Ортда кичик Рустамнинг ҳеч қаяққа сиғмай доира чертишлари-ю, отаси Асқар аканинг қувончлари шундоққина машина ойнагидан кўриниб тургандек эди... Рустам худди шу онданок беихтиёр ўша ўтган кунларининг бирида ё яшай бошлади ё кўз юммай туш кўра бошлади.

... Бир куни Асқар ака уйга ғалати ғилоф кўтариб келди. Яп-янги, тутқичи бежирим, олти қиррали. Рустам бундай пўрим «папка»ни биринчи марта кўраётганди, дадасининг қўлларига осилди:

— Дада, бу нима?

— Топсанг сеники, топмасанг ҳозироқ эгасига қайтариб олиб бориб бераман, — деди Асқар ака ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда.

Рустам «папка»нинг тутқичини, кейин кафти етмас олти бурчагини ушлаб кўрди, аста чертди:

— Билмадим, йўқ, бу доира, доира! — деди Рустам қувониб.

Асқар ака ўғлининг пешонасидан ўпаркан, жилмайиб қўйди:

— Топдинг, ўғлим, топдинг. Бу чиндан ҳам доира. Бу эса: унинг ғилофи. Фақат бир шартим бор, сўз берсанг фақат... билдингми?

— ...

— Шарт шуки, — деди Асқар ака донадона қилиб, — мен буни магазиндан эмас, хўв, узоқдаги уста амакингдан олдим. Амакинг сен учун атай ясабди. Тагин-чи, биласанми, нима деди?

— Йўқ...

— Доирани доимо ғилофига солиб юрсин, кимки уни яхши асраса, у эгасига умр бўйи дўст бўлиб қолади, деди.

— Хўп, эҳтиёт қиламан.

Рустам ҳовлиқиб ғилофни очиб, доирани олди. Таранг тортилган терисини силаб туриб:

— Вуй, зўр экан, раҳмат, дада, — деди. Асқар ака мамнун жилмайди.

Эшитишича (кейин бу ҳақда онасидан, отасининг дўстлари, танишларидан эшитди), онаси ёш Асқарни тонг маҳали томга чиқариб, най чалдирар экан. Куй сеҳрига мафтур бўлган ёш-у қари бирров ташвишларини унутиб, бутун вужудлари қулоққа айланиб, жимгина тинглашар экан. Ана шу най уни санъат оламга олиб келган бўлса нежаб...

Асқар ака асли чегачи оиласида туғилган, отаси Абдураззоқ бобо шу касби ортидан халқ оғзига тушган бир жафокаш одам эди. Отадан эл учун куйинчакликни, онадан эса меҳрибонлик, раҳм-шафқатни ўрганди.

— Ота касбим, чегачилик менга кўп марта инъомлар келтирган, — деб сўзлаб бергучи эди Асқар ака гоҳида ўғли Рустамга. — Сен катта бўлсанг, санъаткор бўласан, буни билиб қўйишиг керак.

... Рустам уйига етиб келгач, ўзи яшаган хонада, олти ёшлигида совға қилинган доирани кўриб, кўнгли зирқиради. Дадамдан ёдгорлик, деб уни деворга, отасининг найи, танбури қаторига осиб қўйган эди. Уйга толди: «Бугун албатта чалишим керак, ўзга чора йўқ». «Санъат соҳасида керак бўлса, мухлиснингга жонингни армуғон қил», дегувчи эди отаси.

Бир куни кўшни хонадонда ўтаётган тўйга ҳофиз Расул қори ташриф буюрди. Аммо ҳофиз доирачиси эди. Шунда сергак Асқар ака дарров эвини топди. Расул қорига: «Мана сизга доирачи, бемалол қўшиқларингизни бошлайверинг, доирачидан кўнглингиз тўқ бўлсин», деб унга Рустамни кўрсатди. Тўй қизигандан қизиди. Ҳамма шод-хуррам, ҳовли эгаси, қариндош-уруғлар ҳофизларни сийлаб, тўн, қийиқча, дўппи ҳадя қилишди. Расул қорини олқишлаб кўп одам чиқди. Шунда кимдир Рустамнинг пешонасидан ўпиб: «Баракалла, ўғлим! Дурустсан, дуруст. Мактабингни битириб олсанг, албатта ўқигин, сен ҳали катта доирачи бўласан», деганди. Шунда Расул қори қўллари билан ҳамроҳини қидириб қолди: «Ие, шунақами, шунақами, менинг ҳамроҳим ёш болами, Рустам дейсанларми? Асқар, ўзининг Рустамингми? Мен бўлсам катта доирачи, деб ўйлабман». Кейин у суюнганидан эгнидаги чопонини, дўппи-қийиқчасини унга инъом қилди: «Отангга балли, ўғлим! Илоий умринг узоқ бўлсин, пешонагнинг ялтирагани шу бўлсин», деб чаккасидан ўпиб

қўйди. Рустамга бундан ортиқ мукофот йўқ эди шу онда!

Кейинчалик Рустам лирик хонанда Фахриддин Умаровдек хушовоз, зукко санъаткор билан бирга ишлашдек имкониятга эга бўлганида, рости, отасининг тилаги рўёбга чиқганига ишонди. Айниқса илк марта саҳнага — санъат мухлислари истиқболга чиққанида шундай туйғуни теран ҳис этди. Уша тобда ҳаяжонланарди у: «Эплай олармикинман? Эплай олармикинман?» У доирани силагандек, сийпагандек чертарди... Уша кезлари у бор-йўғи ўқувчи, ўн олти ёшли ўсмир эди.

Юрган — дарё, ўтирган — бўйра экан. Рустам аста-секин саҳна маданиятини — мухлислар олдида ўзини қандай тутишдан тортиб, улар билан қандай муносабатда бўлишни ҳам ўрганди. Фахриддин Умаровнинг панд-насихатлари, йўл-йўриқлари доира санъатини янаям мукамал эгаллаб олишига ёрдам берди. Тажрибаси ортаверди. Маълум вақтларга келиб, халқ оғзига тушаётган лирик хонанда, Тошкент вилояти Ленин мукофоти соҳиби Ҳожиакбар Ҳамидов билан ҳамкорликда ишлай бошлади.

Тошкентдаги Низомий номли Педагогика институтининг мусиқа бўлимини битиргач, Октябрь ноҳиясидаги пионерлар саройида доирачилар тўғарагида шогирд етиштира бошлади. Ёш доирачиларга Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов, Ғофир Азимов ва мураббийлари Дадахўжа Каттахўжаев, Раҳим Исахўжаев, Қаҳрамон Дадаев, Одил Камолхўжаевлардан олган сабоқларини ўргатди.

Ҳозирги кунда Рустамнинг ҳам ўнлаб ўз шогирдлари бор. Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти соҳиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан Носиров, Ботир Ҳожимуродов, Улуғбек Қодиров, Ваҳоб Ниёзов, Шариф Ҳамдамовлар шулар жумласидандир.

Дарвоқе, Рустамнинг катта ўғли — Қаҳрамон ҳозир Глиэр номли мусиқа мактабида пианино чалишни ўрганапти. Ўртанчаси Санжар доирачилар тўғарагига қатнашади, кенжаси — етти ёшли Достон эса ҳозирданок кўпчиликнинг диққат-эътиборини қозонмоқда. У янги ташкил қилинган «Томоша» миллий театрида Анвар Обиджон қаламига мансуб «Шарқ бозори» эртагидаги ёш Насриддин родини ижро этмоқда. Ўтган йили Тошкент Давлат циркида намоиш этилган «Қизиқчи—89», «Камолот—89» кўриқларида иштирок этиб, фахрий ёрлик, совғалар билан тақдирланди.

...Рустам маданият саройига етиб келиб, шошиб саҳнага чиққанида олқишлаётган томошабинларни кўриб, юраги тўлқинланиб кетди, юзларига илиқ ҳарорат урилгандек бўлди.

Аслида бу мақолада замондошларимизнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари, инсоний мурувватлари, қолаверса, бурчларини эслатиб, озгина бўлса ҳам ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган меҳр-шафқат, кенг феъллик ҳақида мушоҳада юритмоқчи эдим. Сабрим чидамади. Бир муштипар она-

Дастаклар тасдиқланди, маъмурий жазо берилди, тегишли ҳужжатларни тегишли идораларга ошириш топширилди ва ҳоказо, ва ҳоказо... Соғлиқни сақлаш вазирлиги шу билан ўз олдидаги «вазифа»ни бажариб бўлди ва қўйилган масалани шундай қилиб кун тартибидан олиб ташлади.

доғи. Қўлимдаги отахон ёзиб келган шикоят хатига кўз ташлайман: «... шу саволга жавоб тополмай гарангман, нима учун ўйнаб-кулиб юрган бола бир кундан сўнг реанимацияга тушиб қолади? Шифохонага ётқизилгандан сўнг бир ҳафта ўтгач, неварам касалхона даҳлизда ўйноқлаб юрганини ўз кўзим би-

## ОШКОРАЛИК ОЙНАСИ

# ДОДИНГНИ АЙТМА

нинг нолавор мактуби дилимни ўртаб юборди. Онаизорнинг мактубида баён қилинган фожиалар, айтиш мумкинки, йилда эмас, ҳафтада эмас, ҳар куни, ҳар дақиқада бирор оилада юз бериб турибди. Қачонгача бу ҳол давом этади? Одамлар ёстиқдан бош кўтаролмай дард исқанжасида тўлганиб, жонсарақ бўлиб ётганларида, кўз олдларида ўлим шарпаси кўланка солиб турганида, тоқайгача шифокорларимиздан эмас, ёлғиз оллодан мадад сўрайдилар?

... Фарзанд вафот этди. Бир муштипар онанинг ўн беш йилдан бери оқ ювиб, оқ тараган, оқи-оққа, қизили-қизилга ажралиб нақш олмадек навжувон дилбанди — ўн иккинчи фарзанди, бахтсизликни қарангки, шифокор деган шарафли номга номуносиб хатти-ҳаракат қилган, зарур дори-дармон у ёқда турсин, ҳатто ширин сўзини ҳам аяган инсонлар қўлида бевақт оламдан кўз юмди...

Сирдарё вилояти, Ворошилов ноҳиясидаги Свердлов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган қаҳрамон она Фотима Қаҳҳорованинг редакцияга йўллаган ана шу армонли дил арзига бирор жиддий чора кўрилиб, қишлоқ шифохоналарида тартиб ўрнатилар, касбига нолойиқ кишилар бўлса, аниқланиб, тегишли хулосалар чиқарилар, деган ўй билан хатни жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатига юборган эдик. Чунки ўлкамиздаги аксарият қишлоқ шифохоналарининг аҳволи номи юқорида зикр этилган ноҳиядагидан ўзгача эмас.

Орадан кўп ўтмай қуйидаги жавоб хатини олдик:

**«Гулистон» журнали редакциясига**  
**«Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фотима Қаҳҳорованинг «Гулистон» журнали редакциясига йўллаган мактубини махсус комиссия тузиб, воқеа содир бўлган жойга бориб, чуқур ўрганиб чиқди.**

Мактубда 15 яшар фарзандлари Дилафрўз Қаҳҳорованинг ноҳия юқумли касалликлари шифохонасида медицина ходимлари айби билан вафот этганлиги баён этилган.

Текширув натижаси шуни кўрсатдики, ноҳиядаги юқумли касалликлар шифохонасининг медицина ходимлари томонидан беморнинг касаллигини аниқлашда ва даволаш пайтида айрим хатоларга йўл қўйилган.

Хатда кўрсатилганидек, шифохонанинг санитария талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги факт ҳам тасдиқланди.

Ноҳия марказий шифохонасининг 1990 йил, 3 январдаги 2-сонли буйруғи билан хатоларга йўл қўйган медицина ходимларига нисбатан маъмурий жазолаш чоралари берилди.

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига ушбу фактга тегишли ҳамма ҳужжатларни тергов органларига ошириш топширилди.

Хат муаллифига ёзма равишда жавоб йўланди.

ВАЗИР имзо С. М. БАҲРОМОВ»

Аслида юқумли касалликлар шифохонасининг тиббийёт аҳли томонидан йўл қўйилган, «айрим хатолар» нималардан иборат эди? Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус тафтишчилари текширувга кўра, Дилафрўз Қаҳҳорова шифохонада дастлаб юқумли сариқ касалининг «А» хили билан касалланган, деган хулоса чиқарилган. Аслида беморнинг ана шу маккор дарднинг «В» оғир хилига чалинганлиги аниқланган. Ноҳиянинг «Янги ҳаёт» газетаси мухбири С. Номозовнинг «Ночорлик» деган танқидий мақоласи ҳам мана шу мавзуга бағишланди. Мухбирнинг саволларига Дилафрўзни даволаш учун қабул қилиб олган 1-даражали мутахассис врач А. Қайназаров шундай жавоб беради: «... Қаҳҳоровада вирусли гепатитнинг «В» шакли бор бўлиб, бу касаллик ниҳоятда оғир кечеди ва даволаш жуда қийин бўлади, айрим ҳолларда ўлим билан тугайди...»

Қизиқ, ўртоқ А. Қайназаров беморнинг «В» хили дардига чалинганини қачон аниқлади экан? Ахир текширув хулосаларида бу ҳақдаги маълумотлар бошқача эди-ку? Унда яна ноҳия шифохонаси шароитида қондаги касал турини аниқлашнинг иложи йўқлиги, текшириш учун олинган қон вилоят марказида назоратдан ўтказилиши қайд этилган. Бундан чиқди шифокор мухбирнинг қулоғига лағмон осган экан-да. Қаранг-а! Жазодан қутулишнинг йўллари қанчалар кўп. Истаганингизча ёлгон гапиришингиз мумкин, жазо берилмаса бўлгани!

А. Қайназаровнинг фикри ожизича, сариқ касалининг «В» хили билан оғирган беморларни даволашнинг иложи йўқ эмиш. Албатта, даволовчи шифокорнинг малакаси «А» билан «В» нинг фарқига бормас даражада бўлганидан кейин шўрлик беморлар ўлим чангалига тушмай нима қилсинлар?! 1989 йил давомида мазкур юқумли касалликлар шифохонасида ўн бир нафар бемор ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг ўн нафари юқумли сариқ касалининг «В» тури билан хасталанган бўлиб, тўққиз нафари ўсмир ёшдагилардир. Ноҳиядаги мазкур шифохонада аҳвол шу даражада экан, бош табиб ўртоқ И. Бобоев, ноҳия соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи ўртоқ Э. Бобоевлар нима қилишаётган эканлар? Балки улар чекларига тушган тешик кулчадеккина «хайфсан»ни қандай қилиб ҳазм қилиш билан овора бўлсалар керак.

Соғлиқни сақлаш вазирлигидан мактубни олиб, ҳафсаламиз пир бўлиб ўтирганимизда редакция эшигидан яна бир азадор кириб келди. Меҳнат ветерани Раҳимжон ота Файзуллаев Тошкент вилоятига қарашли «Зангиота» қишлоғидаги болалар шифохонасига ётқизилган невараси Баҳодиржон шифокорларнинг малакасизлиги туфайли вафот этганлигидан зорланди. Оқсоқолни нима деб юпатишни ҳам билмайсан киши. Изтироб, изтироб, бевақт оламдан кўз юмган фарзанд

лан кўрган эдим. Шифохонанинг бўлим мудири Толиб ака Исошукуровдан сўрасам: «Ҳа, боланинг шамоллаши қайталаб қолибди, грипп кўп, бир-икки кундан сўнг ўзига келиб қолади», деб тинчлангирди. Реанимация хонасида онаси боланинг лабини ҳўллаб ўтирибди, бола яланғоч, дераза қия очиб қўйилган, дўхтирлар тоза ҳаво кирсин учун шундай қилишган эмиш, ташқарида эса январ ойининг изғирини... Шамоллаши қайталаган болани мана шунақа аҳволда «даволадилар». Гўдакнинг аҳволи оғирлашиб қолгач, уни жумҳурият пойтахтидаги биринчи клиник шифохонага олиб боришларини қаттиқ туриб талаб қилдик. Бу икки шифохона оралиғи бор-йўғи енгил машинада 15—20 минутлик йўл. Тиқилинч қилганимдан сўнггина «тез ёрдам» машинасида олиб боришди. Қайсидир газетада ўқиган эдим. Тоғлик қишлоқлардан бирида гўдакнинг қўлини устахона дастгоҳи кесиб тушган, шу заҳоти жонқуяр шифокорлар тушай деб турган қўлчани махсус қопчага солиб, вертолётда Москванинг «микрочарроқлик» касалхонасига етказиб келишган экан.

Ҳукуматимизнинг қудрати етарли, зарур имкониятларни ҳам яратиб қўйипти, фақат ундан тўғри фойдаланадиган фидойиларимиз йўқ.

Қишлоқ шифохонасидаги нўноқ «шифокорлар» болага нотўғри даво белгилаган эканлар. Наҳотки шундай кезларда бизнинг шифокорларимиз ўзларининг ақллари етмаса яқин атрофдаги шифохоналардан мутахассисларни кўмакка чақирмайдилар? Эҳтимол, уларнинг олдида юзларининг сувини тўққиси келмас, билимсизликлари, уқувсизликлари ошкор бўлиб қолишидан чўчишар.

Афсуски, шундай биқинимиздаги Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-клиник шифохонага гўдакни кечикиб олиб келган эканмиз. Бу ердаги шифокорлар анча малакали, меҳрибон кишилар экан, ширин сўз билан бўлса ҳам далда беришди. Маълум бўлишича, неварамнинг қонига игна орқали сариқ касаллиги юққан экан, жигари шишиб, ишдан чиққан, ичак яллиғланган, ўпка икки томонлама қаттиқ шамоллаган экан...»

Қаранг-а! Икки вилоятдан келган икки хил мактубнинг мавзуси битта. Афсуски, ҳамон қишлоқ шифохоналаридаги аҳвол мана шундай. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилсанг, жавоб тайин. «Дастаклар» тасдиқланди, маъмурий жазо берилди, тегишли ҳужжатларни тегишли идораларга топшириш... топширилди».

Ҳеч қачон соғлиқни сақлаш муаммоси жумҳурият миқёсида алоҳида масала сифатида ўрганилмаган ва яқин орада ўрганилмаса ҳам керак. Шундай экан, додингни худога айтмай кимга айтасан?!

Биз иккинчи шикоятни Соғлиқни сақлаш вазири номига юбориш фикридан қайтдик...

Ў. ХАЙРУЛЛАЕВ

# ЯПОНЧА СОЯБОН

Интермедия

Эр. Ҳой, онаси, инсофинг борми? Ажалимдан бурун асфалософилинга жўнатмоқчимисан?

Хотин. Нима бўпти?

Эр. Берган овқатингни қара! Обиёвгон! Сувда маза бор — бунда маза йўқ! На бир ялтираган жир бўлсин бунда, на зигирча гўшт! Ишлаб, тинкам қуриб келдим ахир!

Хотин. Хотиннинг овқатини ширин қилган — эрининг масаллиғи! Машойихлар айтган бу гапни! Овқатинг у, овқатинг бу, деб ўтиргунча, кўпроқ пул то пишни ўйланг! Катта-катта кўтариб келинг! Пул бўлса, чангалда шўрва!

Эр. Пул бўлса, чангалда шўрваллигини сендан яхши биламан! Нима қилай? Айт, нима қилай?! Уғирлик қилайми? Қиссавурлик қилайми?

Хотин. Бақирманг! Нега бақирасиз? Анови қўшинингиз Қосимбўжурнинг ойлиги сизниқидан кам! Уйи — Худоёрхоннинг саройи! Хотинининг кийиниши — Эроннинг маликаси! Мен-чи? (Йиғлабсираб). Манови кўйлагим қизлигимдан бери устимдан тушмайди! Мен ҳам аёлман! Ясангим келади! Гап-гаштакларга боргим келади!

Эр. Нима, мен қўш-қўш кийим сочиб олдиму, сен қуруқ қолдингми? Сен хотин бўлсанг, мен кўчада юрадиган эркакман! Кечқурунлари ҳемирим йўқлигидан, чойхонага чиқиб, битта чой чақириб ўтиролмайман! Наҳотки, мўйловимни мойлагани уйимда ёғ топилмаса! Олиб келаётган ойликларимни нима қилаяпсан ўзи?

Хотин. Ҳаҳ! Ойлик бўлмай ўлақолсин! Рўзгорга урноғ ҳам бўлмайдиган ўша ойлигингни бунча пеш қилдингиз! (Бирдан ҳовридан тушиб). Қўйинг, дадаси, ҳамма нарсага аччиқ-тирсак қилавермайлик. Мен билан айтишгандан кўра, суюнчи беринг!

Эр. А? Суюнчи? Яна фарзанд кўрамизми?..

Хотин. Мен боғдан гапирсам, сиз тоғдан гапирасиз-а, дадаси. Айтмайми, нима олдим?

Эр. Айт тезроқ!

Хотин. Кейинги ойлигингни бир тийининиям нари-бери қилмай, ўзимга... Айтиверайми?

Эр. Айт! Жоним ҳалқумимга кебкетди!

Хотин. Суюнчини берасиз-а?

Эр. Айт!!!

Хотин. Японча соябон олдим! Бирам ажойиб, бирам ажойибки! Ҳай, дадаси! Нима бўлди? Вой-дод! Вой ўлмасам! Тўхтанг, духтур чақирай! Скорий!!

Муҳаммаджон  
АБДУКАРИМОВ

Андижон



## АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Жарроҳ Афандининг пули жуда кўпайиб кетди. Бир куни қариндоши ундан илтимос қилди.

— Туни билан мижжа қоқмадим, бир оз ақча керак бўлиб қолди.

— Уйга бор, иложини қилармиз, — деди Афанди.

— Қарз бериб турасизми?

— Хабдори бераман.

\* \* \*

Пиёлага чой қуяётган Афанди сўради:

— Меҳмон, қанча қанд солай?

— Уйимда бир чақмоқ, меҳмонга борганда тўрт чақмоқ соламан, — деб жавоб берди меҳмон.

— Унда, ўзингизни уйингизда

деб ҳисоблайверинг, — деди Афанди.

А. ИСОМИДДИНОВ

## Қатра хандалар

— Бу ошми, шавлами? — деб сўради эр овқат келтирган хотинидан.

— Аслида мастава қилмоқчи эдим, дадаси, гуручни кўпроқ солиб юборибман шекилли.

\* \* \*

Янги уйланган йигитдан дўстлари сўрашди:

— Қалай, оилани ким бошқарапти?

— Қайнонам, — деб жавоб берди йигит.

С. СИРОЖИДДИНОВ

# МИТТИ ҲАНГОМАЛАР

## Врач қочди

Касалхонада даволанаётган бемор аёл безовта бўлиб аланглай бошлаган эди, ҳамшира сўради:

— Холажон, безовта кўринасиз?

— Ҳалигичи... тилло тишли семиз дўхтир кўринмаяптиларми?

— У киши отпусмага чиқдилар, бир ойдан сўнг келадилар.

— Вой ўлмасам, яхшироқ даволар, деб унга юз сўм берган эдим-ку. Энди нима қиламан?

— Ия... мен ҳам юз сўм берган эдим, — деди бошқа аёл, — энди нима қиламиз?

— Вой, мен ҳам юз эллик сўм берган эдим...

— Маълум бўлишча, дўхтир пулларни олиб жўнаворган экан. У отпускадан қайтгунча беморларни касалхонадан чиқариб юбордилар.

## Уч бармоқ

Қадрдон оғайним йўқлаб келган экан, қувондим.

— Омон-соғмисан, ишлар қалай?

— Ишларим яхши, лекин бошимга ташвиш тушиб қолди.

— Хўш-хўш?

— Уғлимни институтга киритмоқчи эдим, у ерда қадрдонинг ишлайди. Унга айтсанг ўғлимни институтга жойлаб қўйса.

— Қадрдонимга учраб мақсадимни айтган эдим, уялмай-нетмай:

— Қанча?.. — деди.

— Нима қанча?

— Ҳақиқа қанча беради деб сўраяпман.

Унғайсизланиб уч бармоғимни кўрсатдим.

Ошнамга жон киргандай бўлди:

— Уч минг беради дейсанми?

— Йўғ-э, пулдор одам эмасу, уч юз сўм берар-ов.

— Бор, бор, тушингни сувга айт. Уч юз сўм ҳам пул эканми?

Ошнам зарда билан бурилиб жўнаб кетди.

## Ёлғон гапирма

Хотин хавотирланиб ўтирган эди, уч киши эрини кўтариб олиб кириб диванга ётқишишди:

— Эрингиз маст бўлиб симёғоч тагида гиншиб ётган экан, судраб келдик, — дейишди улар.


Хотин эрининг юзига шапатилаб, деди:

— Вой, вой, афти башарангни қара. Нега ичиб келасан?

Эр хотинига дўқ урди:

— Уйга ичиб келдинг эмиш! Мен ке...ганим йўқ... мени... кўтариб олиб келишди, ёлғон гапирма!

Турғунбой ҒОИИПОВ



Самовий келгинди: — ДАИлар бизни ушлаб бўпти! Керакли шаҳарга ўзим лип этиб ликобчада элтиб қўяман...

Рассом: С. САЛОХИДДИНОВ

ЭСКИ ЎЗБЕК ЕЗУВИНИ  
УРГАНАЯПСИЗМИ?

Огаҳий

آگهيدن

عاشق اولدينك اي كونگل جانينگ كيوك مسو سنگه  
 اوتگه كيودينگ جسم عريانينگ كيوك مسو سنگه  
 ايسته يان اول يسوز تاشاسيني كوزدين دم بسدم  
 قان توكرسن چشم گريانينگ كيرك مسو سنگه  
 هر دم ايستكونگ آرزو كافر كوزي نظاره سين  
 قيل هرز كيم نقد ايدانينگ كيوك مسو سنگه  
 لطفونگ ايتدينگ خسته كونگرومدين دريغ اي شاه حسن  
 بو گداي زار حيرانينگ كيوك مسو سنگه  
 اوزگه لرگه استغاثينگ ايله دينگ مخصوص بسو  
 مستحق لطف احسانينگ كيوك مسو سنگه  
 سيل غمدين خانه ويران اولديمو ياد ايتمه دينگ  
 ايت كيم بسو جخانه ويرانينگ كيوك مسو سنگه  
 آگهي حالين كوريب دائم تنغافل قيلفاسن  
 شاعر دانباي دورانينگ كيوك مسو سنگه



Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, жонинг керакмасму санга?  
 Утга кирдинг жисми урёнинг керакмасму санга?

Истабон ул юз тамошосини кўздин дам-бадам,  
 Қон тўқарсан чашми гирёнинг керакмасму санга?

Ҳардам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,  
 Қил ҳазарким нақди имонинг керакмасму санга?


Лутфунг этдинг хаста кўнглумдин дариг, эй шоҳи хусн,  
 Бу гадойи зори ҳайронинг керакмасму санга?

Ўзгаларга илтифотинг айладинг махсус, бу  
 Мустаҳиқ лутфи эҳсонинг керакмасму санга?

Сел ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,  
 Айтким бу хонавайронинг керакмасму санга?

Огаҳий ҳолин кўриб доим тағофил қилгосан,  
 Шоири донойи давронинг керакмасму санга?

«Ўзбекистон неъматлари» тилсими  
(кроссворди)



ЭНИГА: 5. Маҳаллий ўрик нави. 6. Таъми нордон, данакли, ҳўл мева. 9. Эртапишар, ширин мева. 10. Ҳосили шифобахш тут нави. 13. Кўллаб етиштириладиган полиз экини. 14. Қовун навларидан бири. 15. Таомга қўшиб истеъмол қилинадиган яшил ўсимликлар мажмуи. 18. Серэт, ҳосилли сабзавот экини. 19. Қорамтир, майда, нордон, меваси зиравор сифатида ишлатиладиган, тоғда ўсадиган ёввойи бута. 20. Воҳа ва тоғ ёнбағирларида тарқалган, мевасидан юқори сифатли хушбўй мой олинадиган кўп йиллик ўт. 23. Таъми аччиқ илдимевали сабзавот. 24. Эртапишар хушбўй полиз экини. 29. Табиий ҳолатда ўсадиган манзарали ўсимлик. 30. Меваси сариқ тусли, йирик шафтоли нави. 31. Ҳосили ўрам шаклида етиладиган полиз ўсимлиги. 34. Серуруғ ширали ҳўл мева. 35. Экин ёки мевали ўсимлик самараси, унуми. 36. Мағзидан мой олинадиган, ўтсимон, илдимевали дуккакли экин. 37. Эртапишар, хўраки маҳаллий узум нави.

БЎНИГА: 1. Япроғи таомга ишлатиладиган баҳор кўкати. 2. Бошоқли экинлардан бири. 3. Таъми нордон ошқўк. 4. Ғужуми йирик узум нави. 7. Дуккакли дон экини. 8. Қовунсимон, майда мевали иссиқсевар ўсимлик. 11. Ҳосили туксиз ҳўл мевалардан бири. 12. Тоғ шароитида, ёввойи ҳолда ўсадиган, меваси кузда пишадиган дарахт. 16. Энг кўп истеъмол қилинадиган сабзавотлардан бири. 17. Бута ҳолида ўсувчи меваси ширадор, нордон ўсимлик. 21. Бирмунча майда ўрик нави. 22. Ўриқдан тайёрланган қуруқ мева. 25. Маҳаллий гуручнинг йирик, сув кўтарадиган нави. 26. Йил бўйи истеъмол қилинадиган қуруқ мева. 27. Мағзи сермой ва лаззатли дарахт. 28. Узумнинг йирик бошли тури. 32. Кечпишар қуруқ мева. 33. Поясидан тола, уругидан ёғ олинадиган бир йиллик экин.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

7-сонда берилган тилсимнинг  
жавоби

ЭНИГА: 4. Насиҳат. 7. Каштадўзлик. 10. Машшоқ. 11. Дегрез. 14. Муштарий. 16. Гулхайри. 18. Шарқ. 19. Жарроҳлик. 20. Кема. 21. Маърифат. 24. Шакарпаз. 26. Соврин. 27. Кашмир. 28. Жиблажибон. 31. Зарифов (Ҳаким).

БЎНИГА: 1. Шашт. 2. Гирдибод. 3. Баёз. 5. Кавшар. 6. Чингил. 8. Каттақўрғон. 9. Тежамкорлик. 12. Дургагай. 13. Трамвай. 15. Ижара. 17. Умида. 22. Фарзин. 23. Бенгалия. 25. Кашшоф. 29. Ипак. 30. Изоҳ.

МУҚОВАДА:

Буюк санъаткор Аброр ҲИДОЯТОВ  
 ЎзССР халқ рассоми Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ асари  
 16-бетдаги мақолани ўқинг

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 18.06.90. Босишга руҳсат этилди 19.07.90. Р — 06210. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 141629. Буюртма 3434. А — 137. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент—П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Ўзбекистон ССРда  
хизмат кўрсатган  
артист  
Феруза СОЛИҲОВА

Сураткаш В. ДУБРОВСКИЙ

Баҳон. 35 тўйин.  
Индекс 75233.



Ўзбекча кураш турлари

А. ВАНШТЕЙН суратлари

